

**«ТАНҚИД
БЎЛЯПТИ,
лекин бунга
муносабат йўқ»**



3

**ТОШКЕНТ
ТИРБАНДликлари
қачон
ТУГАТИлади?**



4

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№43-44

(1973-1974) 2020 йил
26 ноябрь — 3 декабрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

**ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ:**

ҳар куз-қишда шу
бўлар такрор, ҳар гал
мавсум шундай ўтади...

5

Ёшлар нега
ТИББИЙ КЎРИКДАН
ўтишни истамайди?

6

26 ТА КЎПРИК
аянчли ҳолатта келиб
қолган. Нега?

33

Нотариал соҳадаги
КОРРУПЦИЯНИ
қандай йўқ қилиш
мумкин?

35

«ИСТЕЪМОЛ
САВАТЧАСИ»
масаласи қачон
охирига етади?

36



**ЮРТИМИЗ
МАҲАЛЛАЛАРИДА ҚАНДАЙ
ЎЗГАРИШЛАР БОР?**

8-31.

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

2021

ОБУНА
ИНДЕКСИ: 148

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**ЖАҲОН БАНКИНИНГ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ВА ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2020 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) билан **100** миллион АҚШ доллари миқдорига ҳамда 2020 йил 28 майда Осие инфратузилмавий инвестициялар банки (кейинги ўринларда – Банк) билан **82** миллион АҚШ доллари миқдорига «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси (кейинги ўринларда – лойиҳа) бўйича **5** йиллик имтиёзли давр билан **30** йил муддатга қарз (кредит) битимлари имзолангани; лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улуши **1,6** миллион АҚШ доллари миқдорига маблағни ташкил этаётганлиги;

лойиҳа Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан нисбатан ортада қолаётган **21** та туманида амалга оширилиши;

лойиҳани амалга ошириш даври **5** йилни (2020–2024 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Уюшма ва Банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар лойиҳа бўйича имзоланган қарз (кредит) битимларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади;

лойиҳани амалга ошириш доирасида Уюшма ва Банк кредитларини қайтариш, шунингдек, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Қуйидагилар:

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банки кредитларининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни

қайтариш прогноз жадвали **2 ва 3-иловаларга** мувофиқ;

Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича «Йўл харитаси» **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан **2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса**, юридик шахслар томонидан сотиб олинган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

мазкур қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб қириладиган товарлар божхона божи тўлашдан озод этилади;

ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т.Маматов) билан биргаликда лойиҳа доирасида аҳоли орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда доимий ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

6. Белгилансинки, лойиҳа доирасида:

ҳар бир вилоят бўйича қишлоқлар аниқлангандан сўнг, ҳар бир вилоятнинг тегишли сублоийҳалар бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлари юзасидан белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоблари ишлаб чиқиладиган экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади;

Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачи ҳисобланади;

лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланади.

7. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Божонов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш

вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

8. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

9. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э.Бурханов) лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров:

бир ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида «Йўл харита»ларини ишлаб чиқсин ҳамда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар Кенгашларида тасдиқланишини таъминласин;

тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган мутахассислар малакасини ошириш учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда **ўқув-тренинглар** ташкил қилсин;

молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан **ҳар чорак якуни бўйича** Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг тузилмасини тасдиқласин ва фаолиятини йўлга қўйсин;

тижорат банкида алоҳида ҳисобварақларига эга бўлган лойиҳани амалга ошириш бўйича бош гуруҳни Тошкент шаҳрида, шунингдек,

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари учун Наманган шаҳрида ва Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари учун Жиззах шаҳрида лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳудудлараро гуруҳларни ташкил этсин;

лойиҳани амалга ошириш даврида лойиҳани амалга ошириш гуруҳини молиялаштириш бўйича харажатларни Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоровга Жаҳон банкнинг ижтимоий ва экологик ҳимоялаш ҳамда кўчириш сиёсати тамойилларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа компетенцияларини амалга ошириш ва молиялаштириш жадвалига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланаётган иловаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин;

б) Фарғона (Х.Х.Бозаров), Андижон (Ш.К.Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш.Абдуразаков), Сирдарё (Ғ.Ғ.Мирзаев) ва Жиззах (Э.А.Салиев) вилоятлари ҳокимликлари лойиҳани тўла-тўқис амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқирилишини ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига ўз вақтида етказилишини белгиланган тартибда таъминласинлар.

11. Фарғона (Х.Х.Бозаров), Андижон (Ш.К.Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш.Абдуразаков), Сирдарё (Ғ.Ғ.Мирзаев) ва Жиззах (Э.А.Салиев) вилоятлари ҳокимликлари қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун лойиҳа доирасида молиялаштириладиган объектлардан ташқари амалга ошириладиган тадбирларни батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида маҳаллий бюджет ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 25 ноябрь

«ТАНҚИД БЎЛЯПТИ, ЛЕКИН БУНГА МУНОСАБАТ ЙЎҚ»

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида 17 та масала, шу жумладан, 6 та қонун муҳокама қилинди. Хўш, йиғилишда қандай муҳим масалалар кўриб чиқилди? Сенаторлар ижтимоий муаммоларга қандай муносабат билдирди? Умуман, Сенат йиғилиши нимаси билан ёдда қолди?



Танзила НОРБОЕВА,
Сенат Раиси:

— Сенат ялпи мажлиси онлайн тарзда бўлаётгани учун минглаб интернет фойдаланувчилари газ ва электр муаммосини қачон ҳал қиласизлар, деган савол билан бизга мурожаат қилишяпти. «Сизлар ўзи газ-чироқ йўқлигини эшитасизларми? Журналист, блогерларни, аҳолининг гапларини кузатасизларми ўзи?» деган саволларни беришмоқда.

Албатта, кузатамиз. Мана, шу ерда ўтириб ҳам, юзлаб-минглаб изоҳларни ўқиб ўтирибмиз. Хурматли ҳамюртлар, мен сизларга оммавий ахборот воситалари орқали ваъда бераман — бу муаммо, албатта, ўрганилади. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мана шу масалани алоҳида ўрганиб чиқади.

Нима учун жойларга газ-электр етиб бормаяпти? Тегишли мутаассаддилардан ушбу саволга жавоб олишимиз керак. Чунки ҳозир маблағдан муаммо йўқ. Нега унда худудларга етиб бормаяпти ва халқимизнинг эътирозларига сабаб бўляпти? Бу масалани тез кунларда ўрганиб чиқамиз ва, албатта, навбатдаги йиғилишимизда халққа ахборот берилади.

муҳожирларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизим йўқ.

Шунингдек, фуқароларни Россияда ишлаш учун ташкилий асосда юбориш даражаси ниҳоятда паст; бу эса уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Патент, тиббий кўрик, рус тили имтиҳони ва бошқа масалаларга ечим ҳалигача кўриб чиқиш жараёнида қолмоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Россия томони билан имзолаётган турли келишувлари амалда фуқаролар муаммоларини ҳал этмаяпти.

Мазкур масалаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Нега мурожаатлар эътиборсиз қолмоқда?

Сенаторлар томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижро этилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Йўналишда тизимли хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

— Ҳокимият органларининг ахборот хизматлари туман ёки шаҳар аҳолисини қийнаб келаётган масалаларни жойига чиққан ҳолда ўрганмайди, таҳлил этмайди ва ўз вақтида ёритмайди, — дейди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуд Парпиев. — Айрим вазирлик, идоралар, ҳокимликлар ОАВ орқали мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдирмай келмоқда. Турли интернет тармоқларида танқид бўляпти, эътирозлар билдириляпти, лекин бунга жавоб йўқ, муносабат йўқ. Масалан, Уй-жой хизмат кўрсатиш вазирлиги 420 та мурожаатнинг — 176 тасига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 354 та мурожаатнинг — 132 тасига, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 253 та мурожаатнинг — 140 тасига, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 83 та мурожаатнинг — 42 тасига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 83 та мурожаатнинг — 39 тасига жавоб бермаган.

Шунингдек, 5 та давлат органи ва ташкилотининг расмий веб-сайтлари мавжуд эмас, айрим ташкилотларда ахборот тақдим этиш учун мансабдор шахс белги-ланмаган. Маҳаллий ҳокимликлар қабул қилаётган қарор лойиҳаларининг нафақат аҳоли ўртасида, балки ОАВ вакиллари ўртасида

ҳам муҳокамаси ташкил этилмаган. Қайд этилган камчиликлар ва соҳада учраётган муаммоларни тизимли ўзгаришлар орқали ҳал этиш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Икки йилда қанча жиноят фош этилмаган?

«Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги қонун муҳокама марказида бўлди. Сенатор Фарҳод Боқиевнинг таъкидлашича, 2019 йил ва жорий йилнинг 9 ойи давомида 720 та оғир, 207 та ўта оғир турдаги жиноятлар фош этилмаган. Биргина жорий йилда 367 нафар бедарак йўқолган фуқаролар топилмаган ва 224 та номаълум мурдалар шахси аниқланмаган.

— Ҳозирги кунда жиноятчилар томонидан ҳодиса жойларида ўз изларини қолдирмаслик мақсадида турли хил усуллардан фойдаланилмоқда, — дейди



сенатор Ф.Боқиев. — Фош этилмаган жиноятлар эса, ўз навбатида, жиноятчиларга жазоланмаслик ҳиссини кучайти-

риб, келгусида жиноий фаолиятини давом эттиришга имкон бермоқда. Геном ахборот маълумотлар базаси ёрдамида эса жиноятларни очиш тизимининг жорий этилиши нисбатан мураккаб, ўта оғир ва очилмаган жиноятларни очишга имкон яратиш билан бирга, қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлайди. Ўз навбатида, бу тизим бедарак йўқолган шахсларни топиш ва топилган мурдаларнинг шахсини аниқлашда уларнинг яқин қариндошлари билан идентификация қилиш имконини яратади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди, ҳужжат 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Энди ҳокимлар ерни олиб қўёлмайди...(ми?)

Таъкидланишича, 2019 йилда ҳокимлар томонидан қабул қилинган қарорларни ҳақиқий эмас деб топишга доир жами 3 мингга яқин ишлар кўрилган бўлиб, уларнинг 42 фоизи қаноатлантирилган. Айни ҳолат ҳисобга олиниб, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, эндиликда янги қонун билан ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгиланмоқда. Бунда мазкур жараён ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи тизим йўқ...

Россиядаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари масаласида юборилган парламент сўровига ҳукуматнинг жавоби муҳокама қилинди.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Равшанбек Алимовнинг айтишича, сўровга мазмунан ва асосий ҳажмда жавоблар берилган бўлса-да, бир қатор муаммо ва камчиликлар етарли ёритилмаган. Хусусан, меҳнат миграциясига оид ҳукуматлараро битимларнинг Россия ҳудудида амал қилишини таъминлаш бўйича қилинган ишлар аниқ баён этилмаган. Ҳалигача Россиядаги ўзбекистонлик меҳнат



Тошкент шаҳридаги аксарият чорраҳалар биринчи қор ёғиши ортидан 18 ноябрь куни, тушдан кейин 10 баллик (қизил даражадаги) тирбандликлар ичида қолди. Мазкур мураккаб вазият тўрт соат давомида сақланиб турди. Фақатгина соат 21:00 да тирбандликлар даражаси 4 балл(сарик даража)гача, 22:00 да эса 3 балл(яшил даража)гача пасайди. Автомобиллар шоҳкўчаларда соатига 20-30 километр тезликда ҳаракатланишга мажбур бўлди.



ТОШКЕНТ ТИРБАНДЛИКЛАРИ

ҚАЧОН ТУГАТИЛАДИ?

Юқоридаги каби ҳолат пойтахт учун бегона эмас. Об-ҳаво ноқулайликлари, «пик» вақт — эрталаб ишга келиш ва кечкурун ишдан қайтиш пайтида Тошкент ҳақиқий тирбандликлар остида қолади. Тўғри, пойтахтимиз йўлларининг кенгайиши, асфальт қатламининг сифат жиҳатдан янгилаши, кўприклар, йўл ўтказгичларнинг қурилиши муаммони ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аммо бу борада ҳали муаммолар борки, уларни бартараф этмасдан туриб, йўлларимиз қанчалик равон, кўчаларимиз кенг бўлмасин, тирбандлик кўпайса-кўпаядики, камаймайди.

Автобус ва метро қачон бир-бирини тўлдирди?

Аслида яхши режалаштирилган шаҳарларда тирбандликлар бўлмаслиги керак. Бунда асосий вазифа — имкони борича барча воситалар билан одамларни поездлар, трамвайлар ва автобусларга ўтказишдир. Муваффақиятли шаҳар — ҳар бир фуқаросида автомобиль бўлган макон эмас, балки миллионер жаноб ҳам жамоат транспортдан фойдаланадиган жойдир. Бундай вазиятда жамоат транспорти йўловчиларнинг эҳтиёжларини қондирадиган сифатларга — **тезлик, қулайлик ва хавфсизликка** эга бўлиши лозим.

Бу ўринда яна бир жиҳат — жамоат транспортининг **келиш вақтини олдиндан билиш** имконияти бўлиши керак. Агар йўловчи йўллардаги тирбандликлар ва автобуснинг кечикиши сабаб ўзининг сафарларини аниқ режалай олмаса, демак, жамоат транспорти ёмон ишлаяпти.

Афсуски, бугун метрополитен ҳам ерости тезкор транспортга эмас, балки талабалар, кам таъминланганлар ва пенсионерлар учун мўлжалланган ижтимоий транспортга айланиб қолган. Тошкентнинг **ер усти жамоат транспорти метродан алоҳида яшайди**, ваҳоланки, улар бир бутунни ташкил этиши керак. Қулай ва қисқа ўтиш жойлари, умумлаштирилган чипталар, йўналиш жадвалларининг бир-бирига уланиши ва ҳоказо. Шаҳарда 10 баллик яхши метро бўлиши мумкин, бироқ ер усти транспорти ёмон — 2 баллга ишлаётган бўлса, шаҳар транспорти бор имкониятининг ярмида ишлаши мумкин, холос.

Албатта, трамвай ўрнига йўловчи сиғими кичик автобусларнинг қўйилиши, метро яқинидаги авто-



бус бекатлари ўрнига бир эшикли ноқулай дўкон-бекатларни қуриш билан муаммолар ҳал бўлиб қолмайди. Масала тизимли равишда ўрганилиши, таҳлил қилиниши ва иш модели тубдан қайта кўриб чиқиши зарур. Хўш, йиллар давомида кузатилиб келинаётган муаммоларни масъуллар кўрмайдими? Муаммонинг аниқ ечими йўқми?

Бош режа нимани назарда тутди?

Маълумотларга кўра, охириги 10 йилда Тошкент шаҳрида автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар ошган. Шунингдек, мавжуд 500 дан зиёд катта чорраҳаларнинг 200 тасида транспорт воситаларини **тезкор ўтказиш даражаси паст. Автомобиль тўхташ жойлари етишмаслиги** сабабли йўлнинг биринчи қаторида машиналар йиғилиб, қатновга халақит бермоқда. Ҳайдовчилар учун маълумот белгилари ҳам етишмайди.

Шаҳримиз кўчаларидаги тирбандликларнинг яна бир сабаби — **светофорларнинг** ҳаракат оқими билан мувофиқлаштирилмагани, иш режимининг оқилона белгиланмагани, айрим жойларга улар кўр-кўрона жойлаштирилгани билан боғлиқдир. Масалан, баъзида пиёдалар ўтиши учун ўрнатилган светофорда юзлаб транспорт воситаси тўхтаб турган бўлса-да, бирорта пиёда кўринмайди. Аммо светофор 20 сония давомида йўлни «ёпиб» тураверади. Келажакда кўчаларга «ақлли» светофорлар ўрнатилиб, бу муаммони ҳал қилиши лозим.

— *Давлатимиз раҳбари 23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида*

йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концепция тақдироти билан танишиш чоғида айни камчиликларни кўрсатиб берди. — **дейди Транспорт вазирлиги бошқарма бошлиғи Бекзод Холматов.** — Муаммолар ечими сифатида комплекс таҳлиллар асосида Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу орқали пойтахтдаги 24 та йирик чорраҳанинг ҳаракатланиш тартибини оптималлаштириш, ўртача тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёқилғи сарфини 34 фоизга камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинди. Кейинчалик «Тошкент тажрибаси» асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизимини қайта кўриб чиқилди, марказий кўчалар намунавий тарзда ўзгартирилади, ҳайдовчи ва йўловчилар учун қулайликлар яратилади.

Жамоат транспортдан қанча фуқаро фойдаланади?

Тақдимотда давлатимиз раҳбари йўловчи ташиш хизматларидан аҳоли мутлақо норози эканини таъкидлади. Масалан, 79 та йўналишдаги автобуслар интервали тиғиз пайтларда 30 минутгача кечикмоқда. Оқибатда одамлар бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни афзал билмоқда. Бугунги кунда шаҳар жамоат транспорти бор-йўғи **33 фоиз** йўловчи юрмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади.

— *Шу боис мавжуд инфратузилмани яхшилаб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш вазифа қилиб қўйилди.* — **дейди Транспорт вазирлиги масъул ходими Наврўз Аширматов.** — Эндиликда жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услуби жорий этилади, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналари бир-бирига боғланиб, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграцияси таъминланади. Бунинг учун метрополитенни бошқариш ҳамда «Тошшаҳар-трансхизмат» АЖнинг буортмачи ва назорат функциялари шаҳар транспорт бошқармасига ўтказилади. Молиялаштириш ҳам бошқарма томонидан амалга оширилиб, транспорт корхоналарига ҳақиқий бажарилган иш ҳажми, босиб ўтилган масофага қараб маблағ ажратилади.

Халқро тажрибада жамоат транспортининг йўли шахсий транспортникдан ажратилади. Бунинг учун алоҳида ҳаракатланиш бўлақлари (полосалар) кўзда тутилиши ҳамда улар бирор предмет билан чегараланиши ёки лозим даражада назорат қилиш шarti билан фақат йўл чизиғи билан ажратилиши лозим. Эндиликда юртимизда ҳам тирбандлик кузатилаётган **кўп қаторли йўлларнинг бир қисми** жамоат транспорти учун ажратилади.

Қолаверса, марказий кўчаларда машинанинг тўхташ жойида бўлган вақт учун маблағларни ҳисоблаб чиқадиган ва қабул қиладиган автоматик мослама — **паркоматлар ташкил этилади.** Бунда автотураргоҳ фойдаланувчиси қурилманинг турига қараб тўхташ муддатини ва тўлов усулини мустақил танлаш имкониятига эга бўлади. Ушбу қурилмалар тўхташ жойларини ташкил қилишда максимал қулайлик, хавфсизлик ва иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Белгиланган вазибалар кўлами кенг, уларнинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши пойтахтимиз ва бошқа йирик шаҳарларда асоссиз тирбандликларнинг олдини олиш билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

Доно халқимизда ажойиб бир мақол бор: касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади... Совуқ мавсумнинг илк кунлариданоқ электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик таъминотидаги узилишлар медиа маконни тўлдириб юборди. Республиканинг деярли барча ҳудудларида электр токи бир неча соатдан бир неча кунгача ўчаётган бўлса, пойтахт аҳолисини иссиқлик таъминотидаги «авария»лар қийнамоқда. Қиш чилласидек совуқ, шу билан бирга, қор-қировли кунларда одамлар дардини кимга айтсин?

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ:

ҲАР КУЗ-ҚИШДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР, ҲАР ГАЛ МАВСУМ ШУНДАЙ ЎТАДИ...

Ҳаво биринчи марта совуб кетяптими?

Қизиқ аксиома: ҳар йили куз-қиш мавсумига тайёргарлик июль-август ойиданоқ бошланади. Гўё барча саъй-ҳаракатлар ана шу жараёнга қаратилади. Бироқ ҳар доим биринчи қор ёғиши билан яна аввалги манзарага гувоҳ бўлаверамиз. Албатта, сўнгги йилларда соҳага эътибор кучайди. Давлат бюджети ва давлат ташқи қарзининг катта қисми айнан энергетика тармоғини ривожлантиришга ажратилмоқда, жойларда электр тармоқлари янгиланяпти, ишлаб чиқариш ҳажми ортган. Бироқ биргина ўтган ҳафтадаги совуқ кунлар масала нақадар жиддийлигини яна бир марта эслатиб қўйгандек бўлди.

Энергетика вазирлигининг маълум қилишича, совуқ об-ҳаво туфайли электр энергияси истеъмолининг кескин ортиши таъминотда узилишларга олиб келган. Диспетчерлик маркази томонидан энерготизимда мувозанат сақлаш жараёни ўз вақтида таъминланмаса, тизимдаги «зўриқиш» турли йирик аварияларга сабаб бўлиб, катта-катта ҳудудларда узоқ вақт электр энергия бўлмаслигига олиб келади.

Очиғи, вазирликнинг «навбатчи» муносабатларининг мазмуни деярли бир хил. Гўёки, бизда биринчи марта ҳаво совуб кетяпти, биринчи марта қишга кириб келяпмиз. Аварияларнинг олдини олиш учун тайёргарлик кўриш ўрнига ҳозиргидек узиб қўйишлар билан курашамиз. Хўш, нега ҳар йили «суғур қуни»дек бир хил ҳолат такрорланаверади? Муаммонинг аниқ ечими йўқми?

Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Хўжаевнинг сўзларига кўра, авваллари вазият бунданда оғир бўлган, лекин одамларда ҳозиргидек мурожаат қилишнинг кенг имкониятлари бўлмаган. Яъни мурожаатларнинг кўпчилиги муаммонинг кескин кўпайганидан эмас, истеъмолчиларнинг бу борадаги ҳуқуқий онги ўсаётганидан далолат бермоқда.

— Электр энергияси шундай маҳсулотки, уни сақлаб бўлмай-

ди, — дейди Ш.Хўжаев. — Ишлаб чиқарилдими, дарҳол истеъмол қилиниши керак. Яъни биз уни қаердадир яшириб сақлаб қўя олмаймиз. Жайдари тил билан айтганда, «свет» ўчганда кўпчилик ҳудудий электр тармоқлари операторини сўқади. Аммо уларда айб йўқ, аслида йўқ нарсани улар топиб бера олишмайди. Совуқ кунларда истеъмол каррасига ошади, бизнинг аксарият уйларимиз, биноларимизда иситиш қоқоқ даражада. Ҳамма электр иситкичларни ёқадди, юклама кескин ортади. Бу эса тизимнинг дош бера олмаслигига олиб келади.



Аслида вазият қандай?

Ҳар йили узилишларга сабаб бўлаётган турли омиллар кўрсатилади, бироқ уларнинг ечими йилдан-йилга қолиб кетаверади. Тан олиш керак, соҳадаги муаммолар тўлиқ таҳлил қилинмаяпти. Йўқса, бугун ҳам қишлоқлар электр тоқисиз ўтирмасди. Демак, мутахассислар айтиб келган омиллар нотўғри бўлган ёки бу омилларга ечим ортга суриб келинган.

Масъуллар томонидан айна ҳолатга одамларнинг электр энергиясидан мақсадсиз фойдаланиши, токни ортиқча сарфлаши (иситиш печларини улаши, «плита»ларда овқат тайёрлаши) ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Хўш, фуқаролар уйни иситиш воситалари — кўмир, табиий газ, иссиқлик таъминоти билан узлуксиз таъминланмаса, бу соҳаларнинг «дарди» ҳам ўзига етиб турган бўлса, одамлар дардини кимга айтсин? Гўёки аҳолида табиий газдан фойдаланиш имкони бору, маданиятсизлик қилиб электр токи ишлатиб, уни исроф қилмоқда. Шундайми?


Одамларнинг сарфланган электр токи учун йиллар давомида ҳақ тўламагани ҳам узилишларга сабаб бўлмоқда. Айна ҳолатнинг олдини олиш мақсадида хонадонларга автоматлашти-

рилган ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бунда қарздорлик вужудга келган ҳолларда истеъмолчи автоматик равишда тизимдан узилади. Бироқ бугунги вазият шуни кўрсатдики, бу янгилик ҳам ҳали муаммонинг ечими эмас. Зеро, бутун бир қишлоқлар токдан ажратилиб қўйилаётган бир пайтда бу омилни сабаб қилиб кўрсатишнинг ўзи адолатдан бўлмайди.

Ўзбекистон электр энергияси мустақиллигига эришганми? Ўз ресурслари ҳисобидан эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладими? Айна саволларни соҳа масъулларига берсангиз, «Ҳа» деган жавоб олишингиз тайин. Ҳатто бу бўйича узундан-узун маъруза ҳам қилишади. Бироқ мавжуд ҳолатни тан олишни истамайди. Хўш, шундай экан, нега унда қишлоқдаги болалар ҳали-ҳануз алмисоқдан қолган мойчиқроқлар ёруғида дарс тайёрлаяпти? «XXI — техника, тараққиёт асри» деймиз, нега олис овуллардаги қоракўзлар ток бўлмагани сабабли компьютер нималигини билмай улғаймоқда?

«Бутун мамлакатдаги электр тармоқлари ва иншоотлари ҳаддан ташқари эскириб кетган. Ишлаб чиқарилган энергиянинг катта қисми истеъмолчига етиб боргунга қадар узатиш тизимларида йўқотилмоқда». Бу фикрга қўшилиш мумкин. Салқиб, осилиб қолган симлар, таянч устунлар чириши натижасида деярли қулаш арафасида турган симёғочлар кишини ташвишга солиши бор гап. Айрим жойларда «столба»лар симларни эмас, симлар устунларни ушлаб турганини ҳам кўрганмиз. Боз устига, совуқ кунларда зўриққан трансформаторлар ёниб кетяпти. Айрим жойларда шу «матоҳ» ҳам етишмайди, борлари ҳам таъмирталаб.

Демак, электр энергияси ишлаб




чиқариш қанчалик юқори бўлмасин, энергия сарфини ҳисоблашнинг XX асрга хос технологиялари киритилмасин, 60-йиллардан қолиб кетган эски симлар, симёғочлар ва трансформаторлар билан аҳолини электр билан мунтазам таъминлашнинг имкони йўқ.

Таъминот қачон яхшиланади?

Хўш, эндиги вазифа қандай? Ҳар йили узилишлар бўлаверадими? Шундай вазият кўрсатилаверадими?

— Истеъмол ортишини ҳисобга олиб, олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз, — дейди Ш.Хўжаев. — Хусусан, инвестиция лойиҳалари доирасида йил якунига қадар жами 1250 мегаватт янги электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Бугунги кунда шундан 878 мегаваттлик энергоблоклар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Тўрақўрғон ИЭСда 450 мегаваттлик иккинчи, Тахиатош ИЭСда 280 мегаваттлик биринчи буғ-газ қурилмалари ҳамда 73 мегаваттлик гидроэлектр станция агрегатлари тизимга уланди. Сирдарё ИЭСда



олтинчи энергоблокнинг қуввати 75 мегаваттга оширилди. Қолган 372 мегаваттга тенг қувватлар йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, ҳозирда Толимаржон иссиқлик электр станциясида 800 мегаваттлик ҳамда Ангрэн иссиқлик электр станциясида 150 мегаваттлик энергоблокларда жорий таъмир ишлари бажарилмоқда. Таъмир ишлари ноябрь ойида якунланади ва декабрь ойида қурилмалар ишга туширилади.

* * *

Тўғри, эҳтимол соҳадаги муаммолар 30 йил давомида тўпланиб қолгандир. Аммо уларни янгиланмай туриб, энергетика соҳасидаги оламшумул лойиҳалар билан мақтана олмаймиз, муаммоларни ҳам бартараф эта олмаймиз.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Президент раислигидаги йиғилишда электр тармоқларидаги узилишларнинг олдини олиш бўйича топшириқ берилди.

Ёшлар нега ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШНИ ИСТАМАЙДИ?

Пандемия мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими янада жиддий ислохотларга муҳтож эканини кўрсатди. Жорий йил 6 ноябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу жиҳат алоҳида таъкидланиб, соҳага оид долзарб муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида мутасаддилар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди.

Тиббий кўриқлар ўта юзаки ўтказилмоқда

Мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 300 мингдан зиёд никоҳ қайд этилаётган бўлса, демак, тахминан 600 минг киши никоҳолди текширувидан ўтади. Агар бу жараён ҳўжақўрсинга, расмиятчилик учун ўтказилмай, мукамал ташкил этилса, ундан соғлом оилани шакллантириш ҳамда тиббий хавф-хатарларнинг олдини олиш востаси сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Афсуски, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишдаги тизимли муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топмай келмоқда.

Хусусан, бу масалага нафақат бўлғуси келин-куёвларнинг ўзи, балки ота-оналар, бобо-бувилар ва умуман, яқин қариндошларнинг муносабати жиддий эмаслиги, лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида аксар ҳолларда тиббий кўриқлар ўта юзаки ва сохта ўтказилмоқда. Натижада айрим юқумли, ирсий ва туғма касалликлар кўпайишига шароит яратиб берилмоқда. Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти томонидан 2019 йил республиканинг 8 та ҳудудида 842 нафар респондент иштирокида никоҳгача бўлган тиббий кўриқ юзасидан ўтказилган сўров натижалари ҳам соҳадаги муаммоларни яққол кўрсатди.

Унда қатнашган респондентларнинг 88,1 фоизи ўз хоҳиши билан тиббий кўриқдан ўтишни, қолган қисми касалликларни тўлиқ аниқлай олмаслиги сабабли тиббий кўриқдан ўтиш истаги йўқлигини билдирган. Иштирокчиларнинг 80 фоизи тиббий кўриқдан қатор муаммолар билан ўтганини, жумладан, 42,5 фоизи тиббий кўриқ жуда кўп вақт олиши, ортиқча маблағ сарфлагани, кўриқ юзаки ўтказилгани, тиббиёт ходимларининг масъулиятсизлиги, малакаси талаб даражасида эмаслиги, тиббий кўриққа оид айрим касалликларни яшаш жойи бўйича аниқлаш имконияти йўқлигини маълум қилган.

Шунингдек, «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби»да таълим олган 522 нафар ёш ўртасидаги онлайн сўровномада респондентларнинг 11,1 фоизи психологик, 5,8 фоизи тери-таносили, 4,8 фоизи наркологик, 2,9 фоизи ОИВ/ОИТС текширувидан ўтмаганини кўрсатди. Уларнинг 13,2 фоизи айрим таҳлил турларининг ўзи яшаб турган туман ёки шаҳарда йўқлигини ҳамда тиббий кўриқ натижаларини олишда тиббиёт муассасаларида шаффофлик мавжуд эмаслигини билдирган.

Тиббий кўриқни сохталаштиришдан кимга наф?!

Сўровномалардан яна шу нарса маълум бўлдики, никоҳдан олдинги тиббий кўриқ натижасида аниқланган касалликларни никоҳланувчилар томонидан бир-бирдан яширишнинг олдини олиш, бу ҳақда ота-оналарнинг хабардорлигини таъминлаш, бирламчи тиббиёт бўғини муассасаларига хабар бериш тизими мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда, ФХДЁ органлари ходимларининг никоҳланувчиларнинг тиббий кўриқ натижаларидан хабардорлигининг мажбурийлиги бўйича жавобгарлик чоралари аниқ белгиланмаган.

Оқибатда никоҳни қайд этишда ФХДЁ органларининг айрим ходимлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтган-ўтмаганига, унинг натижаларидан томонларнинг хабардорлигига етарлича эътибор бермаяпти. Сўровномада қатнашган респон-



Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

дентларнинг 6 фоизи бўлажак турмуш ўртоғи ёки шифокорлар тиббий кўриқ натижалари билан тўлиқ танишишга рухсат беришмаганини маълум қилишган.

Бу каби ўзибўларчиликлар, таассуфки, жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, никоҳни расмийлаштириш жараёнида ФХДЁ органи ходими томонидан ҳақиқий тиббий кўриқ натижаларини талаб қилмаслик, бунга «панжа орасидан» қараш туфайли куёвда ёки келинда бирор-бир хасталик мавжудлиги кейинчалик аён бўлиб, фарзандсизлик ёхуд ногирон болалар туғилиши сабабли қанча оилалар парчаланаётганига ҳар биримиз дуч келмоқдамиз. Шунинг оқибатида 2018 йилда 5000 нафардан ортиқ ўлик ва 7 нафар икки жинсли болалар туғилгани, 2019 йилда 3357 нафар, 2020 йилнинг 6 оyi давомида 4075 нафар бир ёшгача гўдақлар ўлими қайд этилгани ачинарли ҳол, албатта.

Муаммога қандай ечим бор?

Соҳадаги тўпланиб қолган қатор муаммо ва камчиликлар, биринчи навбатда, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш ва тиббий маданиятини юксалтириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан барча ҳудудларимиздаги муаммоларни чуқур ўрганиб, унинг натижаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида қўмита мажлисида муҳокама қилинди.

Масаланинг нақадар жиддий ва долзарб экани инobatта олиниб, Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Юбориладиган парламент сўровида никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда ҳолислик ва сифат устидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий кўриқни ўтказишда ҳудудийликка амал қилиш, никоҳланувчиларга тиббий-генетик ва репродуктив саломатликка оид масалаларда бепул масла-

ҳатлар бериш, шифокорлар ва ФХДЁ органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятини мониторинг қилувчи ягона ташкилотни белгилаш таклифлари илгари сурилди.

Шунингдек, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомни тиббий кўриқдан ўтишнинг тезкор, ишончли ва қулай шаклларини жорий қилиш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиш, Ҳукумат қарори билан жорий этилган ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар рўйхатини такомиллаштириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тизимга электрон хизматларни жорий этиш, тиббий кўриқ учун масъул тиббиёт муассасалари ўртасида электрон маълумот алмашишни йўлга қўйиш сингари 14 банддан иборат саволга асосланган ҳолда тушунтириш бериш лозимлиги парламент сўровида баён этилди.

Бинобарин, келажак учун киритилган энг яхши инвестиция, бу — ёшларга тикилган сармоядир. Шу маънода мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққий этиши, дунёнинг энг пешқадам давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллаши ва жаҳон рейтингларида юқори мавқеларга эга бўлиши замонавий инновацион билимларни эгаллаган, инсон капитали соҳиби бўлган, ҳар томонлама соғлом, жисмонан ва маънан баркамол ёшларимиз қўлида. Таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистонда бугун жадал кечаётган ислохотларнинг тақдири, натижаси ҳам, биринчи навбатда, соғлом, етук, билимли ва салоҳиятли кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ.



«Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги қонун Президент томонидан имзоланди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ вазирлиги ким томонида?

Кейинги пайтда таълим тизимига доир турли баҳс-мунозаралар авж олди. Жумладан, 2021 йилдан бошлаб, мактабларда директор жамғармаси ҳисобидан бериладиган устама ҳақларини 4 фоизга қисқартириш, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини жорий этиш, бунда уларга 0,25 штат бирлигини мактабдаги ёшлар етакчиси штати ҳисобидан қоплаш, kundalik.uz платформасини 30 ноябрдан пулли бўлиши каби мавзулар ота-оналар ва ўқитувчилар орасида эътирозларга сабаб бўлди.

Бу янгиликларга Халқ таълими вазирлиги ташаббускорми?

Мавзу юзасидан Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Лайло РУСТАМОВА фикри билан қизиқдик.



Ўқитувчилар устамасини қисқартиришдан ким манфаатдор?

— Бу масалада Халқ таълими вазирлиги доим ўқитувчилар томонида, — дейди Лайло Рустамова. — Айримлар айтганидек, бу таклиф биз томонимиздан берилмаган. Халқ таълими вазирлиги тизим ходимлари манфаатини ҳимоя қилади, биз устамалар қисқаришига қаршимиз. Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ишлари яна давом эттирилади. Жумладан, Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2024-2025 ўқув йилига қадар фаолияти давомида юқори натижаларга эришган умумтаълим муассасала-



ри педагогларининг ойлик маошини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 бараваригача босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўриши ҳам белгиланди.

kundalik.uz платформасига обуна мажбурий эмас

— Бу мавзуда ҳам ноҳолис хулосалар берилмоқда, — дейди Лайло Рустамова. — Платформага обуна мажбурий эмас. Лекин ўтган йиллар давомида бу ташаббус ўзини оқлаганини айтиш керак. 1,5 мингга яқин мактабда шу тизимдан фойдаландик. Ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам қулайликларини таъкидлашмоқда. Биринчидан, ота-она фарзандини доимий назорат қилади. Ҳатто хорижда туриб ҳам баҳоларини кўриб боради. Ўқитувчи эса ортиқча қоғоз-бозликдан озод бўлди.

Аввалгидек, мактаблар учун бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган қоғоз муқобилида бўлгани каби, ўқитувчилар учун электрон журналдан фойдаланиш бепул тақдим этилади. Ўқитувчилар унинг ёрдами билан ҳар чоракда 20 соатдан ортиқ иш вақтини тежайди. Мазкур тежалган вақтни эса болалар билан ижодий шуғулланишга ёки қўшимча ўқув материалларини ўзлаштиришга сарфлаши мумкин. 9200 сўм обу-

на пули бир йилга эканини ҳам эслатиб ўтамиз. Айни шу жиҳат Президент фармонида инobatта олинган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан биргаликда 2022-2023 ўқув йилига қадар ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим муассасаларида «Электрон кундалик» дастурини жорий қилиш белгиланган.

«Ёшлар етакчиси» лавозимининг 0,25 штат бирлиги нега олиб кўйилди?

— Бу савол ҳам аксарият инсонлар томонидан бизга йўналтирилмоқда, — дейди Лайло Рустамова. — Гўёки, Халқ таълими вазирлиги ва тизим раҳбари мактаблардаги Ёшлар етакчиларига душман сифатида кўрсатилмоқда. Аслида эса бу ҳам Президентимизнинг юқоридаги фармонида алоҳида белгилаб берилган. Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, ҳар бир умумтаълим муассасасида Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилиши кўрсатилган. Унга кўра, Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар кафедралари, профессор ва ўқитувчилари жалб қилинади. Таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорларнинг меҳнатига — умумтаълим муассасаларидаги «Ёшлар етакчиси» лавозимининг 0,25 штат бирлиги ҳисобидан, олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар кафедра-

Kundalik

ДАРВОҚЕ...

Электрон кундалик фойдаланувчилари тўғрисидаги барча маълумотлар «Ўзбектелеком» серверларида сақланади. Бу эса, ўқув жараёнидаги барча иштирокчиларга оид шахсий маълумотларнинг ишончли ҳимоясини таъминлайди. Бундан ташқари Kundalik.com TAS-IX ҳудудида жойлашган бўлиб, платформа билан ишлашда уяли алоқа операторлари орқали фойдаланилганда интернет-трафик сарфланмайди.

лари профессор ва ўқитувчиларининг меҳнатига — мазкур олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

«Ёшлар иттифоқи» қандай фикрда?

— Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳар доим бошланғич ташкилот тизимидаги етакчилари фаолиятини қўллаб-қувватлайди, — дейди Ёшлар иттифоқи ахборот хизмати раҳбари Гулчеҳра Ашурова. — Агар 0,25 ставка қисқарган бўлса, бошқа жиҳатлардан уларни қўллаб-қувватлаш йўллари қидирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Президентимиз жорий йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни тантанасида ўқитувчи ва муаллимларнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилаш, моддий қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттириш таклифини билдирган эди. Ўйлаймизки, ўқитувчиларни, шулар қаторида мактаблардаги Ёшлар етакчиларини ҳам моддий қўллаб-қувватлаш иши келгуси йилларда ҳам давом эттирилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



3D-принтерлари ва роботлар энди Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

МЕҲНАТКАШ ВА БАҒРИКЕНГ

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар том маънода халқимизнинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Бундай вақтда эса халқ хизматида бўлиш шарафли юмуш бўлиш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Бугун бунинг ҳар бир раҳбар, жойлардаги мутасаддилар жуда яхши ҳис этмоғи зарур. Шу маънода маҳалла тизимига қаратилаётган эътибор, берилаётган имкониятлардан унумли фойланиб, халқ ризолигига эришиш олдимиздаги муҳим вазифадир. Шуни фахр билан айтиш керакки, бу вазифани бажаришимизда халқимизнинг бизга бўлган ишончи янада куч бағишламоқда. Бу, айниқса, ҳозирги пандемия даврида яққол кўзга ташланди.



Сағиндиқ ТУРМАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири.

Халқ ишончини қозониш учун фақат моддий ёрдам етарли бўлмайди

Жорий йилнинг 30 июль куни Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси пайтида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш учун Қорақалпоғистонда ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Биргина «11-97» қисқа рақами орқали 14 минг 460 га яқин мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 12 минг 128 тасига жами 1 млрд. 508 млн. 808 минг сўмлик ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Яна бир гап: Қорақалпоғистон Республикасида дастлабки босқичда 17 минг 114 та оила «темир дафтар»га киритилган бўлса, олиб борилган манзилли ёрдамлар натижасида 9 минг 500 дан зиёд оила ушбу рўйхатдан чиқарилди. Бу рақамлар ортида инсон тақдир турганини билиб, шунча оиланинг моддий аҳволи яхшиланганини билиш қувонарли, албатта. Аммо жараёнда айрим камчиликлар бўлганини ҳам айтиш керак. Жумладан, «темир дафтар»га киритилган оилалар қайта ўрганиб чиқилганида, 16 ёшга тўлмаган фарзанди бор бўлган 14 минг 214 та оила аниқланди. Уларнинг жами 33 минг 464 нафар 16 ёшга тўлма-

ган фарзандларига давлат бюджетидан 16 млрд. 732 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари қишқи кийим-кечак тўпламлари, мактаб формаси ва ўқиш воситалари билан таъминланди.

Албатта, берилган ҳар бир ёрдам пандемия даврида даромадидан айрилган аҳоли учун оз бўлса ҳам мадад бўлди. Лекин ана шу жараён ичида юриб, бир нарсани англадимки, одамларга бир марталик моддий ёрдам бериш билан уларнинг оғирини енгиллаштириб бўлмайди. Тўғри, ўша вақтда бу вақтинчалик ягона чора эди. Карантин чоралари юмшатишга, халқимизни иш билан таъминлаш зарур эканини ва бу борадаги бажариш зарур бўлган ишларни режалаштириб олдик. Эндиги вазифамиз ҳар бир маҳалла раисининг ўз ҳудудини яхши билиб, унинг хусусиятидан келиб чиқиб, аҳоли орасида тадбиркорликни ривожлантиришга эришишдир.

Аёллар муаммолари — диққат марказида

Жорий йилнинг 2 октябрида Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида шаҳар ва туманларнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўсиш нуқталарини белгиланган ҳолда, барча соҳаларни жадал ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича уч йилга мўлжалланган лойиҳа ва вазифаларни белгилаб берган эди. Бунда дастлаб ҳудудларни ривожлантириш масаласини фақат шаҳар ва туманлар эмас, балки маҳаллалар даражасида манзилли ишлаш кераклиги таъкидланди.

Шу нуқтаи назардан, 2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш дастурига кирган Нукус шаҳридан 6 та, Тўртқўл туманидан 5 та, Амударё, Беруний, Эллиққалъа, Қўнғирот туманларидан 3 тадан ва бошқа туманларнинг ҳар биридани 2 тадан, жами 45 та шароити оғир фуқаролар йиғинларидаги аҳоли-

нинг яшаш шароитини яхшилаш бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан режа ишлаб чиқилди. Истиқболли режаларнинг республика эмас, маҳаллалар миқёсида ишлаб чиқилиши олиб борилаётган ислохотлар бевосита аҳоли ҳаётига таъсирини кучайтиради.

Бунда, асосан, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис «Аёллар дафтари»га киритилган 8 мингдан зиёд хотин-қизни иш билан таъминлаш, шунингдек, жиноят кўрсаткичи ошган маҳаллалардаги аҳоли муаммоларини ўрганиб, ҳар ҳафта профилактик тадбирлар ўтказиш белгиланган. Тан олиш керак, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш осон эмас. Бунинг учун ҳар бир маҳалла кесимида алоҳида ишлаш зарур. Маҳалла фаоллари эса ўз ҳудудидаги ҳар бир фуқаро билан индивидуал мулоқотни шакллантириши лозим. Мазкур чора-тадбирлар айнан шуни амалга оширишга қаратилган.

Очиғи, бугун ҳамма маҳалла раислари ҳам ушбу кўрсатмаларни тўла англаб етаётгани йўқ. Шу боис тизимдаги ходимлар орасида бу борада тушунтириш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Уларга, аввало, маҳалладаги хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммосини ҳал этиш зарур экани, бунинг замирида муаммоларнинг сабаби барҳам топиши тушунтирилган. Натижада маҳаллаларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олишлари учун шароитлар яратиш ва турмуш шароитини яхшилашда маълум ютуқлар қўлга киритилди.

Шу ўринда яна бир рақамга эътибор қаратиш жоиз. Хабарингиз бор, жорий йилдан бошлаб олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш учун хотин-қизларга алоҳида давлат гранти асосида квота ажратилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва

туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ходимларидан иборат таркибда тузилган Ишчи гуруҳлари келиб тушган 2 минг 733 нафар хотин-қизнинг ҳужжатларини жойига чиқиб ўрганди.

Бунинг натижасида 1 минг 370 нафар хотин-қизнинг белгиланган мезонларга тўла мос келиши бўйича Ишчи гуруҳи ҳулосалари асосида тавсияномалар берилди. Қувонарлиси, 2020-2021 ўқув йили учун хотин-қизларга ажратилган қўшимча давлат гранти асосида Қорақалпоғистон Республикасига 53 та ўрин ажратилган бўлиб, уларнинг барчаси имтиёзлар асосида талабалikka қабул қилинди. Бу ҳам бўлса, қорақалпоғистонлик хотин-қизларнинг илм олишга нечоғли чанқоқ эканини, бу имконият уларнинг ҳаётида муҳим бурилиш ясаганидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани таъкидлаш керак. Бугун имтиёзли квота асосида ўқишга қабул қилинган хотин-қизлар тайинли касб эгаси бўлиши шубҳасиз, аммо улар ўқиш жараёнида атрофдагиларга қандай таъсир кўрсатади? Улар ўз маҳалласида, кўни-кўшнилари, дўстлари билан бўлган суҳбатда ўзлари каби муаммога дуч келган юртдошларимизга далда бера оладими? Уларга йўл кўрсатиб, фақат олдинга интилган одам барибир яхши натижага эришишига ишонтирадимиз? Улар жамиятда ўзини ана шундай туттиши учун бугун маҳалла фаоллари қандай иш қиляпти? Қатор қўйилган саволларга биргина — уларни маҳалла фаоллари сафига қўшиш, тарғибот тадбирларига жалб этиш орқали жавоб топиш мумкин.

Тадбиркорлик маркази қўмак бўляптими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга



Профессионал таълим муассасаларида бериладиган давлат намунасидаги ҳужжатлар тасдиқланди.

ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БАМАСЛАХАТ

ИШ ТУТАМИЗ

оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» ташкил этилди. Марказда аёлларнинг бизнес юритиш кўникмалари шакллантирилади, уларга маслаҳатлар берилади ва амалий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, Марказ узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни касблар бўйича қайта тайёрлашга ҳам кўмаклашади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳоқими томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида махсус дастур бўйича ўқитилади. Уни муваффақиятли ўзлаштирганларга туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тавсиясига кўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ажратилади.

Жорий йилнинг шу кунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» томонидан тадбиркорликни бошлаш ва кенгайтириш мақсадида 435 нафар хотин-қизлар қисқа курсларда ўқитилиб, шундан, 334 нафарига ўз тадбиркорлигини бошлаш учун сертификат берилди. Бу ана шунча

оиланинг фаравонлиги, кўшимча иш ўрни дегани. Албатта, ўқитиб сертификат беришнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг кейинги тақдири, фаолияти билан бевосита маҳалла раиси қизиқиши, зарурат бўлганда ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиб бериши шарт. Бунда уларга тумандаги мутасаддилар елкадош бўлмоғи, бир ёқадан бош чиқариб иш кўриши керак. Бугун тизимда ана шу натижага эришиш учун жойларга чиқиб муаммоларни ўрганапмиз.

Тадбиркор бўлишга рағбатлантириш зарур

Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун, аввало, уларни иш билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш керак. Негаки, доимий иши, даромади бўлган фуқарода ечимни оғир муаммо бўлмайдми. Қолаверса, у жамиятга керакли шахс эканини ҳис этгани ҳолда, кичик масалаларни ўзи ҳал эта оладиган бўлади. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Тан олиш керак, бу борада ҳам маълум вақт мобайнида ўзибўларчилик кайфияти ҳукм сурди. Аслида йўқ иш ўринларидан иборат ярмаркалар ўтказилгани ҳам бор гап. Аммо бугун бундай кўпол хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

Иш ўрни йўқ бўлса, буни аҳолига тўғри тушунириш, уларнинг ўзини бошқаларни ҳам иш билан таъминлашга — тадбиркор бўлишга рағбатлантириш зарур. Ана шу масалага ечим топиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 11 августда «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб 8 та туманда касб-хунарга ўқитиш масканлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги Эллиққалъа касбга қайта ўқитиш марказида 8 та йўналиш — электрик, компьютер IT, тикувчилик, қишлоқ хўжалик механизатори, пайвандловчи, батлер официант, тадбиркорлик



курслари, хорижий тил курслари, Нукус туманидаги касбга қайта ўқитиш марказида электрик, «В» тоифали ҳайдовчилик, тикувчилик, сантехник, пайвандловчи, автомобильларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, металлга ишлов бериш, автоэлектрик йўналиши бўйича 3 ойлик курслар ташкил этилди. Ушбу курсларнинг ўқувчилари келгусида тайинли касб эгаси бўлиб жамиятда осонгина ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Албатта, ҳар бир ўзини билган инсон, аввало, ён-атрофини обод қилиши, унинг келажаги ҳақида қайғуриши зарур. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги «2020 йил июнь-август ойларида «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман» шиори доирасида Ҳаракатлар режасини амалга ошириш тўғрисида»ги баёни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги мажлис баёни асосида «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман» шиори доирасида фуқаролар йиғинларида хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркем қилиш бўйича шу йилнинг июнь-август ойлари учун чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Чора-тадбирлар доирасида республикада жами 37 минг 170 хонадон, шундан 35 минг 762 яқка тартибдаги, 1 минг 388 кўп қаватли хонадонларнинг руйхати шакллантирилди. Белгиланган барча хонадонларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 469 та қабристон ҳамда 8 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари бажарилди. 12 минг 124 та маҳалла ички кўчалари тартибга келтирилиб, 8 минг 394 та эҳтиёжманд ва камбағал оиланинг 8 минг 851 нафар аъзосининг бандлиги таъминланди. Муҳими, 467 нафар фуқарога субсидия олишда, 346 нафар фуқарога кредит олишга кўмаклашилди. Хулоса қилиб

айтганда, 2020 йилнинг ўтган ўн ойи давомида жами 101 минг 991 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Муносиб шароит самарадорликка ундайди

Бундай янгиликларни маҳалла фаоллари, уларнинг фидойиликларисиз амалга оширишнинг имкони йўқ. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинлари учун етарлича имконият яратиб бериш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан биридир.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг барча шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар асосида қуриш, уларни зарур мебель, компьютер, алоқа воситалари ва интернет тармоғи билан таъминлаш, мазкур соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жумладан, сўнгги икки ойда Нукус шаҳрида «Байтерек», Қўнғирот туманида «Қўнғирот», Мўйноқ туманида «Арал» фуқаролар йиғинлари, шунингдек, Амударё тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими замонавий лойиҳа асосида қурилган янги бинога кўчиб ўтди. Мўйноқ тумани бўлими бинони топширилиш арафасида. Бу борадаги ишлар тез суратларда олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун оддий одамларнинг дардига кулоқ тутиб, уларга тезкор ечим топиш олдимидаги энг муҳим вазифадир. Ана шу бурчимизни адо этиш учун барча имкониятимизни ишга солганмиз. Келгусида ушбу бурчимизни тўла адо этиш учун бошқа ҳудудлар тажрибасини ўрганиб, Қорақалпоғистонга хос ва оптимал бўлган усулни ишлаб чиқиш, меҳнатқаш ва бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш тутишни мақсад қилганмиз.

ФАКТ:

Қорақалпоғистон Республикасининг 17 та туман ва шаҳарининг ўзига хос ўсиш нуқталаридан келиб чиқиб, 2020-2022 йилларда умумий нархи 12 триллион 300 миллиард сўм бўлган 1 минг 359 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. 523 миллион долларлик бевосита хорижий давлат маблағларини жалб қилиш, бунинг натижасида деярли 20 минг янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида йиллик экспорт ҳажми 347 миллион АҚШ долларига, экспорт қилувчи корхоналар сони 250 га, экспорт этиладиган давлатлар сони 45 га етади. Шу билан бирга, дастур асосида 45 минг иш ўринлари яратилади.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун йўл-транспорт, инженер-коммуникация инфраструктураси объектларида 7,6 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Натижада 2,4 триллион сўмлик маблағ ҳисобидан 855 км.лик халқаро ва республика, маҳаллий аҳамиятга эга йўллар қурилади.

Қирғиз Республикасига гуманитар ёрдамнинг учинчи партияси етказилди.

МУАММОЛАРНИНГ ОҚИБАТИ

Хар қандай улкан иш эзгу ниятдан бошланади. 2020 йилнинг ўтган даврига назар ташлаб, бо-
сиб ўтилган йўл, эришилган натижаларни тах-
лил этар эканмиз, ана шу ҳаётий ҳақиқатга яна бир
карра ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, шу вақт ичида
биргина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-
лари тизимида қатор ютуқлар қўлга киритилдики,
бунинг самараси кундан-кунга чирой очиб бораётган
маҳаллалар жамолида, турмушимиз фаровонлигида,
йиғинлардаги одамлар кайфиятида, маҳаллалар иш
фаолияти самарадорлигида намоён бўлаётир.



Шокиржон БОЛТАЕВ,
Андижон вилояти ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғи.

Хўш, жорий йилнинг ортида қолган даврида маҳаллалар ҳаёти-
да қандай ўзгаришлар юз берди? Қандай эзгу ишлар одамлари-
мизни хушнуд этди? Йил бошида ният қилинган қайси яхши, соғлом амаллар рўёбга чиқди? Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, эришилган марралар, муваффақиятларни сарҳисоб қилиб қувонамиз, ютуқларимиз бизга янги куч, ғайратшижоат бағишлайди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган масалалар ҳам борки, бу фаолиятимизни яна бир карра чиғирқдан ўтказишни тақозо этади.

Энг аввало, айтиш керакки, жорий йилнинг февраль ойида Президентимиз ташаббуси билан маҳалла институтининг мақоми мутлақо янги даражага олиб чиқилиб, мамлакатимизда янги — **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Албатта, ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи яхлит тузилманинг ташкил этилиши ягона мақсад йўлида, бир мушт бўлиб жипслашиш, ўзаро ҳамжиҳатликда, таъсирчан куч бўлиб ишлашимизга шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш ўринли. 2020 йил ҳаммамиз учун синовли ўтмоқда. Коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган карантин шароитида яшаш ва ишлашга мажбур бўляпмиз. Бироқ ана шундай оғир вазиятда ҳам маҳалла фаоллари ўзига хос жонқуярлик, жонбозлик

намунасини кўрсатишмоқда. Зеро, айнан улар қайси оилада нимага эҳтиёж борлигини яхши билишади, ногиронлар, ёлғиз кексалар, моддий имконияти чекланганлар ҳақида уларгина кўпроқ маълумотга эга. Шу боис давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам, ижтимоий таъминотнинг керакли хонадонларга манзилли етиб боришини ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари таъминлади.

Бу ҳақда сўз борганда, Андижон вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ҳам ўтган давр мобайнида маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий масалаларда қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Бандлик қандай таъминланмоқда?

Инсон ҳаётда доимо яхши яшашни истайди. Оиласи тинч, дастурхони тўкин, фарзандларининг қорни тўқ, усти бут бўлса, ўзини бахтли санайди. Бунинг учун нима керак? Албатта, бунда унинг бирор касб-хунарга эга бўлгани, бандлиги таъминлангани муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда вилоятда 184 минг 615 нафар ишсиз аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 74 минг 459 нафарини аёллар, 43 минг 221 нафарини ёшлар ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида **маҳалла фуқаролар йиғинларининг ташаббуслари** билан жами 51 минг 986 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Бунда улар тадбиркор ва фермерларга, кооперацияларга бириктириш, бўш (вакант) иш ўринларига, жамоат ишларига жалб қилиш, ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланди. Ишга жойлаштирилганларнинг аксариятини кам таъминланган оилалар аъзолари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз ёки кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бор фуқаролар ташкил этди.

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар сони 42 минг 39 нафарни ташкил этади. Уларнинг 34 минг 46 нафари билан суҳбатлар ўтказилиб, бандлиги таъминланди.

Тадбиркорлик — қонида бор...

«Тадбиркорлик билан шуғулланаман, уч-тўрт одамни, ҳеч бўлмаса, фарзандларимни иш билан банд қилиб, рўзғорга ҳам, жамиятга ҳам бирор наф келтираман», дея эзгу ишни бошламоқчи бўлган одамлар орамизда кам эмас. Бугун фуқаролар йиғини ана шундай ташаббус эгаларига қанот бўлмоқда. Хусусан, маҳалла тавсияси билан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилмоқда, уларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ бошқа юмушларига қўмак кўрсатилаётир.

Аслида илғорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик андижонликларга хос фазилатлар сирасидан. Улар ҳаммаша пешқадам бўлишга интилиб, пухта режа ҳамда қатъий мақсадлар асосида иш тутишади. Ўтган давр ичида вилоятда 15,6 минг нафардан зиёд фуқаро **тадбиркорлик фаолиятини** йўлга қўйгани ҳам фикримиз исботидир.

Биргина **«Ҳар бир оила — тадбиркор»** давлат дастури доирасида 1 минг 279 нафар фуқарога 56,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 2 минг 563 та (шундан 743 таси камбағал оилалар учун) янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, **хунармандчиликни ривожлантириш** мақсадида 82 млрд. сўмдан зиёд, **«Yoshlar — kelajagimiz»** дастури доирасида 12 млрд. 343 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Доимий иш жойи ва муқим даромад манбаига эга бўлиш ҳар бир аёлга ижтимоий фаоллигини, ҳаётий позициясини намоён этишида ҳал қилувчи омил саналади. Шу боис уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг** 5 млрд. 850 млн. сўмлик маблағи 272 нафар тадбиркор ва тадбиркорлик ниятидаги хотин-қизларга етказиб берилди.

Эътибор беринг, агар илгари одамлар ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлса, эндиликда улар бизнес фаолиятини йўлга қўйиш учун қўмак сўраётти. Демак, одамларда боқимандалик кайфияти йўқолиб, тадбиркорлик қилишга иштиёқ ортмоқда.

Энди «Олма пиш, оғзимга туш» дейиш ярамайди

Андижон вилоятида аҳоли зич жойлашган. Шу боис хонадонлардаги томорқа ер майдонларининг бир қаричи ҳам бўш турмайди. Миришкорлар турли усулларни қўллаб, кўпроқ даромад олиш пайида бўладилар. Зеро, бугун «Олма пиш, оғзимга туш» қаби-
лида кун кечирадиган пайт эмас. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, мавжуд боғлар, тут қаторлар атрофидаги 2 минг 680 гектар **бўш экин ер майдонлари, ғалладан бўшаган** 7 минг 459 гектар майдон эса экин экишга имконияти бор ва меҳнатга лаёқатли оилаларга 20 сотихдан ажратиб берилди.

Аҳоли ўртасида томорқадан самарали фойдаланиш, бир йилда 2-3 марта ҳосил олишни ташкил этиш мақсадида туман бўлимлари ва маҳалла раислари ўринбосарлари билан ҳамкорликда услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўрганишлар давомида 864 та маҳалладаги 563 минг 992 та оиланинг томорқаси мавжудлиги, бироқ уларнинг айримларида сув таъминоти оғир бўлгани учун самарасиз фойдаланилаётгани аниқланиб, улар артезиан қудуқлар қазиб бериш учун дастурга киритилди.

Айтиш керакки, ҳудудда **«Бир маҳалла — бир маҳсулот»** та-
мойили асосида 328 та маҳалла боғдорчилик, 136 та маҳалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, 112 та маҳалла чорвачилик йўналишига ихтисослаштирилган. Йил якунига қадар яна 66 та маҳалла боғдорчилик ва 40 та маҳалла қишлоқ хўжалиги экинларига ихтисослаштирилиши режалаштирилган.

Балиқ эмас, қармоқ беринг!

«Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандлари-



Хўжаобод туманида йилига 1 млн. тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхона қурилмоқда.

БИЛАН ИШЛАШ ВАҚТИ ЎТДИ

ни ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизими-ни жорий қилиш керак».

Дарҳақиқат, шундай! Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули — аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Шу ўринда Хитой файласуфи Лао Цзенинг ҳикматли гапи ёдга тушади: «Оч қолган инсонга балиқ берсанг, унинг бир кунлик қорнини тўйдирасан. Агар унга қармоқ бериб, балиқ овлашга ўргатсанг, уни бир умр очликдан қутқарасан». Хўш, биз қайси йўлни танладик?

Вилоят бўйича 41 минг 238 та хонадонда олиб борилган ўрганишлар давомида 31 минг 372 нафар **бандлиги таъминланиши зарур** бўлган фуқаролар аниқланди. Уларнинг аксарияти тадбиркорлик қилиш истагини билдирган бўлса, қолганлари саноат ва ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ишлаш ниятида экани аниқланди. Шундан келиб чиқиб, улар ҳудудларда барқарор сурьатларда фаолият кўрсатаётган 2

сотишни олдиндан яхши билади. Аслида деҳқон учун энг оғири ҳам шу — маҳсулотини сотиш. Биз кўчат ерга қадалгандан тортиб, сотилгунга қадар кўмак бериб борамиз. Бунинг учун бир йил етарли, у ёғига фуқароларимизнинг ўзи тадбиркор бўлиб кетади.

Аёл ҳунарли бўлса, рўзғорда камчилик бўлмайди

Аёл илмли, заковатли, фаол, меҳнат билан банд бўлар экан, у ўзини тарбиялайди, теварак-атрофини тартибга солади, назорат қилади, ташаббус кўрсатиб, янгилик яратади. Тартиб бор жойда эса интизом, хотиржамлик, унмдорлик ва даромад бўлади. Янги-янги орзулар, режалар тузилади. Яхши яшашга эҳтиёж ва кўникма шаклланиб боради. Янги Ўйғониш даври бўсағасидаги Ўзбекистон учун бу айна муддао.

Шу мақсадда вилоятдаги 13 та маҳаллада ҳудуд аҳолисини **касб-ҳунарга ўқитиш масканлари** ташкил этилди. Мақсад — аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига



ўртасида сўровномалар ўтказилиб, оилавий шароити, ижтимоий аҳволи, имконияти, маълумоти ва қизиқишлари аниқланмоқда.

Шароит яратмай, ишни жонлантириб бўлмайди

Шу ўринда, маҳалла ходимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тан олиш керак, бугун кўпгина маҳаллалар ўз биносига эга эмас, қайсидир давлат ташкилоти биноларида ижарада фаолият юритмоқда. Ахир, маҳалла ходимлари, турли фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик тузилмаларига зарур шарт-шароит яратмасдан туриб, улар ишини жонлантириш ҳақида сўз юритиш мумкинми?

Айни ҳолат атрофлича ўрганилиб, манзилли дастурга кўра, 2020 йилда 104 та маҳалла биноларини қуриш режалаштирилган. Шу кунга қадар вилоят бўйича жами 35 та маҳалла биноси қуриб, фойдаланишга топширилди, 69 та маҳаллада қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 9 та маҳалла биноси жорий таъмирдан чиқарилди.

Йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборимизда. Вилоятдаги 882 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчаси компьютер жамланмаси билан таъминланган бўлиб, шундан 165 таси **яроқсиз ҳолатда** эди. Шу боис ҳозиргача уларнинг 163 тасига янги замонавий компьютер жамланмалари берилди.

«Намунали ҳудуд» қандай тажриба?

«Кўшнинг тинч — сен тинч» ёки «Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади». Бу ўғитларнинг туб моҳиятида теран ҳақиқат мужассам: элимиз ҳамма замонда тинч-осойишта ҳаётни қадрлаган, шу йўлда бор салоҳиятини сарфлаган. Вилоятда кримноген вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида **«Намунали ҳудуд»** тажрибаси яратилиб, бу борада тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда сама-

рали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳудуддаги **60 та кримноген вазияти оғир** деб топилган маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида доимий профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. «Маҳаллабай» тамойили асосида жиноятчиликни жиловлаш бўйича ижобий тажриба янада ривожлантирилиб, жиноятлар сони ошган маҳаллаларда қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилди, барқарор ҳудудларда эса манзилли профилактик тадбирлар кучайтирилди.

Ҳар бир маҳаллани ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш, жамиятда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида **«Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!»** деган туйғуларни шакллантиришда ҳамкорлик йўлга қўйилди. Маҳаллаларда 32 мартаба **«сайёр суд»** мажлислари, 230 мартаба жамоатчилик иштирокида **жиноятчилик аҳволи** юзасидан ҳисобот йиғилишлари ўтказилди. Шу билан бирга, **«Ҳамжиҳатлик бор жойда жиноятга ўрин йўқ»** шиори остида 444 мартаба маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

* * *

Умуман олганда, маҳаллалар бугун аввалгидек одамлар шунчаки келиб-кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислохотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди. Шунга монанд унинг мавқеи ҳам, ваколати ҳам юксалди.

Бугун Андижон маҳаллаларида иш қизғин, одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларига кўмакчи бўлиш, дардини олиш ҳар бир маҳалла ходимининг мақсадига айланган. Энди муаммоларнинг оқибати билан ишлаш вақти ўтди. Уларнинг олдини олишга қатъий кирилиш вақти аллақачон келган. Президентимиз таъкидлаганидек, энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Бугун бу сўзлар йиғинлар фаолиятида дастуриламалга айланган.



минг 808 та **тадбиркорлик субъектига бириктирилди**. Ҳозирга келиб 28 минг 355 нафарнинг бандлиги таъминланди.

Камбағалликдан чиқиш учун кредит беришнинг ўзи камлик қилади. Буни давлатимиз яхши тушунади. Шу боис 1 минг 470 нафар фуқарога енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун 6 млрд. 556,2 млн. сўм миқдорида мақсадли субсидиялар ажратилди. 750 нафар камбағал фуқаро 15 та қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзоликка қабул қилиниб, кооператив устав фондига улуш сифатида кириш учун уларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 732,5 млн. сўм маблағ ажратилди.

Албатта, аввал қилмаган ишини бажара олишига ҳаммининг ҳам кўзи етмайди. Аммо кредит олган оилани ҳеч ким ташлаб қўймоқчи эмас. Уларга доимий **маслаҳат бериб борилади, ўқитилади ва ёрдам берилади**. Энг муҳими, фуқаро олган ҳосилини кимга

ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишдан иборат.

Бугунга қадар 6 минг 854 нафар касб-ҳунарга ўқиш истагини билдирган талабгорлар рўйхатлари шакллантирилди. Шунингдек, аёлларни ҳаётга руҳлантириш (мотивация бериш) бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб, **Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази** томонидан 2 минг 425 нафар хотин-қиз курсларга жалб этилди.

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича яратилган янги тизим — ишсиз ёшлар бўйича алоҳида **«Ёшлар дафтари»**, ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида **«Аёллар дафтари»** Андижонда ҳам шакллантирилиб, бундай фуқаролар талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилди. Улар



Ўзбекистон 24 та хорижий давлатдан
чой импорт қилган.

Аслида арабчада «инсонлар уюшиб яшайдиган жой» маъносини билдирадиган «махалла» сўзи айнан ўзбек халқи ҳаётида ўз луғавий маъносидан анчайин юксалиб, жамият бошқарувининг қуйи тизими сифатида чинакам ижтимоий аҳамият касб этди.



Ўлдош ЖУМАЕВ,
Бухоро вилояти ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғи.

Бугун маҳалла – қадриятлар ва эзгу амаллар масканидир. Меҳроқибат, аҳиллик ҳамда тотувлик, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар бошлини силлаш, тўй-томоша, ҳашар ва турли тадбирларни кўпчилик билан бамаблаш ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос анъаналар шу масканда шаклланиб, сайқал топмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, маҳаллани ҳеч иккиланмай ўзига хос «**кичик давлат**» деб ҳам, «**катта оила**» деб атасак ҳам ҳеч муболаға бўлмайди.

Кўриниб турибдики, маҳалланинг ўзаги оила. Оилаларда тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминламай туриб, маҳаллада ободлик ва хавфсизликни таъминлаб бўлмайди. Шу боис ҳам бугун фаолиятимизда биринчи навбатда оилалар ичига чуқур кириб бориш, улар муаммоларини ўрганиш, тизимли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида фаолиятимизни сарҳисоб қилар эканмиз, маҳалларимизда яраштириш борасида доимий иш олиб борилганига қарамай, 1127 нафар шахслар томонидан суд органларига ажралиш бўйича ариза берилганини аниқладик.

Тўғри, ажралиш, биргаликдаги оилавий ҳаётни узиш ҳар кимнинг шахсий иши бўлиб туюлиши мумкин. Аммо шу ажралиш ортидан етим бўлиб қолаётган болалар, уларнинг тақдири бизни ушбу масалага ижтимоий муаммо сифатида қарашга мажбур қилади. Шу

МАҲАЛЛА, БУ – КАТТА



сабадан, мазкур шахслар билан бошқарма, шаҳар ва туман бўлимларимиз томонидан ҳудудлардаги обрўли шахслар, нурунийларни жалб этган ҳолда индивидуал тарзда тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда 353 та оила ярашувига эришилди.

Оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштиришда вазирлик ташаббуси билан ўтказилаётган турли акция ва лойиҳалар, хусусан, масофавий тарзда ўтказилган «Ибратли оила» танловининг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бунинг натижасида вилоятда оилавий ажралишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 282 тага камайишига эришилди. Бундан ташқари, ўз вақтида оила қурган бўлса-да, никоҳини расмийлаштиришга эътиборсиз қараган, бунинг натижасида «шаръий никоҳ» мақомида яшаган 156 нафар оиланинг никоҳи расмийлаштирилди.

Кучли аёл – мустаҳкам оила яратувчисидир

Ҳар қандай буюк шахс ортида, албатта, кучли аёл мавжуд, деган экан донишмандлардан бири. Аёл идрок, тадбиркорлиги нафақат шахс, балки бутун оила кучи, тотувлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ақсарият ҳолларда инқироз ёқасига бориб қолган оилалардаги аёлларимизнинг ижтимоий нофаоллиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англамаганилиги, муайян касбий кўникмага эга бўлмаганилиги боис вазиятнинг асосий жабранувчисига айланиб қолганини кузатамиз.

Эндиликда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш ва касбга ўргатиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг август-октябрь ойларида тикувчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги, па-

зандалик, хунармандчилик, бизнес сабоқларидан ўқув курсларида 569 нафар аёлларимиз ўқитилди. Йил якунига қадар яна 762 нафар хотин-қизларимизни ўқитиш режалаштирилган.

2020 йилнинг 8 оyi мобайнида 731 нафар хотин-қизларга 13 млрд. 400 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, улар бандлиги таъминланди. Шунингдек, хотин-қизларнинг 75 та бизнес-лойиҳасига 2 млрд. 299 млн. сўм ресурслар ажратилган. 636 нафар аёллар, жумладан, таълим муассаларини битирган қизлар, кичик ёшдаги болалари бўлган аёллар, ёлғиз оналар ҳамда 14 ёшгача ва ногирон фарзандлари бор аёллар махсус захираланган (квота) иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

Албатта, аёлларимизнинг ўз касбини топиб, оила даромадига тегишли равишда ҳисса қўшиб бораётгани рўзғор етишмовчилиги туфайли келиб чиқаётган оилавий низоларнинг бартараф этилишига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимоя – устувор йўналиш

Жамиятда ижтимоий ҳимоя тушунчаси доимо «махалла» сўзи билан ёнма-ён юради. Дарҳақиқат, маҳалла мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялашда асосий ташаббускор ва ташкилотчи тузилмалардан бири бўлиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам бевосита бошқарма ташаббуси билан вилоятдаги 588 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 1 млн. сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. 365 та оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маиший техникалар берилди, 436 нафар ногирон бўлган оилалар рўйхати шакллантирилиб, 114 нафарига ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари тарқатилди. 72 нафар оилага эса арзон уй-жойларнинг бошланғич ўн фоиз бадаллари субсидия тариқасида тўлаб берилди.

«Қўлдан берганга қуш тўй-

мас», деган мақол бор. Шу нуқтаи назардан, эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг моддий аҳолини яхшилаш мақсадида уларга фақатгина «еб кетар»-га ёрдам эмас, балки келгусида моддий шароитини тиклаб олиши учун бошланғич сармоялар тақдим этишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Хусусан, 50 нафар хотин-қизларни ишга қабул қилгани учун корхоналарга 90 млн. 100 минг сўм миқдорда, иш берувчиларга квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган 4 нафар хотин-қизлар учун 4162,6 минг сўм, тадбиркорликни хоҳловчи ишсиз шахслар учун 55 нафар оилага 9448,4 минг сўм, енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун эса 420 нафар фуқарога 616906,6 минг сўм миқдорда субсидиялар ажратилди.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳридаги «Шайхул олам», Жондор туманидаги «Мустақиллик» маҳаллаларида тажриба тариқасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан яқка тартибда иш олиб борилди. Мазкур ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар камбағаллик, ишсизлик сабаблари ўрганилиб, улар мутахассислиги, қизиқишларидан келиб чиқиб, тегишли иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда бандлиги тўлиқ таъминланди. Айнан ушбу икки маҳаллада ўтказилган тадбирлар юртимизда меҳнат бозори қамрови жуда кенглиги, агар астойдил, қуончаклик билан иш олиб борилса, бандлик муаммоларига тўлиқ ечим топа олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ерни қадрлаган хор бўлмайди

Гап аҳоли бандлиги, оила даромадини бойитиш ҳақида борар экан, бу борада қишлоқ ҳудудларида томорқа майдонлари муҳим манба эканлигини кўпчилик тушуниб етмайди.

Ромитан туманида «Қўрғон» маҳалласи бор. Аҳоли турмуш даражаси яқин атрофдаги маҳаллалар аҳлидан анчайин баланд. Негаки, асосан анор ва анжир етиштиришга ихтисослашган ушбу ҳудудда аҳоли томорқачилик ҳадисини олган. Ёки Ромитан туманидаги «Тарнаут», «Атторон», Бухоро туманидаги «Работак», Бухоро шаҳридаги «Отбозор» маҳаллаларидаги деярли ҳар бир хонадонда иссиқхона мавжуд. Меҳнатларига яраша тўкин даромадга ҳам эга.

Аммо, афсуски, баъзи ҳудудларда ўн-ўн икки сотих ер майдонини «шўр босган» ёхуд «сув келмайди» баҳоналари билан қаровсиз қолдирган хонадонлар



Ўзбекистонда «COVID-19» инфекцияси бўйича 6 та илмий изланиш олиб борилмоқда.

ОИЛА ДЕМАКДИР

хам бор. Эндиликда ана шундай ўз ерига эътиборсиз хонадон соҳиблари ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб борган ҳолда томорқа маданиятини юксалтириш, уларнинг ўз ерларидан қўшимча даромад олишлари ҳисобига моддий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги 287542 хонадон тасарруфида жами 39480 гектар томорқа экин ери мавжуд.

Юқорида таъкидланган «Кўрғон», «Работак», «Отбозор» маҳаллалари тажрибасини оммалаштириш мақсадида айни пайтда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида 7 та маҳаллада боғдорчилик, 27 та маҳаллада сабзаёт ва иссиқхоначилик, 19 та маҳаллада чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, ушбу маҳаллаларни ўзига хос томорқа кластерига айлантириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: «Томорқа шахсий мулк бўлса, маҳалла нега унга аралашади?» Тўғри, томорқа шахсий мулк. Аммо у шунчаки қаровсиз қолди-



риш эмас, мақсадли фойдаланиш учун берилган. Агар биз бугун томорқачи билан ишлаб, унинг ўз еридан баракали ҳосил олишга йўналтира олмас эканмиз, эртага у иқтисодий аҳволи ёмонлашгани сабаб моддий ёрдам сўраб маҳалла эшигига боради.

Қолаверса, иқтисодий муаммолар кузатилган оилада турли келишмовчиликлар, зиддиятлар, можаролар ҳам кузатилиши табиий ҳол. Оилавий низоларни яраштирувчи биринчи бўғин эса, бу – маҳалла. Демак, томорқачилик борасидаги тарғибот ва ташкилотчилик ишлари шахсиятга аралашув эмас, балки келгусида рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлидир.

Сифатли иш учун сифатли шароит керак

Бугун ўз ишини янгича талаблар ва ёндашувлар асосида ташкил этаётган маҳалла тизими фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг моддий-техника базаси, соҳа ходимларига яратилган шарт-

шароитлар даражасига ҳам боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан барпо этилаётган «Маҳалла марказлари» соҳа ходимлари учун эътибор ва ғамхўрликнинг олий намунаси бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 7 та маҳалла биноси намунавий талаблар асосида янгидан қурилиб, 8 таси реконструкция қилинди. 25 та фуқаролар йиғини бинолари эса жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда эса 29 та бинода қурилиш, 21 тасида капитал, 18 тасида жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

19 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 23 тасига мебель тўплами олиб берилди. Олис ҳудудлардаги 15 та фуқаролар йиғинлари алоқа воситаси билан таъминланди. Шу билан биргаликда, 274 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 118 млн. сўмлик коммунал қарздорлиги тўлаб берилди. 134 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилди.

Дарвоқе, вилоят ҳокимлиги кўмагида олис ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига қулайликлар яратиш, замонавий ахборот технология ютуқларини улар ҳаётига кенг татбиқ этиш мақсадида 56 та олис аҳоли пунктларида «Маҳалла онлайн маркази» ташкил этилмоқда.

Ўзига хос «Бухоро тажрибаси» сифатида тақдим этилаётган мазкур лойиҳа доирасида енгил конструкцияли қурилмаларда аҳолининг коммунал ва бошқа тўловларни амалга оширувчи «онлайн касса», АбуАли ибн Сино номидаги вилоят ахборот кутубхона марказига уланган «онлайн кутубхона», аёлларни касбга ўқитиш маркази ҳамда «маҳалла жамоатчилик назорати маскани» жойлаштирилмоқда.

Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла

Маҳалла ободлиги, аҳоли турмуш даражаси фаровонлиги кўп жиҳатдан муайян ҳудуд осойишталиги, хавфсизлигига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда



қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жойларда тизимли ташкил этиш, жамоат тартиби ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада муҳтарам Президентимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар маҳаллалардаги осойишталикни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, илгари вилоят бўйича атиги 371 нафар профилактика инспекторлари штати мавжуд бўлиб, баъзида икки, ҳатто, учта маҳаллада битта инспектор фаолият юритар, бу эса ҳудуддаги хавфсизликни тўла назорат қилишга имкон бермасди.

Эндиликда эса вилоятдаги барча маҳаллаларда биттадан, аҳоли сони нисбатан кўп маҳаллаларда эса иккитадан профилактика инспектори бириктирилди. Фуқаролар йиғини раиси ва мазкур соҳа ходимлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида профилактика инспектори фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тенглаштирилиб, маҳаллада хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган вазифалардан озод этилди.

Бу эса жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида, алоҳида эътибор ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан янада самаралироқ ишлаш имкониятини яратмоқда. Маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасида олиб борилган «маҳаллабай» ишлар натижасида вилоят бўйича жиноятдан холи маҳаллалар сони 277 та ёки 50,9 фоизга етказилди. Жиноят содир этган шахслар сони 7,77 фоизга камайишига эришилди.

Албатта, бу каби ишлардан мақсад, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг соғлиғи ва мулкани жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, маҳалла ободлиги ва халқимиз турмуш даражасини яхшилаш борасида олиб бораётган фаолиятимиз натижасини халқимиз кутган даражага етказишдир.

Яхши ишлаганининг мукофоти бор

Маҳалла фаолларининг юқоридаги каби ишлари мунтазам

мониторинг қилиниб рейтинг баҳолаб борилаётганлиги ҳудудлар ўртасида ўзаро рақобат муҳитини юзага келтириб, иш самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Илгари илғор иш тажрибасини кўрсатган ҳам, қолақлик, масъулиятсизликка йўл қўйган ходимга ҳам бир хил муносабат қаратилар, бир хил маош, бир хил моддий рағбат кўрсатиларди.

Фуқаролар йиғинларининг 8 ойлик иш фаолияти самарадорлиги рейтинг натижаларига мувофиқ, вилоятдаги 35 та маҳалла «намунали», 78 та маҳалла «яхши», 110 та маҳалла «қониқарли», 55 та маҳалла эса «қониқарсиз» қайд этди.

Қониқарсиз фаолият кўрсатган фуқаролар йиғинларининг ҳар бири бошқарма ходимларига бириктириб чиқилиб, ҳафтанинг жума куни фуқаролар йиғини иш фаолиятининг яхшиланишига кўмаклашилди. «Намунали» кўрсаткични қайд этган ҳудудлар фаоллари эса рағбатлантирилди. Бу эса соҳа ходимларининг ўз устларида янада самаралироқ ишлашига туртки бермоқда.

Шу билан бирга, қадим маҳалланинг янгича стратегиясини амалга оширишда ҳали олдимизда бир неча вазифалар турганини ҳам биламиз. Хусусан, оилаларни яраштириш, эрта турмуш, тўймаъракаларни дабдабали ўтказиш, ёшлар жиноятчилиги сингари ҳолатлар олдини олиш борасида қилинажак ишлар анчайинни ташкил этади.

Тўғри, бу борадаги салбий кўрсаткичларни сезиларли камайтиришга эришдик. Аммо оилавий ажралишнинг битта бўлса-да, содир этилиши, битта оила бузилиши, бир боланингда етим қолиши қадим шарқ маънавияти бешиги ҳисобланмиш Бухоро аҳли учун уятли ҳолдир. Бу борада биз тегишли фаолият тизимини белгилаб олдик.

Қолаверса, маҳалла тизими ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида 243 та маҳаллага бино ажратиш, 80 га яқин маҳалла идоралари мебель тўпламини янгилашни режа этиб белгилаганмиз. Зеро, маҳалла тизими ходимларига етарли шарт-шароит таъминламай, уларнинг бугунги кенг қўламдаги фаолиятларида самарадорликни талаб этиб бўлмайди.



Углеводород ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун Россия банкининг имтиёзли маблағлари жалб қилинади.

Маҳалла фуқаролар йиғинига бўлган эътибор ва ғамхўрлик кўлами кенгайди, ҳуқуқ ва манфаатлари ошди. Бугун маҳалла том маънодаги аҳоли кундалик ҳаёт тарзининг ҳар жабҳасида фаол бўлган ишончли тузилмага айланди. Якунланиб бораётган йилда Фарғона вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан амалга оширилган ишлар, ютуқ ва муаммолар хусусида бошқарма бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари



Саидмурод АМИНЖОНОВ
билан суҳбатлашдик.

— Ўтиб бораётган йил маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши, кўмакчиси сифатида эсда қоларли воқеалар, амалий ишларга бой бўлмоқда, — дейди **Саидмурод Аминжонов**. — Айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дунёда ўхшаши бўлмаган халқчил тузилманинг иш самарадорлигини оширишда янги имкониятлар яратиб берди.

Янги тизим доирасида 1041 та маҳалла фуқаролар йиғини раисига, оила ва хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича (2000 тадан юқори бўлган маҳаллаларга 27 нафар оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис), ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича, жамоатчилик асосида кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича, жамоатчилик асосида ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилиб, 6273 нафар малакали кадрлар жалб этилди. Уларнинг масъулиятини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадор-

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНИШ, УЧУН ИМКОНИЯТ ВА



лигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этдик. Натижаларга кўра, фаолияти «намунали» деб топилган 75 та, «яхши» деб топилган 384 та, «қониқарли» деб топилган 546 та, «қониқарсиз» деб топилган 36 та фуқаролар йиғинида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб ижросига киришилди.

Фаолияти «қониқарли» ва «қониқарсиз» деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида ишлаётган фаолларнинг иш фаолияти юзасидан фуқаролар йиғинлари кенгашларига тақдимномалар киритилди. «Намунали» деб топилган фуқаролар йиғинларининг 375 нафар ходимлари рағбатлантирилди ҳамда уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш юзасидан манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда чоралар белгиланди. Ўрганиш натижасига кўра, «қониқарсиз» деб топилган 4 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Қолаверса, бу мавсумий иш эмас. Асосий эътиборимизни ёш, изланувчан мутахассисларни танлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратяпмиз. Пандемия муносабати билан бу жараён бироз ортга сурилмоқда. Лекин кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ ишлар доимий эътиборимизда турибди. Ҳозирда 1041 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият олиб бораётган 3123 нафар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг ўринбосарларининг рўйхати шакллантирилиб, ўқув жараёнига жалб этилишига тайёр турибди.

— **Моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб, ишда самарадорликка эришиб бўлмайди...**

— Дарҳақиқат, шундай. «Иш куролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Чунки шароит бўлмаган жойда тараққиёт, ривожланиш бўлмайди. Бу борада вилоятимизда ўзига хос муаммо, етишмовчиликлар бор. Аммо уларни имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Шу кунга қадар 37 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. 55 та фуқаролар йиғинлари биноси таъмирланди, 86 та маҳалла фуқаролар йиғинларида янги бино қурилиш ишлари давом этмоқда, ўз хизмат биносига эга бўлмаган 45 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бошқа муассаса биносига фаолият олиб бормоқда.

Тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ, шаҳар, туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг бинолари 2020-2022 йиллар давомида замон талабларига мос тарзда қуриб битказилиши режалаштирилган. Бу йил 147 та, 2021 йилда 132 ва 2022 йилда 133 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳар томонлама қулай биноларда фаолият кўрсатади. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳисоб рақамига 5 млрд. сўм маблағ ўтказилди. Шунга кўра, 668 та компьютер, 670 та рангли принтер, 212 та (2 тумбали) стол, 848 та (1 тумбали) стол, 5724 та стул ҳамда 212 та шкафлар талабномаси тузилди ва аукционга қўйилди.

Ҳозирги кунда компьютер, принтер ва мебель жамланмаларини сотиб олиш ишлари якунланмоқда. Туман ва шаҳарларга етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

— **Жинойтчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисоблана-**

ди. Фарғонада бу жараёнда маҳаллалар қандай иштирок этмоқда?

— Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, шу кунга қадар вилоятдаги 280 та маҳалла фуқаролар йиғинида жинойт содир этилмади. Бир қараганда яхши. Лекин жинойт битта бўлса ҳам кўп. Шу мақсадда жойларда жинойтчиликка қарши курашиш билан бирга, унинг олдини олиш бош масала қилиб олинган. Жойларда ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликка қарши курашиш мақсадида «Жамоатчилик назорати масканлари» ва «Фидокор ёшлар» тузилмалари ташкил этилди. Маҳаллаларда ўрнатилган 17485 та видеокузатув камералари жинойтларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилмоқда. «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруллик гуруҳлари аъзоларининг хабари ёрдамида 382 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 777 та жинойтчилик билан боғлиқ ҳолатларни эрта аниқлашга эришилди.

— **Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Вилоятимизда оғир ижтимоий ҳолатда турмуш кечираётган 1052 нафар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бу мавжуд корхоналардаги бўш турган иш ўринлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик йўналишлари, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлашга қаратилган. Шу кунга қадар бу йўналишда 1007 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ишсиз хотин-қизлар ва ўзининг касбий малакасини оширмоқчи бўлган фуқароларни хизмат кўрсатиш ва саноат корхоналарининг ишчи касбларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда касб-хунар курсларида ўқитиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда эҳтиёж юқори бўлган хизмат кўрсатиш, қурилиш, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича курслар ташкил этиляпмиз.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига жами 92261 нафар аҳоли касбга ўқитиш учун йўналтирилди. Биргина Қўштепа туманидаги «Исмоил-жон гиламлари» корхонаси ҳудудларда гилам тўқишни йўлга қўйиш орқали 6 минг нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлади. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, «Устоз-шогирд» аъналарини изчил давом эттириш мақсадида Фурқат туманидаги «Уста Муҳаммадали



Шиша идиш ва буюмлар экспорти 10,4 млн. АҚШ долларига ошган.

ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИ

наққош» хунармандчилик мактабини кенгайтириш учун маҳаллий бюджетдан 4 млрд. сўм маблағ ажратиш орқали минг нафардан ортиқ ёшларни ишли қилиш чораларини кўрягмиз. Бундан ташқари, оғир ижтимоий ҳолатда турмуш кечираётган 142 нафар хотин-қизлар уй-жой билан таъминланди. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан оғир турмуш шароитида яшаётган ва ногиронлиги бўлган 238 нафар хотин-қизларга реабилитация воситалари етказиб берилди.

— Оилавий ажралишлар сони нега камаймаяпти?

— Бу долзарб масала бугун қўллаб муҳокамаларга сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. «Кушнинг ҳам ини бузилмасин», дейишади. Жанжал чиққан жойдан файз-барака кўтарилади. Шу боис оила муқаддас кўрғонга қиёсланади. Виловатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш билан боғлиқ амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада оилавий ажралиш билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 443 тага камайди. Лекин бу хотиржамликка берилишга асос бўлиб қолмайди. Маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш, «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари томонидан ажралиш ёқасига келиб қолган оилалардан 2064 таси яраштирилди. Шаръий никоҳ асосида яшаётган 1970 та оилалардан 1029 тасининг никоҳи қонунийлаштирилди.

Маҳаллалардаги нотинч, муросага келолмаётган оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бирига ҳудудлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, имом-хатиб ва отинойилар бириктирилди. Ушбу тоифадаги оилалардан манзилли хабар олинди,



нотинчлик сабаблари ўрганилди ва уларни бартараф қилиш чоралари кўрилиши натижасида 312 та маҳалла фуқаролар йиғинида оилавий ажралиш қайд этилмади.

— «Аёллар дафтари»ни шакллантириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жамиятда аёллар ва ёшларнинг родини ошириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мутасадди ташкилотлар олдида бир қатор вазифалар кўйилди. Жумладан, ҳудудларда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни жорий этиш орқали аёллар ва ёшларга оид ижтимоий масалаларни манзилли ташкил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларга керакли ёрдамларни кўрсатиш зарурлиги айтиб ўтилди. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида 19 та туман ва шаҳарларда яшовчи хотин-қизларга оид масалаларни манзилли равишда ўрганиш бўйича сўровнома асосида хатлов ишлари олиб борилмоқда. Шу кунга қадар Марғилон ва Бешариқ туманларида бу ишлар якунланди. Бунга асосан, Марғи-

лон шаҳрида 39576 та хонадонлар ўрганилиб, 481595 нафар (18-30 ёш) ёшлар ҳамда 44412 нафар (30 ёшдан юқори) аёллар, Бешариқ туманида 39593 та хонадонлар ўрганилиб, 36505 нафар (18-30 ёш) ёшлар ҳамда 45579 нафар (30 ёшдан юқори) аёллар билан сўровномалар ўтказилди ва манзилли рўйхатлари шакллантирилди ва хатлов асосида аниқланган муаммолар ечими борасида амалий ишлар олиб борилди. 23 ноябрь кунги ҳолатга кўра, вилоятдаги 1041 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам хатлов ишлари олиб борилиб, 729937 та хонадонларда сўровнома ўтказилди.

— Маҳалла ҳаётида кекса авлод вакилларининг ўрни қай жабҳаларда кўринмоқда?

— Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида барча шаҳар ва туманларда «Саломатлик учун 5 минг қадам» шиори остида пиёда юриш машқлари ўтказилиб келинмоқда. Ҳозиргача 2700 мартаба пиёда юриш тадбирлари ташкиллаштирилиб, унда 58 мингдан ортиқ кексалар иштирок этди.

Вилоятдаги ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи 4655 нафар ёшларнинг ҳар бирига фаол нурунийлар бириктирилди. Шунингдек, ажрим ёқасига келиб қолган 1926 та оилага ҳам нурунийлар бириктирилган бўлиб, йил бошидан буён кекса авлод вакиллари иштирокида 1782 та оилани яраштиришга эришилди. Кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида вилоятнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатлар уюштириш, ёшлар билан очиқ мулоқот, суҳбатлар ташкил этиш ишларига эътибор қаратилмоқда.

— Камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ишлар қай даражада удаланаётир?

— Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш устувор вазифа этиб белгиланди. Фарғона вилоятида 29 775 та эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, «темир дафтар»га киритилди. Бу оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунга қадар уларнинг 142620 нафарига 31 млрд. 376 млн. сўм, 55835 нафар вояга етмаган болалари учун 29 млрд. 417 млн. сўм нақд пул кўринишида моддий ёрдамлар кўрсатилди. «Темир дафтар»даги 37089 та оиланинг 114640 нафар аъзосини иш билан банд этган ҳолда халқ депутатлари Кенгаши қарорлари асосида камбағаллик даражасидан чиқарилди.

Қурбон ҳайити муносабати билан ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 30 мингта оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Саховат ва кўмак» жамғармасига 7 млрд. 36 млн. сўм миқдоридаги пул маблағлари туширилиб, халқ депутатлари Кенгаши қарорлари асосида жами 6 млрд. 65 млн. сўмлик маблағлар 57 минг 228 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга истеъмол товар маҳсулотлари, дори воситалари ҳамда нақд пул кўринишида сектор аъзолари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан етказиб берилди.

«Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик» маркаслари томонидан ҳозирги кунга келиб 46669 та оилаларга 4 млрд. сўмдан ортиқ бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Бу йўналишда қилинган 4391 та мурожаатнинг 4224 таси ижобий ҳал этилди, 167 тасига ҳуқуқий тушунча берилди.

— Ободлик, саришталик халқимизга хос фазилатлардан. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Фарғона вилоятида «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» тамойиллари асосида бошланган ташаббус ҳар жабҳада қулоқ ёйди, десам муболаға бўлмайди. Эътиборли жиҳати, эзгу мақсад йўлида вилоятдаги 32 минг 24 та камбағал оила хонадонлари таъмирлашга эришилди. Бундан ташқари, оилалар кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган маиший шароитлар яхшилашга кўмаклашилди, 716 та болалар ва ўсмирлар спорт майдончалари, 118 та маданий зиёратгоҳлар, 944 та қабристон ободонлаштирилди. Аҳоли фаровонлиги, турмуш тарзини яхшилаш йўлида бошланган ишлар бугун ҳам давом этмоқда.

Суҳбатдош: Расул КАМОЛ
«Mahalla»



Банк ҳисоб-варақлари операциялари солиқ назоратига олинади.

БИЗ, ВИЛОЯТНИНГ ҲАР БИР

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз бугун Ўзбекистонни бутунлай янги қиёфада шакллантиряпмиз. Ҳар бир соҳада жадаллик билан ўзгаришлар кетмоқда. Жумладан, Ватан ичра кичик Ватан бўлган маҳаллалар фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Жорий йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани соҳада янги тизимни вужудга келтирди. Маҳаллалар ходимларининг фаолиятга ёндашувида жиддий ўзгаришлар юз берди.



Назира МУХТОРОВА,
Жиззах вилояти ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғи, Олий Мажлис Сенати
аъзоси.

Бунинг исботини Жиззах вилоятидаги маҳаллалар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Вилоятимизда жами 295 та фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 906 нафар ходимлар фаолият олиб бормоқда. Кадрлар салоҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг 188 нафари олий, 102 нафари ўрта махсус, 3 нафари ўрта маълумотли инсонлар эканига гувоҳ бўламиз.

Эътиборли жиҳати, фуқаролар йиғинлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 1-ярим йиллиги даврида амалга оширилган ушбу баҳолаш тизими натижасига кўра, вилоятдаги 30 та ёки 10,1 фоиз фуқаролар йиғини фаолияти «қониқарсиз», 166 таси «қониқарли» (56,3 фоиз), 79 таси «яхши» (20 фоиз) ва 20 таси «намунали» (6,8 фоиз) деб топилди. Ушбу кўрсаткичларга мувофиқ, маҳаллалар фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида керакли чора-тадбирлар кўрилди.

Маҳаллалар ўз биносига эга бўлмоқда

Шунинг баробарида, мазкур фармонда маҳалла фуқаролар йиғинларини замонавий бино билан таъминлаш, интернет тармоғига

улаш, бино учун эгалик ҳуқуқини бериш каби муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилди. Вилоятда 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш бўйича манзилли дастурга мувофиқ, 2020 йилда 61 та, шундан 48 таси тадбиркорлар томонидан, 13 таси маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида маҳалла бинолари қуриш белгиланган. Бугунги кунда Дастур асосида тадбиркорлар томонидан 29 та, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 5 та маҳалла бинолари қурилмоқда. Бундан ташқари, кейинги йилларда амалга оширилиши режалаштирилган 5 та маҳалларда қўшимча равишда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз биносига эга 43 та маҳаллаларнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган эди, бу ишлар амалга оширилди ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 51 млн. 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан тезкор ахборот алмашувини таъминлаш мақсадида 2020 йилда 165 та маҳалла фуқаролар йиғинини оптик толали интернет тармоғига улаш режалаштирилган бўлиб, 51 та маҳалла фуқаролар йиғинлари юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминланди. 114 таси билан шартнома имзоланди ва маҳалла биносини

интернет тармоғига улаш ва уни ишга тушириш учун модем қурилмаси ўрнатиш ҳамда кабель тортиш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 13 та туман (шаҳар) бўлимларидан 10 таси барча шароитларга эга «Маҳалла маркази» мажмуаларига эга. Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар Бахмал, Шароф Рашидов, Фориш, Пахтакор туман бўлимлари бинолари қайта реконструкция қилиниб, барча шароитларга эга замонавий «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилди.

Пандемия шароитида аҳолининг яқин кўмакчисига айландик

Маълумки, бу йил нафақат юртимиз, балки бутун дунё учун синовли келди. Коронавирус пандемияси сабабли аҳолига ёрдам кўрсатиш учун «Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш» ҳамда 11-97 call марказлари ташкил этилиб, маҳалла раислари, вакиллари халқимизнинг қийналган қатламига ёрдамлар кўрсатишди. Жорий йилнинг апрель ойида жорий қилинган қатъий карантин чекловлари даврида вилоятимиздаги Ҳомийлик маркази ва «11-97» ишонч рақамига келиб тушган мурожаатлар асосида 22679 та мурожаатчиларга бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Июль ойидаги қатъий чекловлар пайтида эса «11-97» call марказ ишонч рақамига жами 3484 та мурожаат келиб тушган бўлса,

вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан 12657 та ўта эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилди. Натижада 13279 та эҳтиёжманд оилаларга бирламчи озиқ-овқат ва зарурий дори-дармон воситалари етказиб берилди. Уларнинг орасида боқувчиси йўқ ёлғиз оналар, кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган оилалар ва ёлғиз кексалар қатлами кўпчилигини ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, уй, бошпа-на инсон учун олдинги ўринда турувчи эҳтиёждир. Шу маънода жорий йил шу кунига қадар вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож оилаларга 565 та уй-жойлар топширилгани кўпгина қалбларга қувонч олиб кирди.

Ҳеч бир аёл эътибордан четда эмас

Гувоҳи бўлиб турибмизки, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор кучайди. Бунинг самараларидан бири сифатида бугун давлат бошқарув органларида аёллар кўрсаткичи кўпаяётганини айтишимиз мумкин.

Аммо жамиятимизда аёллар билан боғлиқ муаммолар ҳали етарли эканини таъкидламасдан иложимиз йўқ. Хусусан, «Гендер тенглиги» масаласида кўп ишлар қилишимиз лозим. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари» томонидан олиб борилган семинар-тренинглар орқали халқимиз бу тушунчанинг моҳиятини чуқур англай бошлади.

Бундан ташқари, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, уларга моддий, маънавий ёрдам бериш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «12-11» рақамли ишонч телефонлари орқали



Ўзбекистонда Хитой вакцинасининг текширув жараёни бошланди.

ҲУДУДИДА ЯШАЯМИЗ!

жорий йилда вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасига жами 1200 га яқин аризалар келиб тушди. Ҳар бир мурожаат ортида бир инсон тақдири туришини инобатга олиб, имкон қадар уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

Ижобий ўзгаришлардан яна бири. Биламизки, маҳаллаларда жамоат тартибини сақловчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили — эркак инспекторлар мавжуд. Эндиликда эса аёл инспекторлар фаолияти ҳам йўлга қўйилиб, вужудга келадиган оилавий жанжалларда аёл кишининг ўз муаммосини эркин ва бемалол айтиши учун имконият яратилди.

Шу билан бирга, чекка ҳудудлар ҳисобланган Баҳмал, Зомин ва Фориш туманларидаги маҳаллаларда ижтимоий-маънавий, иқтисодий кўмакка муҳтож бўлган қизлар ва ўрта ёшдаги аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича 3 йиллик қузатув дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга киритилган 389 нафар ижтимоий-маънавий, иқтисодий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизларнинг ҳар бири билан индивидуал иш олиб борилди. Натижада уларнинг 895 та муаммоси ижобий ҳал этилишига эришилди. Шунингдек, ушбу ҳудудларда

қадар уларнинг 1635 нафари, яъни 28,7 фоизи иш билан таъминланди. Айтиш пайтда бу ишлар давом эттириляпти.

Бугунги кунда Жиззах шаҳри ва Мирзачўл туманида «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишлари намуна сифатида амалга оширилмоқда.

Жиззах шаҳар ва барча туманларда хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган 741 нафар хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилиб, уларнинг 138 нафарига имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилди. Шундан дастлаб 80 нафар хотин-қизларга ўзини ўзи банд қилиш орқали тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банклари томонидан 1,8 млрд.сўм маблағ ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Тижорат банклари ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан эса 3611 нафар опа-сингилларимизга 137,1 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда вилоятимизда оғир турмуш шароитида яшаётган 1 минг 861 нафар хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ишлар олиб борилмоқ-



жиловлаш, криминоген вазият оғир маҳаллаларда профилактика инспектори, маҳалла раиси ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимлари билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олиш, салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган «маҳаллабай» дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, ҳудудларда маҳалла раислари, ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича ўтказилган таъсирчан профилактик тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври давомида 48,8 фоиз, яъни 144 та маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 17,6 фоиз, яъни 52 та маҳаллада жиноятчилик ўтган йилга нисбатан камайишига эришилди.

Томорқа — ҳазина

Оилаларнинг даромадларини оширишда томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, бир парча жойни ҳам бўш қолдирмасликни таъминлаш бўйича маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари томонидан доимий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Вилоятдаги ёрдамга муҳтож ва томорқасига экин экиш имконияти бўлмаган хонадонларга томорқа ерларини ҳайдаш, мевали дарахтлар, сабзавот уруғ-кўчатларини етказиб беришда кўмаклашиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли хонадонларидаги 92 фоиз томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиб келинаётир.

Оилавий ажралиш ёқасидаги 584 та оила яраштирилди

Бугунги кунда эр-хотин ўртасида юзага келадиган ўзаро тушунмовчиликлар, қайнона-келин

можаролари баъзи оилаларда нотинчликларга сабаб бўлмоқда. Биламизки, бундай жанжаллар хонадондаги маънавий муҳитга, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир қилади, кўп ҳолларда бунинг натижасида оилалар пароканда бўлади. Оқибатда бу ҳолат жамиятнинг жиддий оғриғига айланади.

Шу боис вилоятимиздаги маҳаллалар фаоллари томонидан оилалар мустақамлигини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу масалада мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларга оиланинг муқаддаслиги, аҳамияти ва кадр-қиммати ҳақида кенг тушунча берилаётгани аҳамиятлидир. Хусусан, «Соғлом оила — соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш борасида 295 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги таркибида 500 нафардан ортиқ «Фахрийлар ибрати» Маслаҳат кенгаши фаоллари таълим муассасаларида, шунингдек, маҳаллалардаги 6450 нафардан ортиқ «Қизларжон», «Ораста қизлар» клуби аъзолари орқали «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида тарғибот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилган.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида «Менинг маҳалламда ажралиш бўлмаслиги керак!» шиори остида ҳафтанинг жума кунлари — Оилаларни мустақамлаш куни деб эълон қилинган. Тадбир доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 688 та оилавий келишмовчилик сабабли ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан 430 маротаба жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди. Оилавий ажралиш ёқасидаги 584 та оила яраштирилди, 244 та қонуний никоҳсиз яшаётган оилаларнинг 103 тасининг никоҳи қонуний расмийлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги ҳар бир маҳалла билан алоҳида ишляпмиз, керак бўлса, ўша энг чекка ҳудудларда ҳам яшаб кўряпмиз. Халқимизнинг ижтимоий ҳаётдаги муаммоларини ўрганиш билан бирга, уларга ечим ҳам топиш бизнинг энг асосий мақсадимиздир.



ўтган уч йил давомида қизлар ўртасида эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари қайд этилмади. Хотин-қизлар ўртасида жиноятлар ўтган йилларга нисбатан камайишига эришилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 24 сентябрь ва 8 октябрь кунлари ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ишсиз хотин-қизларнинг рўйхатлари асосида вилоятимизда ҳам «Аёллар дафтари» шакллантирилмоқда. «Аёллар дафтари»га бугунги кунга қадар эгалигида кўчмас мулк ёки транспорт воситаси мавжуд бўлмаган, ногиронлиги бор ёки ногирон фарзанди бор, боқувчиси йўқ, ёлғиз ва шу каби оғир шароитдаги аёллардан 5696 нафари киритилди. Шу кунга

да. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 700 нафар шундай хотин-қизлар янги уй-жойлар билан таъминланган бўлса, 50 нафарига уй-жой учун бошланғич тўловлар тўлаб берилди.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини маҳаллаларимизда жорий этиш, ҳудудларда жиноятчиликларнинг олдини олиш тизим олдидаги энг муҳим вазифага айланган. Маҳаллаларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир бўлишига йўл қўймаслик учун мазкур тамойил асосида ўтган йили жиноятчилик кўрсаткичлари ошган ҳар бир маҳаллада жиноятларни



Гидропоника усулида қорамолга емиш этиштирилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ФИДОКОРОНА

Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида Президентимиз тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ниҳоятда жозибали мазкур стратегик ғоя ўзининг улғуворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади.



Жаҳонгир САДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.

Хўш, ренессанс — уйғониш, янгилиниш нимадан бошланади, нимадан бошланиши лозим? Албатта, ҳар бир ватандошимизнинг қалбидан, кўнглидаги кўтаринкилик, келажакка мустақам ишончдан бошланиши лозим. Мазкур ҳисларни сингдириш, олиб борилаётган сиёсат, эришилаётган ютуқлар ва кўзланган режаларни аҳолига тушунтириш эса бевосита маҳалла раислари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимларининг ҳам вазифасидир. Бу борада Хоразм вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳам ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Ҳаракатлар маҳаллаларнинг моддий-техник баъзасини ривожлантириш, ходимларни янги, замонавий биноларга кўчириб ўтказиш, аҳолини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини мустақам ҳимоя қилиш ва оилалар бутлиги, тўқислиги



учун шароитлар яратиш, кексалар, ёшлар масалалари, томорқа хўжалигини ривожлантириш сингари ўнлаб йўналишларда олиб борилмоқда.

Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

Албатта, ҳар қандай оила мустақамлиги, маҳалланинг тинчлиги ва ободлиги учун, аввало, шу ҳудуд аҳолиси барқарор даромад манбалари, доимий иш билан таъминланган бўлиши даркор. Бу борада Президентимиз барча бошқарув органлари ва раҳбарларга аниқ вазифаларни юклаган. Аммо узоқ йиллар давомида масалага юзаки муносабатда бўлиб келингани, ҳар йили бир миллионга иш ўрни яратилгани тўғрисидаги ҳавойи ҳисоботларнинг "ясалиши", қуруқ рақамлар ортидан қувиш оқибатида республикамизнинг деярли барча ҳудудларида бўлгани каби Хоразмда ҳам етарлича муаммолар тўпланиб қолганди.

Мисол учун, ўтказилган таҳлиллар, уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганишлар натижасида вилоятда жорий йилнинг 10 ойи ҳолатига 90 минг 430 нафар ишсиз фуқаро аниқланди. Шундан 51 минг 866 нафари аёллар, ишсизлар қаторида ёшларнинг ўрни ҳам салмоқли. Уларни иш билан таъминлаш масаласида вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борди.

Пандемия шароитида иш ўринларининг камайгани, айрим корхоналар, кичик бизнес субъектлари фаолиятини вақтинча тўхтатиб турганига қарамай, ишсизларнинг 87 минг 210 нафари бандлиги таъминланди. Қувонарлиси, юқоридагиларнинг 17 минг нафарга яқини эгаллаган касбига мос, доимий, муносиб ҳақ тўланадиган ишларга жойлангандир. Яна 47 мингдан ортиқ фуқароларимиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

«Темир дафтар» — темир ҳимоя демакдир

Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами тўғрисида батафсил маълумотларга эга «Темир дафтар»ларнинг юритила бошлангани, ишимизда тартиб ва изчилликнинг янада ортишига сабаб бўляпти. Биз ҳар бир маҳалла, кўча кесимидаги вазиятдан хабардоримиз. Оилаларнинг даромади, яшаш шароити, нима камчилиги борлиги ва қандай ёрдам бериш мумкинлигини биламиз.

Маҳалла фаоллари бундай фуқаролар, оилаларни камбағалликдан чиқариш, бор имкониятлардан фойдаланиб, меҳнат қилиб, кўп даромад олишга ўргатиш бўйича аниқ режа асосида иш олиб боришади. Касбга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, бирор ташкилот, корхонада иш билан таъминлаш режанинг бир қисми, холос. Асосий мақсадимиз эса «Темир дафтар»даги оилаларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, барокат — ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракатда эканини тушунтиришдан иборат.

Масалан, жорий йилнинг 10 октябрь ҳолатига «Темир дафтар»нинг янгиланган рўйхатига, асосан, камбағал оилалар сони 13 мингтага яқини ташкил қилган эди. Бу оилаларда 55 минг 548 нафар фуқароларимиз бор. Турли сабаблар кўра, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ишсизлар сони 7 мингтага етади. Иш билан таъминлаш, тадбиркорлик учун кредитлар ажратиш, касбга ўқитиш ва республика бюджетидан ажратилган 31 миллиард 225 миллион сўм маблағ манзилли моддий ёрдам тариқасида тарқатилиши натижасида 1 ноябрда 5 минг 174 та оила ўз шароитларини яхшилашга эришди. Доимий, муносиб даромад

манбааларига эга бўлди. Улар «Темир дафтар»дан чиқарилиб, ижтимоий кўмакнинг бошқа турларидан фойдалана бошлашди.

Тадбиркорлик камбағалликка барҳам беради

Камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали йўли — тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Бунда нафақат иш юритаётган тадбиркорнинг даромади ортади, балки у орқали доимий иш ўрнига эга бўлган фуқаролар ҳам фойда кўради. Шу маънода Президентимиз томонидан кўйилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Банклар, давлат ва жамоат ташкилотлари бизга доим елкадош.

Масалан, бугунги кунга қадар 20 миллиард 609 миллион сўм кредит маблағлари 3 минг 704 та камбағал оила ҳисобида турувчиларга ажратилган. «Темир дафтар»даги оила уй ва дала томорқаларида ихчам иссиқхоналарни қуриб бериш бўйича ўтказилган қараб аниқланган оилалардан 1 минг 605 тасига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Шу ва бошқа дастурларга асосан, вилоятга қайтиб келган меҳнат мигрантларидан 3 минг 523 нафарининг бандлиги таъминланди.

Умуман, бевосита фуқаролар йиғинлари томонидан «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажакимиз» ва бошқа қатор дастурлар доирасида 11 минг 381 нафар фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди. Маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар сони 26 минг нафарга яқинлашди.

Касбли киши хор бўлмас

Камбағалликни тугатиш, аҳоли фаровонлигини оширишда касбга ўқитишнинг алоҳида аҳамияти бор. Бежизга халқимизда «касбли киши хор бўлмас» деган нақл юрмайди. Вилоятимизда 15 та касб-хунарга ўқитиш муассасалари, жумладан, "Ишга марҳамат" мономаркази, 2 та касб-хунарга ўқитиш марказлари, 2 та қисқа муддатли касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш курслари, 10 та маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил қилинган.

Маҳалла кесимида 2 минг 185 нафар касбга ўқиш истаги бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилди. Жорий йилнинг 10 ойи давомида уларнинг 2 минг 87 нафари касб-хунарга ўқитилди. Тикувчилик, сайёҳлар учун эса



Япония Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактабига грант маблағи ажратди.

МЕҲНАТ БИЛАН ЯРАТАМИЗ

лик буюмлар яшаш, гиламдўзлик, ўймакорлик, пазандалик ва бошқа ҳунарлар айниқса, кўпчиликнинг қизиқишини уйғотди. Ёшлар бу касбларни бажонидил ўрганишди. Зеро, улар яратган маҳсулотлар, айниқса, Хоразмдек зиёратгоҳ худудда харидорғир бўлиши тайин.

Касбга ўқитилганларнинг бир ярим минг нафаридан ортиғи хотин-қизлардан иборатлиги, айниқса, қувонарли. Аёл киши мазкур ишлар билан уйда ўтириб, фарзанд тарбияси билан банд бўлиб ҳам шуғулланаверади. Бундан ташқари, пенсия дафтарчаси очилиб, иш стажи ёзилади.

«Аёллар дафтари» расмийлик учун эмас

Шу ўринда яна маҳаллаларда тузилаётган «Аёллар дафтари»ни ҳам эслаб ўтиш лозим. Зеро, хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳукумати-

рат ташкилоти сифатида вилоят адлия бошқармасида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади.

Юқорида айтганимдек, тизимимизда, айниқса, хотин-қизлар ўртасида ҳунармандчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда вилоятимизда имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва бандлиги таъминланмаган хотин-қизлар ва ёшларни «Устоз-шогирд» аъёнларига асосан, ҳунармандчилик билан шуғулланишга йўналтириш орқали бандлиги таъминланмоқда.

Уларнинг бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланяпти. Йилнинг ўтган даврида 515 та ана шундай бизнес лойиҳалар тасдиқланди. Булар қаторида асаричилик, балиқчилик, паррандачилик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш ва бошқалар жой олган. Мазкур мақсадларга 6 млрд. 136 млн. сўм



берилди. Шунингдек, 30 нафар хотин-қизнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун маиший техникалар сотиб олиб берилди. Ушбу мақсадлар учун жами 1 млрд. 943 млн. 750 минг сўм маблағ сарфланди.

Тўрт нафар хотин-қизни уй-жойларида 40 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жорий йил бошида шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда уй-жойлар қурилиши режалаштирилган ҳудудлардан Вазирлар Маҳкамасининг «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 12 апрелдаги 285-сонли қарори асосида жами 56 нафар хотин-қизнинг «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси» томонидан 885 млн. 844 минг 712 сўм миқдорида уй-жойларининг бошланғич бадал маблағлари тўлаб берилди.

Умуман, аёллар масаласига Хоразм вилоятида жиддий эътибор қаратилмоқда. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш бўйича вилоятда 13 та туман ва шаҳарларда ишчи гуруҳлар тузилиб, хатлов ишлари олиб борилмоқда. «Аёллар дафтари» учун хатлов ишлари Урганч шаҳри ва Урганч туманида якунланган.

Қариси бор уйнинг париси бўлади

Кекса авлоднинг муаммоларини ўрганиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш зарурлиги тўғрисида Президентимиз тез-тез таъкидлайдилар. Зеро, улар бугунги ёруғ кунларимиз учун меҳнат қилишган, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкишган. Шу маънода, отахон ва онахонларимизни ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳат» гуруҳи фаоллари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқ-

да. Вилоятимизда 141 нафардан зиёд кекса ёшдаги фуқароларимиз истиқомат қилади. Уларнинг 21 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидир.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, якка ёлғиз, ўзгалар кўмагига муҳтож кексалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олинмоқда. Хонадонларида ободонлаштириш ишларида кўмаклашиляпти. Тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда уларнинг саломатликлари назорат қилиняпти.

Октябрь ойида «Кексалар ҳафталиги» ўтказилиб, бу тадбирларга 14 минг нафардан зиёд кекса ва фахрийлар, 750 нафар нуруний онахонлар, 64 нафар якка-ёлғиз кексалар иштирок этишди. Ҳафталик доирасида «Соғлиқ учун 5 минг қадам» тадбирлари ўтказилди. Республика ва вилоят даражасида тасдиқланган қатор дастурлар доирасида отахон ва онахонларимизнинг Шовот туманида жойлашган «Юсуф Ҳамадоний» зиёратгоҳига кексанурунийларнинг саёҳати уюштирилди.

Шунингдек, «Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши»лари ва маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари фаолияти янада такомиллаштириб борилмоқда. Вилоятда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда улар кекса ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни карантин вақтида уйда фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» дастурларини бажарилишида ёрдам бериб келмоқдалар.

Умуман, Хоразм бугун чиндан-да янгилаш даврини бошидан кечирмоқда. Бундан барча соҳалар, хусусан, биз масъул бўлган ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам қузатиш мумкин. Ўйлайманки, вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари ортиб бориши билан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига эътибор янада ошаверади.



миз учун асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Вилоятимизда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш йўналишлари, жорий йилда ва кейинги йилларда амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Вилоятимизда жами 1 миллион нафарга яқин хотин-қизлар бор. Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1,5 минг нафарга яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қиляпти. 37 нафар опа-сингилларимиз — маҳалла раиси. Тизимимизнинг ўзида яна 522 нафар хотин-қизлар ўринбосар сифатида фаолият олиб борди. Кўплаб бош шифокор, мактаб ва касб-ҳунар коллежи директорлари, боғча мудирлари, фермер аёлларимиз, йирик тадбиркорлар, депутат ва бошқа масъул лавозимлардаги нозик ҳилқат вакиллари бор.

Вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази нодавлат ножи-

кредитлар ажратилди.

Аёлларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам диққат марказимизда. Вилоят бўйича 174 нафар бемор, тиббий ёрдамга муҳтож, коммунал тўловлардан қарздорлиги бўлган ва эҳтиёжманд хотин-қизларга шу кунгача 216 млн. 250 минг сўм моддий ёрдам пуллари манзилли етказиб берилди. Бизнес режа асосида 18 та корхона-ташкilotта 2 млрд. 130 млн сўм. имтиёзли кредит берилиб, 218 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Уй шароитида ўзини ўзи банд қилишни истаган 263 нафар хотин қизга иссиқхона, новвойхона, тикув машинаси, қорамол ва товуклар беғараз етказиб берилмоқда. Шу кунгача, 144 дона иссиқхона, 20 дона новвойхона қуриб топширилди, 104 нафар хотин-қизга тикув машиналари, 102 нафарига 102 бош қорамол, 23 нафарининг ҳар бирига 50 донадан 1150 дона товук сотиб олиб беғараз етказиб



Водийга борадиган поезд энди Тошкент Марказий (Шимолий) вокзалдан жўнайди.

Донишмандлар фикрича, босиб ўтилган йўлга қайта назар ташлаш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш келажак учун пойдевор ҳозирлайди. «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да Навоий вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Келгусидаги режалар нималардан иборат? Бошқарма бошлиғи, вилоят ҳоқими ўринбосари Азамат Ўроқов билан шу хусусда суҳбатлашдик.



Азамат ЎРОҚОВ,
Навоий вилояти ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

«Маҳалла дафтари» ва «Маҳалла китоби» қандай лойиҳа?

Маҳалла тизимидаги ислохотлардан кўзланган мақсад, энг аввало, тузилманинг халқ ва оилалар билан янада яқин бўлишига эришишдан иборатдир. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг 2020 йил 4 майдаги 04-01/124-сонли топшириғи асосида ҳар бир маҳаллада «Маҳалла дафтари» юритилмоқда. Бу дафтарга йиғин раиси ва ўринбосарлари ҳар кунлик иш режалари ҳамда амалга оширган ишларини қайд этиб боришяпти.

Бу тажриба аввал бўлмаган. Маҳалла ходимларида масъулият ҳисси кучайди. Улар ҳар куни «Бугун мен маҳалламда нима иш қилдим?» деган саволга жавоб беришга одатланишмоқда. Тан олиш керак, шу пайтгача маҳаллага фақат аҳолига маълумотнома берадиган идора сифатида қаралар, ҳаттоки ўз лавозим йўриқномасида белгиланган вазифаларни билмайдиган ходимлар ҳам йўқ эмас эди. «Маҳалла дафтари» ана шундай лоқайдликка, ўзибўларчиликка ва дангасаликка чек қўядиган воситага айланди.

«Маҳалла китоби» эса Навоий вилоятида қўлланган тажриба, дейишим мумкин. Чунки бу иш услубини бошқа ҳудудларда жорий қилишмаган. Вилоят ҳоқими

БИЗ ҚАРАКАТДАМИЗ



Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш — доимий эътиборда

Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Нуроний» жамғармаси, республика Маҳаллалар кенгаши фаолиятини алоҳида фаолият юритган кезларни кўпчилик яхши эслайди. Бир-бирига ижтимоий жиҳатдан ўхшаш ва яқин бўлган соҳаларда ҳар ким ўз аравасини ўзи тортар, натижа эса кутилганидек бўлмас эди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 февралдаги тегишли фармонида мувофиқ, зикр этилган барча тизимлар бирлаштирилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирлик зиммасига оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қатор вазифалар юклатилди.

Вилоятимизда хотин-қизлар муаммолари оз эмас. Ёрдამга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ўз вақтида ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдэм кўрсатиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Инчунун, жамиятнинг маданий-маънавий даражасини белгилашда аёлларга яратилган имконият ва шароитлар муҳим ўрин тутди. Агар аёл азоб-уқубат гирдобиде умр кечириётган бўлса, нозик жуссасини ҳаёт ташвишлари ва қийинчиликлар эзаётган бўлса, демак, у яшаётган оилада муаммолар «ғиж-ғиж». Бу унинг маҳалласи фаолиятида ҳам иш яхши ташкил этилмаганидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаганимдек, «Маҳалла китоби»ни юритишда ҳар бир оиладаги хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқот ўтказиляпти, уларнинг қувончу шодликлари, дарду ҳасратларидан бохабар бўлинмоқда. Ана шундай ўрганишлар натижасида жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида»ги қарори асосида 43 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланди. Аҳамиятлиси, бу уй-жойларнинг бошланғич 10 фоизлик бадали хотин-қизлар жамоат фонди томонидан тўлаб берилди.

2020 йилнинг 10 ойи давомида вилоят бўйича **30 минг нафарга яқин** аёлнинг ишсизлиги аниқланди. Шундан 3985 нафари доимий иш билан таъминланди. Жумладан, **802 нафари** инвестиция лойиҳаси

ми ташаббуси билан мутлақ янги тартибдаги 1000 дона **«Маҳалла китоби»** чоп этирилди. Бунинг учун маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисмидан **215 миллион** сўм маблағ ажратилди. Худуддаги ҳар 400 та оила учун битта «Маҳалла китоби» жорий қилинди. Унда нима акс эттириляпти?

Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, ҳар битта оиладаги аъзолар сони, уларнинг яшаш тарзи, машғулоти, даромади ҳақидаги маълумотлар билан китобни тўлдиришмоқда. Китобда ҳар бир фуқаронинг паспорт маълумотлари, ҳатто СТИР рақами ҳам киритилган. Бу эса исталган пайтда маҳалла фуқароси ҳақида тўлиқ маълумот олишга ёрдэм беради. Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла китоби» оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий даражасини акс эттирувчи кўзгудир. Хўш, бу нимага керак?

Сир эмаски, маҳалла фаоллари яқин йилларгача ўз худудида яшайдиган фуқаролар сонини билгану, унинг касб-кори, даромади, яшаш тарзи ҳақидаги маълумотлардан беҳабар юрган. Ахир, маҳалла тизимида ишласа-ю, ўз аҳолиси рўйхати билан кифояланиб юрса, бу қайси қонунларимизга тўғри келади? Ҳаттоки, маҳалла худудида содир бўлаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан ҳам фаолларимиз беҳабар юришар, бунга қарши кураш олиб бормас эди. Вояга етмаганлар, хотин-қизлар ҳуқуқлари поймол этилган кўнгилсиз воқеаларни маҳалла раиси ҳам, ўринбосарлари ҳам ички ишлар бўлими идораларидан эшитса, уят эмасми? Бошқарма бошлиғи сифатида «Маҳалла китоби» ана шундай камчиликларни бартараф этишга хизмат қиляпти, уни бутун республикамизда йўлга қўйиш керак, деб баралла айта оламан.

Бандлик — муаммолар ечимига калит

Ишсизлик ривожланган давлатларда ҳам учрайдиган ижтимоий муаммо бўлиб, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Пандемия

шароитида ишлаб пул топиш имкониятлари янада торайгани факт. Вилоятимиз аҳолисининг бандлик ва ишсизлик даражаси туманлар, маҳаллалар кесимида ўрганилмоқда. Вазият мақтанадиган даражада эмас. Гарчанд саноатлашган вилоят бўлса-да, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламида ишсизлик ҳолати учрайди. Йил бошидан буён бу масала барча мутасадди ташкилотлар қаторида бошқармани раҳбариятини ҳам ўйлантириб келмоқда.

16 минг 41 нафар кишининг иш билан таъминланиши, шундан 3 минг 146 нафар фуқаронинг бўш иш ўринларига жойлаштирилишида озми-кўпми, ўз ҳиссамизни кўшдик. 3 минг нафардан зиёд фуқаро тадбиркорлик субъектларига бириктирилди, 3 минг 389 нафар ишсиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Хунармандчилик ва тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали 3 минг 862 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашдик. Маҳалла фуқаролар йиғинлари тавсиясига кўра, 2631 нафар оила «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури асосида имтиёзли кредит билан таъминлангани яна бир қадам бўлди.

Аҳоли ўртасида хунармандчиликни, тадбиркорликни, айниқса, томорқа маданиятини тарғиб қилиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Жойларда «Маҳалланинг энг яхши хунарманди», «Энг яхши томорқа эгаси» танловлари ташкил этилди. Натижада одамларнинг томорқага, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгаряпти. Вилоятимиздаги мавжуд 307 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида миллий қадриятимизга айланган «Уста-шоғирд» анъанаси изчил давом эттирилмоқда. Шунга монанд маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилмоқдаки, бу аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида ўз ишининг устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ота-боболаримиз ва момоларимиздан мерос миллий хунармандчилик бардавонлигига эришиш омили бўлмоқда.



Тошкент шаҳрида Янги йил арчасини ўрнатиш ишлари бошланди.

ВА ҲАМИША ИЗЛАНАМИЗ

доирасида ишга туширилган корхоналарда иш билан таъминланди. **14 минг 236 нафари** ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, **2 минг 204 нафари** эса тадбиркорликка жалб этилди. **1 минг 553 нафар** хотин-қизга «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида **40 миллиард 477 миллион** сўм кредит маблағи ажратилди. **254 нафар** аёл «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш фонди» ҳисобидан 4 миллиард 300 миллион сўмлик кредит маблағи билан ўз бизнесини бошлаб олди.

«Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» томонидан **1 минг 505 нафар** хотин-қиз **11 йўналишдаги** касб бўйича ўқитилди ва сертификат берилди. Туман ва шаҳарларда ушбу марказ тренерлари фаолияти йўлга қўйилиб, улар томонидан аёлларга тадбиркорлик, хунармандликни қай тарзда бошлаб олиш бўйича машғулот олиб борилади. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бандлиги таъминланган ва ўз касб-ҳунарини эгаллаб олган аёллар

асосан, бошқармамиз томонидан **жами 762 нафар** хотин-қизга тавсиянома берилди. Шундан **28 нафар** навоийлик қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниб, талабалик бахтига эришди.

Ёшлар тарбиясини бир лаҳза ҳам унутиб бўлмайди

Маҳалла — маънавият ва маърифат ўчоғи. Шундай экан, бу тузилма ёшлар тарбияси учун ҳамиша масъул. Ҳар доим, ҳар нарсадан долзарб бўлган тарбия масаласи пандемия шароитида кенг жамоатчиликни яна ҳам ташвишлантирмоқда. Таълим муассасалари ўз фаолиятини маълум муддат фақат онлайн шаклда олиб борди, мактабгача таълим ташкилотлари ёпилди. «Уйда қолинг!» шиорига, энг аввало, болалар ва ўсмирлар амал қилиши талаб этилди. Бу эса маҳалланинг тарбия борасидаги масъулиятини янада оширди. Касаллик юқтириш хавфига



шиори остида иш олиб борилиб, 28 минг 239 та хонадон, 3 минг 104 та кўча, 484 та қабристон ва 30 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди.

Оммавий ташаббускорликдан ҳеч ким четда қолмади. Ҳар ким кўлидан келганича, имкониятига қараб ободонлаштириш жараёнида иштирок этди. Элимизнинг мамнун бўлганини айтмайсизми? Кимдир уйининг том қисми таъмирланганидан, кимдир девори янгиланганидан, кимдир чала ётган молхонаси ё товуқхонаси битказилганидан хурсанд. Шунингдек, 996 километр ички йўллар таъмирланди, 2086 та чиқиндихона тартибга келтирилди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, дарахтлар оқланди. Худудларнинг кўркамлашуви кўнгилларга ҳам масрурлик бағишлаган бўлса, ажаб эмас.

10 мингтадан ортиқ мурожаат қаноатлантирилди

Жорий йил сайёраамиз аҳли, жумладан, юртдошларимиз учун ҳам синов даври бўлди. Пандемия шароитида ижтимоий ҳимоя масаласи ҳар қачонгидан да долзарб аҳамият касб этди. Карантин чеклови кучайтирилган даврнинг биринчи босқичи, яъни апрель-май ойларида бошқарма қошида ташкил этилган ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига **15 минг 163 та** мурожаат қабул қилиниб, шундан **10 минг 136 таси** ижобий қаноатлантирилди ва марказ томонидан аҳолига умумий қиймати **1 миллиард 15 миллион сўмлик 141,9 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ва 36,2 минг дона дори-дармон ҳамда шахсий гигиена воситалари** етказиб берилди.

Жорий йилнинг 10 июль санасидан бошлаб қайта ташкил этилган ҳомийлик марказларига **10 минг 500 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 8 минг 800 таси ёки 90 фоизи** ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, вилоятда 13 минг 28 та оила камбағаллик рўйхатига олиниб, «Темир дафтар»га киритилди ва айни пайтда бу оилалар билан тизимли равишда иш олиб бориляпти. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка жалб

этиш, бандликни таъминлаш орқали камбағал оилалар сонини қисқартиришга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, «Инқирозга қарши куралиш жамғармаси»дан ажратилган 5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 6832 та камбағал оилага 500 минг сўмдан 1 миллион сўмгача бўлган бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла комплекслари қурилади

Маҳалла фуқаролар йиғинининг обрў-эътибори ошиб, унинг функционал фаолияти янгиланмоқда. Демак, унинг биноси кўркам, замонавий ва ҳавас қиладиган даражада бўлиши лозим. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъекти ва инвесторларни жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини қуриш вазифаси белгиланган бўлиб, бу масала ҳам эътиборимиздан четда эмас.

2020 йилда 13 та маҳалла учун ана шундай комплексни барпо этиш кўзда тутилган бўлиб, пандемия туфайли бу борадаги ишлар биров кечиккан бўлса-да, ҳозиргача 3 та худудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплекси фойдаланишга топширилди, 10 та маҳаллада қурилиш ишлари давом этмоқда. 2021 йилда 30 та, 2022 йилда эса 30 та ана шундай комплексни бунёд этиш режалаштирилган.

Юқорида санаб ўтилган ва таҳлилга тортилган ишлар денгиздан томчи, холос. Каттагина вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монелик қиладиган катта-кичик муаммолар ҳам йўқ эмас. Бошқармамиз томонидан тизимнинг паст-баланд жиҳатлари чуқур ўрганилиб, 2021 йилдаги давлат дастурлари орқали адо этиш вазифалари режалаштирилмоқда. Асосийси, биз ҳаракатдамиз ва маҳаллани халққа янада яқин қилиш йўлида ҳамиша изланамиз.

Холбиби САФАРОВА ёзиб олди.



сонини 21 минг 500 нафардан ошди.

Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни тарғиб этиш тобора долзарб вазифалар қаторига кириб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳалла ташаббуси ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида йил бошидан буён жойларда жами 18 маротаба «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар тарғиботига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Бу эса озми-кўпми, опа-сингилларимизда ҳуқуқий саводхонлик шаклланишига имкон яратди.

Энг қувонарлиси, Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига хотин-қизларни кўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига

қарамай, хонадонма-хонадон юриб, одамларга ишонч бағишлаш, аҳолининг ортиқча ваҳима ва саросимага тушмаслиги учун ҳаракат қилишга интилган маҳалла ходимларидан миннатдоримиз. Улар ёш авлодни бир лаҳза бўлсин, эътибордан четда қолдирмаслик зарурлигини англаб етдилар. Ўқувчи ва талабаларнинг онлайн таҳсил олиши учун етарли шароит бўлмаган тақдирда улар тегишли мутасаддиларга мурожаат қилиб, муаммоларни ҳал этишга эришди. «Ёш китобхон», «Китобхон оила» кўрик-танловлари ташкил этилиб, келажак авлод маърифатга, маънавиятга ошно қилинди.

Маҳалла обод — юрт обод

Одамлар давлат ва ҳукуматдан рози бўлиб яшаши лозим. Бугун Ўзбекистонда ана шу мақсад оммавий шиорга айланиб бормоқда. Бунинг учун, даставвал, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш зарур. Жорий йилда барча маҳаллаларимизда «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман»



11 ой давомида табиатга 9 787,2 млн сўм миқдорида зарар етказилган.

АҲОЛИДА ТАДБИРКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК ВА ШАРОИТ

Хаммамиз маҳаллада яшай-миз. Яхши кунларимиз, турмуш ташвишларимиз эл билан бирга. Меҳр-оқибат, аҳиллик, тинчлик, ватанпарварлик каби эзгу тушунчалар онгу шууримизга маҳаллада сингган. Ватан — маҳалладан бошланади, дея бежиз айтилмаган.



Долли АЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғи.

Президентимиз раҳнамолигида маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, унинг вазифалари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу институтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кенгаймоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг ҳар бир вилоят ёки шаҳарга ташрифи, ўша ҳудудлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаётганидан сезиш мумкин. Бу уларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилашга, катта бунёдкорликларнинг юзага келиши, одамлар онгида жиддий янгиликларнинг бўй кўрсатишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, шаҳарларнинг замонавий ва миллий асосда қайта қурилиши, янги даҳалар, мавзелар, кўчаларнинг барпо этилишига асос яратилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда улкан ўзгариш ва янгиликлар туфайли Қашқадарё вилояти шаҳару қишлоқлари ҳам кўркам, обод ва муаззам қиёфа касб этаётир. Шу кунларда ҳам вилоятнинг қай бир маҳалласига борманг, янги ва замонавий иншоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз.

Айниқса, ўтган 2-3 йил мобайнида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида шаҳар, қишлоқларнинг янги, обод ва янада кўркам қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида талай ишлар қилинди. Биргина жорий йилда вилоятимизда 1 минг 460 та квартиралари уй-жойлар қурилмоқда. Шундан 994 та квартира муҳтож



оилаларга берилади. Келгуси йилда эса камида 2 минг квартиралари уй-жойлар қуриш назарда тутилган.

15 мингта иш ўрни яратилади

Маълумки, мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомаш-ёсининг 13, қазиб олинаётган газнинг 64, нефтнинг 67, газ конденсатининг 87 фоизидан ортиғи, шунингдек, ғалла ва мева-сабзавотнинг катта қисми Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Авваллари вилоят, асосан, хомашё етиштириб берувчи ҳудудга айланиб қолганди. Бугун ҳудудда бир нечта йирик ишлаб чиқариш корхоналари қад ростламоқда. Шунингдек, вилоятимизда 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати 28 триллион сўм (2,8 миллиард доллар) бўлган 950 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг ҳисобига 15 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларга, биринчи навбатда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар жойлаштирилади.

Ҳар йили 35 минг нафар меҳнат мигрантига иш топиб берилади

Камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож ва ишсиз аҳоли билан тизимли ишлашни ташкил этиш мақсадида «темир дафтар»даги 11 минг 800 та оилани камбағалликдан чиқариш, ушбу оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 14 минг 600 нафар аъзосини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

«Темир дафтар»да қоладиган 4 минг 400 та ногиронлиги бор, якка-ёлғиз ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳолидан доимий хабар олиниб, уларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ёрдам кўрсатилади.

«Маҳалла — меҳнат органлари — сектор — Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали» тизими

асосида жорий йилда 25 минг нафар хориждан қайтган фуқаро ишга жойлаштирилди. Бу борада маҳаллалар билан ҳамкорликда четта чиқиб кетган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, уларни юртларига қайтишлари учун тизимли ишлар олиб борилмоқда.

2021 йил 1 январгача Қарши шаҳри марказида ишсиз аҳолига хизмат кўрсатувчи «Ишга марҳамат» мономаркази қурилади. Марказни қуриш, қайта таъмирлаш, жиҳозлаш Инқирозга қарши куралиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бажарилади. Бу ҳам келгусида вилоятимизда ишсиз фуқаролар сонини камайишига асос бўлади.

Ҳудудларнинг «ўсиш нуқталари» ишга солинади

Маълумки, вилоятимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос табиий иқлим шароити ва имкониятларига эга. Ривожланиш истиқболларини мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб белгилаш эса ижобий натижани кафолатлайди.

Шу мақсадда Ғузор ва Муборак туманларида нефть-газ-кимё sanoati соҳасида кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилади, соя етиштириш кўпайтирилади. Бунинг ҳисобига вилоятда паррандачилик учун озуқа базаси шакллантирилади.

Чироқчи ва Деҳқонободда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. Писта, коврак, узумчилик ва тоғолди боғдорчилиги ҳамда чорвачилик ривожлантирилади. Нишон, Миришкор ва Касби туманларида пахта-ғалла етиштиришнинг иқтисодий самардорлигини ошириш ва уларни қайта ишлаш устувор йўналиш, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида sanoat, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси «ўсиш нуқталари» этиб белгиланди.

Мингта уй-меҳмонхона ташкил этилади

Яна бир эътиборли жиҳати, кўҳна тарихий мажмуалар, ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар қилинаётир. Чунончи, этнотуризм (Шаҳрисабз туманидаги Ғилон ва Кўл қишлоқларида), агротуризм (Китоб туманидаги Варганза ва Ҳазрати Башир қишлоқларида), экстремал туризм (Яккабоғ туманидаги Татар, Зармас ва Вори қишлоқларида), экологик туризм (Шаҳрисабз туманидаги Сарчашма ва Сувтушар қишлоқларида), астрономик туризм (Китоб кенглик станцияси ҳудудида) ва «Фестиваллар шаҳри» бренди остида



ИШТИЁҚИНИ УЙҒОТИШ, ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

МІСЕ-туризмни (Шаҳрисабз шаҳрида) ривожлантириш мақсад қилинган. Лекин ҳудудларда бунинг учун замонавий шароит ва инфраструктура етарли эмас.

Шундан келиб чиқиб, йўлларни таъмирлаш, электр энергияси билан кафолатли таъминлаш чораларини кўриш, ичимлик суви олиб келиш ва локал канализация тармоқларини қуриш учун махсус жамғарма ташкил этилади. Ўз навбатида, оилавий тадбиркорликни молиялаштириш механизми асосида мингта уй-меҳмонхоналар ташкил этилади. Бу 3 мингта янги иш ўрни яратилади, деганидир.

Президентимиз вилоятга қилган ташрифи давомида Қашқадарёни ривожлантиришнинг асосий йўналиши – аҳолида тадбиркорлик иштиёқини уйғотиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ва тегишли шарт-шароит яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, 2021 йил вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш йили, деб эълон қилди.



Унга асосан, махсус дастур ишлаб чиқилиб, туман ва шаҳарларга банкларнинг раҳбарлари бириктирилади. Бунда ҳар бир банк аҳолида, биринчи навбатда, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун ўз биносида доимий ўқишларни ташкил этади, тадбиркорларнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқади ва кредит ажратади.

Маҳсулот етиштиришда янги тажриба оммалаштирилади

Қашқадарё халқи азалдан меҳнаткаш, деҳқончиликнинг ҳадисини олган, ерни яхши кўради. Жорий йилда вилоятда 857 гектар майдонда картошка, 4,1 минг гектарда сабзавот, 1,8 минг гектарда поллиз, 8,2 минг гектарда бошқа экинлар экилди. 5,2 минг гектарда август-сентябрь пиёзи ва саримсоқпиёз етиштирилди.

Жорий йил вилоятимиздаги 771 та маҳалланинг 52 таси намунали маҳаллага айлантирилди. Ушбу ма-

ҳаллардаги хонадонлар 7,6 минг гектар экин майдонига эга. Бу фуқаролар йиғинларида иссиқхона ва дала дўконлари қуриб битказилган. Шунингдек, 57 фоиз маҳаллалар «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойилига ихтисослаштирилиб, 25028 та хонадон томорқасидан 2-3 мартагача ҳосил олмақда.

Ҳозирги мураккаб шароит бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида вилоятимизда келгуси йили ҳар бири минг бошга мўлжалланган 12 та қорамолчилик, 200 бошдан 14 та туячилик лойиҳаси ишга туширилади.

Хотин-қизлар – доимо эътиборда

Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам диққат марказимизда. «Аёллар дафтари»га киритилган яна 13 минг 400 нафардан зиёд хотин-қиз бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ижтимоий

ҳимояга муҳтож 2 минг 815 нафар аёлнинг турмуш шароити яшиланди. Мингта яқин хотин-қиз «устоз-шогирд» аънаналари асосида хунармандчиликка жалб этилди. Оғир турмуш шароитида яшаётган уй-жойга муҳтож 122 нафар хотин-қизларга уй-жой олишда ёрдам берилди.

Шунингдек, вилоят Бандлик бош бошқармаси билан аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсиз фуқаролар ҳамда ёшлар учун «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури» ишлаб чиқилди. Мазкур ташаббусда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар рўйхати шакллантирилди.

Оғриқли нуқта...

Оғриқли нуқталаримиздан бири – хотин-қизлар жиноятчилигидир. Жорий йилнинг шу даврида 104 та жиноят хотин-қизлар томонидан содир этилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (74 та) 30

тага кўпдир.

2020 йилнинг 10 ойи давомида ички ишлар бўлимлари томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган 586 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. Олиб борилган тушунтириш, тарғибот ва яқка тартибдаги амалий ишлар натижасида 450 та ҳимоя ордери олган оилалар мурасага келтирилиб яраштиришга эришилди.

Оилага, маҳаллага бефарқлик бизга ярашмайди

«Бир болага етти маҳалла – ота-она» деган пурҳикмат мақол миллатимизнинг олижаноб қалби ва бағрикенг, болапарвар табиатидан далолат беради.

Боланинг бегонаси бўлмаганидек, таълим-тарбия, тинчлик-осойишталик масалаларида ҳам «менга дахли йўқ» деган инсон ёки соҳа бўлиши мумкин эмас. Бундай лоқайдлик ҳаммамизга қимматга тушади. Модомики, маҳалла барчамизнинг умргузаронлик қиладиган маскан экан, у кеча-кундуз кўз ўнгимизда, қувончу ташвишларимизга шерик, турмушимизга кўзгу бўлиши керак.

Вилоятимизда ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур

тиб борилмоқда. Маҳаллаларда ўтказилаётган китоб ҳафталикларида ёшларнинг интилишини кўряпмиз. Демак, бу интилишни рағбатлантириш керак. Бугун чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам кутубхоналар ташкил этилмоқда. Чунки мутолаага ошнолик нафақат маънавиятни юксалтиради, фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини бойитади, дунёни танитади, эзгулик ва адолат сари етаклайди.

Шу сабабли ёшларимизнинг китобга қизиқишини ошириш, мутолаа завқини уйғотиш, маҳалла ва ҳар бир оилада китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида таълим муассасалари, олис қишлоқларда кўчма кутубхоналар ташкил этилиб, китоб савдоси, ярмарка, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилапти. «Бадий асарлар билимдони», «Менинг биринчи китобим», «Мен ўқиган китоблар», «Мен китобни нечун севаман?», «Энг ёш ва фахрий китобхон» каби ижодий беллашувлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида эса «Энг намунали маҳалла кутубхонаси», «Энг китобсевар маҳалла» кўрик-танловлари эзгу мақсадларимиз атрофида китобсеварларни тўплашда асқатаётир.

Прокурор ва депутатлар зиммасига юкланган янги вазифа

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида жорий йилда 771 та маҳаллада 338 тасида жиноят содир этилмади. Бироқ 222 та маҳаллада жиноятлар сони ошган.

Шундан келиб чиқиб, криминоген вазият оғир 92 та маҳаллага Миллий гвардия ходимлари бириктирилди. Улар профилактика инспекторлари билан ҳар бир маҳаллада жиноятга имкон берувчи омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш бўйича ишляпти.

Эндиликда жиноятчиликни жиловлаш мақсадида прокурорлар ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ва криминоген вазиятни таҳлил қилиб, ҳар ойда тегишли сектор раҳбарига тақдимнома киритиб боради. Депутатлар эса ойда камида 1 марта халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида «маҳаллабай» профилактика ишлари аҳолини муҳофама қилиб, тегишли чораларни белгилайди.

Умуман олганда, Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ўтаётган йилда яхши натижаларга эришди. Аммо камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бундан кейинги фаолият учун аниқ чоралар режасини ишлаб чиқяпмизки, натижалар кутилганидан ҳам яхши бўлсин. Боиси инсонлар эртага эмас, айнан бугун бахтли яшашлари лозим.

“**Оғриқли нуқталаримиздан бири – хотин-қизлар жиноятчилигидир. Жорий йилнинг шу даврида 104 та жиноят хотин-қизлар томонидан содир этилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (74 та) 30 тага кўпдир.**”

ўрганиш ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қарши давлат университети рўпарасида ҳамда Деҳқонobod туманида тадбиркор Шоди Раҳимов ташаббуси билан қурилган ахборот кутубхона маркази қошида китобга ҳайкал ўрнатилгани қайсидир маънода мамлакатимиз бўйлаб ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида олиб борилётган кенг кўламли ишларнинг манتيқий давоми бўлди.

Бугун ҳар бир мактабда кутубхона бор, уларнинг фонди бойи-

Самарқанд вилояти ўзининг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳамда илмий салоҳиятига кўра, мамлакатимизда етакчи ўринда турадиган ҳудудлардан бири. Айтиш пайтда бу ерда 1097 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда.



Асқар УМАРОВ,
Самарқанд вилояти ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғи.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниб, тизимда туб ислохотлар бошланганига ҳам 10 ой бўлди. Демак, ортга бир бор қараб, амалга оширилган ишларни кўздан кечириш, уларга баҳо бериш вақти келди.

Агар таъбир жоиз бўлса, маҳаллани ўзига хос бир кичик мамлакат дейиш мумкин. Чунки унинг ўз ҳудуди, чегараси, аҳолиси ва ўзига яраша муаммолари бор. Тан олиб айтишим мумкинки, бундай муаммолар вилоятимиздаги фуқаролар йиғинларида ҳам мавжуд. Жумладан, жорий йилнинг бошида 37 мингдан ортиқроқ камбағал оила мавжуд эди. Шу боис фаолиятимизнинг дастлабки кунлариданоқ асосий эътиборни шу оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, одамларни иложи борича иш билан таъминлашга, хотин-қизларни касбга ўқитишга қаратдик.

Мавжуд фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг асосида баҳолашда мазкур йўналишларни энг асосий мезонлардан бири сифатида белгилаб олдик. Рейтинг баҳолашнинг якуний натижаларига кўра, мавжуд 1097 та фуқаролар йиғинидан 226 таси ёки 20,6 фоизининг фаолияти «намунали» баҳоланди. Шунингдек, 504 та (45,9 фоиз) маҳалла фаолияти

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ



«яхши» ҳамда 338 та (30,8 фоиз) фуқаролар йиғинининг фаолияти «қониқарли» баҳоланган. 29 та (2,6 фоиз) маҳалла фаолияти эса «қониқарсиз» баҳо олган.

Вилоят меҳнат ва бандлик бошқармасининг 16 та туман ҳамда шаҳарлардаги ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда уйма-уй юриш орқали ўзини ўзи банд қилишни таъминлаш мақсадида ёрдамга муҳтож оилалар, хотин-қизлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 73 минг 619 нафар шундай фуқаро аниқланди. Шунингдек, ишсизлик даражаси юқори бўлган 954 та маҳалла рўйхати шакллантирилди.

Барча муаммоларнинг бош илдизи — ишсизлик

Айтиш жоизки, маҳаллалар ва оилалардаги муаммоларнинг бош илдизи — ишсизлик. Шуни ҳисобга олган ҳолда асосий эътиборни мазкур масалага қаратдик.

Аёлларни касбга ўқитиш бўйича жами 4 минг 433 нафар талабгор рўйхати тузилган бўлса, шундан 1 минг 312 нафари касб ўрганиш истагини билдирган хотин-қизлар, 346 нафари эса тадбиркорлик қилиш мақсадида бизнес-лойиҳаларини тақдим этган аёллардир. Касб ўрганиш истагини билдирган аёллар учун маҳалла бинolari, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар мактабларида алоҳида ўқув хоналари ташкил этилди. Мазкур ўқув марказларида 1 минг 797 нафар ишсиз хотин-қизлар ўқитилиб, уларга тегишли малака ва кўникмалар берилди.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалардаги 1 минг 156 нафар аёлга жами 25,6 млрд. сўмдан зиёд миқдорда, шу жумладан, хунармандчилик учун 55 нафар хотин-қизга 7 млрд. 909 млн. сўм, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз 69 нафар аёлга 1 млрд. 500 млн. сўм миқдоридаги субсидия

ажратилган.

Аниқланган 47 минг 770 та камбағал оиланинг ҳар бири билан индивидуал суҳбат ўтказиш, уларнинг ҳолати, имконият ва қизиқिशларини ўрганиш асосида ҳар бир маҳаллада манзилли ишларни ташкил этишга қаратилган индивидуал «йўл хариталари» ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, вилоятдаги эҳтиёжманд оилалардаги 2 минг 517 нафар кам таъминланган, 2 минг 139 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда 9 нафар меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган фуқаролар бандлиги тўла таъминланди.

Комиссиялар энди қоғозда эмас, амалда ишляпти

Илгари қоғозда «фаолият» кўрсатган қатор комиссиялар тугатилди. Вилоятдаги барча маҳаллаларда 30 кишидан иборат оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди ва бу комиссияга психологлар, дин уламолари, нуруний онахон ва отахонлар жалб қилинди. Мазкур комиссиялар иштирокида йиғинларда тўй-ҳашамлар, таваллуд кунлар ва марҳумлар хотираси билан боғлиқ маросимларни ихчамлаштириш, исрофгарчилик ҳамда бидъат ва хурофотларнинг олдини олишга қаратилган 1 минг 250 та тадбир ташкил этилди.

Самарқанд вилоятининг 2 та шаҳар ва 14 та туманида «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолият юритиб келмоқда. Реабилитация марказлари томонидан «Маиший зўравонлик қурбонига айланма!» мавзусида маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Марказларда

жорий йилнинг ўтган даврида 300 нафар шахсга психологик ёрдам, 67 нафар кишига тиббий ёрдам, 253 нафар фуқарога ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизларга таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида оилаларда ушбу ҳолатларни содир этишга уриниш аниқланганда, маҳалла фаоллари томонидан профилактика инспекторига хабар бериш тизими йўлга қўйилди. 321 нафар таълим ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери берилди. 552 та ажралиш ёқасига келиб қолган оила яраштирилди, 885 та оиланинг никоҳи қонунийлаштирилди.

«Эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш», «Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш», «Никоҳ – муқаддас ришта», «Оила – бахт ва саодат кўрғони» каби мавзуларда ўтказилган 750 та тадбир оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кези келганда айтиш жоизки, хотин-қизлар ва оила муаммоларини ҳал этишда қуруқ тадбир-бозлик билан чекланиб қолиш ярамайди. Бу юмушлар тизимли равишда амалга оширилсагина ўзининг ижобий самарасини кўрсатади. Шунинг учун вилоятимизда бу борадаги юмушлар доимийлик касб этмоқда.

Нурунийлар тажрибаси — сабоқ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги «Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳозиргача 850 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида доимий ишлайдиган «Саломатлик гуруҳлари» ташкил қилинди. Шунингдек, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Нурунийлар жамоатчилиги кенгашлари, ҳар бир маҳаллада «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ташкил қилинди. Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида кекса авлод вакиллари иштирокида «Хонадон файзи», «Ибрат мактаби» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ёш қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларнинг олдини олишга қаратилган «Бувижонлар мактаби» жамоатчилиги кенгаши



Ўзбекистон қиймати 4,5 млн. АҚШ долларилек қуритилган сабзи экспорт қилган.

ВИЖДОНИ УЙҒОҚ, ТАФАККУРИ ЮКСАК, БЎЛИШИ КЕРАК

аъзолари иштирокида «Онахонлар ўғитлари» мавзусида учрашувлар ўтказилди. Худуддаги маҳаллаларда 1041 та «Маҳалланинг ораста қизлари» тўғараги ташкил этилди. Қолган 56 та маҳаллада ҳам «Ораста қизлар» тўғараги ташкил этилмоқда.

Тўғарақларда онахонлар, устозлар билан маслаҳатлашиш орқали авлодлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, «оммавий маданият»нинг миллий қадриятларимиз ва маънавий бойлигимизга келтирадиган зарарларига қарши тарғиботни кучайтириш, ота ва она, буви ва бува, ака ва ука, опа ва сингиллар орасидаги ҳурмат ва иззат каби қадриятларни сингдиришга эътибор қаратилмоқда.

«Ҳа» деган туяга мадад

Ҳозирги кун ҳолатига қадар 75 минг 414 та оилага жами 56 млрд. 415 млн. сўм миқдорида қўмак кўрсатилди. Шундан 25 минг 165 та оилага озиқ-овқат



маҳсулотлари, 274 та оилага нақд пул, 416 та оилага дори-дармон, 1 минг 573 та оилага чорва моллари етказиб берилди. Шунингдек, 898 та оилага 1 млрд. 494,7 млн. сўм миқдорида бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Юртбошимизнинг 2020 йил 26 августдаги тегишли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 31 минг 760 та эҳтиёжманд оиладаги жами 71 минг 660 нафар 16 ёшга тўлмаган болага бир марталик пул тарқатилди. Тўғри, бу ёрдамлар оила учун унчалик катта маблағ бўлмаслиги мумкин. Аммо халқимизда «Ҳа» деган туяга мадад» деган бир мақол бор. Пандемия шароитида иқтисодий ночор оила учун берилган игнадай маблағ ҳам унинг аъзолари кўнглини тоғдай кўтариши турган гап.

«Бир маҳалла — бир маҳсулот»

Вилоятда «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида жами 96 та маҳаллани ихтисослаштириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 83 та маҳаллада бу ишлар амалга оширилди. Жумладан, сабзотчиликка 8 та, картошқачиликка 22 та, боғдорчиликка 45 та, лимончиликка 1 та, чорвачиликка 16 та ва паррандчиликка 1 та маҳалла ихтисослаштирилди. Хусусан, Каттақўрғон туманидаги бешта маҳаллада 489 гектар ер қулупнайчиликка, Иштихон туманидаги олти та маҳаллада 1 минг 393 гектар узумчиликка, Пайариқ туманидаги тўққизта маҳаллада 595 гектар узумчиликка, Жомбой туманидаги тўртта маҳаллада 218 гектар картошқачиликка ихтисослаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Экиш ишларини ўз вақтида сифатли қилиб тугаллаш ҳамда ердан самарали фойдаланиш, камида 2-3 марта ҳосил олиш бўйича барча тумандаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан

маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда маҳалла раисларининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарларининг мутасадди ташкилотлар қўйи тузилмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, вазифаларини аниқ белгилаш, ўзаро маълумот алмашувини таъминлаш тизимини жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла хонадонларида чорвачилик билан шуғулланадиган хонадонлар сони 458 минг, паррандчилик билан 179 минг, қуёнчилик билан 58 минг, асаларичилик билан 7,5 минг, балиқчилик билан 830 дан зиёд таъкил этилади. Бу оилаларда қўшимча даромад манбаини шакллантиришга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.



Бошпанасиз йиғинлар масаласи нима бўляпти?

Бошқарма томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини бино билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2020-2022 йилларда қурилиши режалаштирилган 108 та маҳалла биносидан 98 тасининг қурилишига асос солинди. Хусусан, Самарқанд шаҳрида 2 та («Имом Восе», «Али Қушчи»), Нарпай туманида 1 та («Саловат»), Оқдарё туманида 1 та («Ойтамғали»), Иштихон туманида 9 та («Боғбон», «Ўзбекистон», «Халқобод», «Бешариқ», «Сўғот», «Бўронхўжа», «Одил», «Кўнғирот», «Йўғонтепа») маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йиғинларнинг 76 тасида янги бино қуриш жараёнига жадал киришилди. 53 тасида қурилиш ишлари охирига етказилмоқда. Жумладан, Нарпай туманида 5 та, Каттақўрғон туманида 6 та, Жомбой туманида 3 та, Оқдарё туманида 3 та, Пайариқ туманида 2 та, Ургут туманида 5 та, Иштихон туманида 8 та иншоот қурилиши охирига етказилмоқда. Булунғур туманида 1 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси ҳомийлар ва ҳашар йўли билан тикланмоқда.

Ўз хизмат биносига эга бўлмаган 140 та (шу жумладан, маҳалла раисининг шахсий хонадонидан фаолият кўрсатаётган 4 та, қўшни маҳалла биносидан жойлашган 6 та) фуқаролар йиғинларини худуддаги етарли шароитга эга бўлган бўш биноларга жойлаштириш ҳамда биноларни маҳалла балансига ўтказиб бериш, самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилмоқда.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда компьютер техникаси мавжуд бўлмаган 442 та маҳалла компьютер жамланмаси билан таъминланди. Компьютер техникаси ишламайдиган йиғинларнинг 416 тасига техник ускунаси, 299 та маҳалланинг яроқсиз ҳолга келиб қолган мебель жиҳозлари янгилаб берилди.

* * *

Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари билан маҳалла раисларининг мақоми оширилиб, ваколатлари кенгайтирилди. Энди бугунги маҳалла

раиси ўз худудидан «ҳоким» бўлиши керак. Нега деганда, бошқарувнинг ушбу бўғинида маҳалла раисидан бўлак давлат ҳокимияти вазифасини бажарадиган шахс йўқ. Бу ўринда маҳалла раисининг асосий вазифаси — қонунчиликда ўзига юклатилган ваколатлардан тўғри фойдаланиб, фаолларни, бутун маҳалла аҳлини хайрли ишларга сафарбар этиш, орқасидан эргаштира олишда.

Биз «Маҳалла раиси қандай бўлиши керак?» деган саволга эски қолипдаги жавобни, унинг фаолияти мазмунига нисбатан аввалги тушунчани мутлақо ўзгартиришимиз зарур. Маҳалла раиси, аввало, жамият олдида қўйилаётган мақсад ва устувор вазифаларни ўзи раҳбар бўлган худудда амалга ошириш учун шижоат, ақл-идрок, вазминлик, теранлик ва донишмандлик хислатларига эга бўлиши лозим.

Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда, маҳалла раисининг доимо виждони уйғоқ, тафаккури юксак ва дунёқараши кенг бўлиши зарур.

Маҳалла жамиятнинг ҳам кўзи, ҳам қулоғи, ҳам уйғоқ виждони бўлиши керак. Дунёда юз бераётган турли нотинчликлар даврида маҳалла фаолларидан доимо хушёрлик ва сергаклик талаб этилади. Маҳалла худудидан ҳар хил ёт-ғоялар таъсирига берилувчи оилалар, ёшлар бўлмаслиги учун тизимли равишда чора-тадбирлар ва тарғибот ишларини олиб бориш зарур.

Бир нарсани яхши тушуниб олиш лозим — ҳар бир оилага кириб, одамларнинг дардини эшитиш масаланинг бир томони. Энг муҳими эса, аниқланган муаммо ва камчиликларга ўз вақтида ечим топиш. Нега деганда, одамлар маҳалла раисига давлат вакили сифатида ишонади, умид қилади. Агар муаммоси ҳал бўлмаса, иккинчи марта шу оилага борилганда «Нимага келдингиз, барибир ҳеч нарсани ҳал қилиб бермас экансиз-ку», деб айтиши табиий ва ўринли. Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши керак: мана шундай мураккаб шароитда, раҳбар сифатида ҳар биримиз ўз ўрнимизда мавжуд муаммоларни ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ҳал этсақгина, халқимиз биздан рози бўлади.



Наманганда «Нурафшон» кичик саноат зонасига тамал тоши қўйилди.

Жамиятни бутун бир организм деб ҳисоблайдиган бўлса, маҳалла ва оила тизими унинг энг кичик қон томирларидир. Агар улар яхши қон ўтказмаса, бошқа томирларнинг ишлаши ҳам сустлашади, натижада жамият тараққиётига болта урувчи иллатлар келиб чиқади. Шу боис аҳоли дарду ташвиши, камчиликларини катта муаммоларга айланмасдан туриб, маҳалланинг ўзидаёқ ҳал этиш даркор.

Бу борада Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг қуйи тузилмалари томонидан маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталигини таъминлаш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, ажралишлар, оилавий низо-ларни бартараф этишда муҳим вазифалар бажариб келинмоқда.

Дарҳақиқат, бугун вазирлик орқали жойлардаги муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилди. Бу ташаббуслар замирида эса фақат бир мақсад – шу юртда яшаётган одамларни ҳаётдан, давлатдан рози қилиш, халқимизнинг бахтли яшашини таъминлаш мужасамдир. Бу, бежиз эмас, албатта. Чунки жамиятда адолат ва ҳақиқат чинакамига қарор топгандагина халқ ҳаётдан рози бўлиб, ўтган ҳар бир кунига шукрона келтиради.

Бугун сирдарёликларнинг юз-кўзида қувонч, сўзида шукроналик, қалбида фахр туйғуси жўш уриб турибди. Бу нимадан дарак?! Албатта, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган одилона ислохотларнинг натижасидир.

Сирдарё вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари ҳам маҳалла фаоллари билан бирдамликда ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш орқали аҳолини бугунги кундан рози қилиш борасида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бироқ қутилмаган офат ва

МАҲАЛЛА – ВАТАН ИЧРА

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЭСА ҲУДУД ОБОДЛИГИ,



Ўлмасжон МАМАДАМИНОВ,
Сирдарё вилоят ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.

талафотлар сирдарёликларни катта синовдан ўтказди. Уларни икки қарра кўпроқ меҳнат қилишга, изланишга, янги ташаббуслар билан тезкор ҳаракат қилишга ундади.

Президентимиз сирдарёликларни ёлғизлатиб қўймади

Маълумки, жорий йилнинг май ойида Сардоба сув омбори тўғонидан сув тошиб, Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги бир қанча аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари, қишлоқ хўжалиги экинлари жиддий талафот кўрди.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари шу куннинг ўзидаёқ воқеа жойига бориб, одамларни тинчлантириб, уларга «Ҳеч нарсадан чўчимаңлар, орқаларингда давлат турибди, мен турибман», деб айтган сўзлари сирдарёликларда эртанги кунга катта ишонч уйғотди. Бир сўз билан айтганда, Сардоба воқеаси халқимизнинг олижаноблик, меҳмондўстлик ва бир бутунлилик хислатлари ҳамоҳанг эканини яна бир бор намоён этди.

Бевосита Президентимизнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан юз берган фавқуллодда ҳодиса оқибатлари зудлик билан бартараф этилиб, қисқа муддатларда авария-тиклаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 1830 та уй Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мутасаддилари томонидан таъмирланиб аҳолига топширилди. Тошқиндан жабр кўрган фуқароларнинг 4543 нафарига 40 млн. сўмлик, 252 нафарига эса 20 млн. сўмлик пластик карталари очилиб, маблағлари тушириб берилди. Шунингдек, оилаларга

15 574 та маиший техника воситалари (музлаткич, телевизор, электр плита ва бошқалар) тарқатилди.

Шунингдек, Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» маҳалласи ҳудудида янги қуриб битказилган кўп қаватли уйлardan иборат массивни ўз ичига қамраб олган «Янги Ўзбекистон» ҳамда Оқолтин туманидаги «Саховат» маҳалласининг талафот кўрган 130 хонадонидан иборат Садвин қишлоғида «Янги Тошкент» деб номланган янги маҳаллалар ташкил этилиб, ушбу маҳаллага зарур жиҳозлар билан таъминланган замонавий бино ажратилди.

Қувонарлиси, Мирзаобод туманидаги «Янги Ўзбекистон» маҳалласида 800 та хонадондан иборат 40 та кўп қаватли уй, «Навбахор» маҳалласида 360 та хонадондан иборат 9 та кўп қаватли уй, Сардоба туманидаги «Дўстлик» маҳалласида 1480 та хонадондан иборат 37 та кўп қаватли уй қурилди. Ҳозирда мазкур уй-жойларни ўз эгаларига топшириш жараёнлари кетяпти.

Коронавирус туфайли ижтимоий ҳимояга нисбатан ёндашув ўзгарди

Пандемия сабаб юртимизда ўрнатилган карантин туфайли доимий даромадидан маҳрум бўлган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган ҳамда камбағал оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга шахсан Муҳтарам Юртбошимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб, ҳар қандай оғир шароит бўлмасин, ҳар қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, ҳеч бир фуқаро ўз ҳолига ташлаб қўйилмади.

Қолаверса, юртимизда карантин даврида йўлга қўйилган «Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари» ўтган қисқа вақт давомида ўзини оқловчи эзгу ташаббус сифатида халқимиз кўнглидан мустаҳкам жой эгаллади. Сирдарё вилоятида ташкил этилган ана шундай марказ фаолияти давомида 9822 та турли хилдаги мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 9366 таси озиқ-овқат ажратиш бўйича, 167 таси дори-дармон бўйича бўлса, 256 таси бошқа мурожаатлардир. Уларнинг 6725 таси қаноатлантирилиб, аҳолининг мурожаати-га асосан, озиқ-овқат ва дори-

дармон маҳсулотлари етказиб берилди.

Ўзбекистонда пандемия даврида маҳаллаларда муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун йўлга қўйилган «темир дафтар» тизими кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган, доимий ишсиз, карантин туфайли ишсиз қолган ҳамда оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқаролардан иборат аҳоли қатламларига ҳар томонлама кўмак беришда муҳим ташаббус бўлиб хизмат қилди.

Энг асосийси, «темир дафтар»да умумий кўрсаткичлар эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси ва унинг ечимлари номма-ном акс этгани, энг катта мақсад эса мазкур рўйхатга киритилган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминлаш ва шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш белгилангани аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 4535 та оила кам таъминланган, 267 та нотинч, 2860 та боқувчисини йўқотган оилалар, 23989 нафар ногиронлиги бўлган шахслар, 397 нафар ёлғиз кексалар, 500 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида тизимли ишлар олиб борилмоқда. «Темир дафтар»га киритилган 17 минг 952 та оиланинг 4 минг 867 таси «темир дафтар»дан чиқарилди. Шунингдек 500 нафар оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизларнинг 387 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шароити яхши бўлмаган маҳаллада иш самарадорлиги ҳам паст бўлади

Фуқаро муаммосини айтиш, дардига дармон истаб, энг аввало, қайси ташкилотга мурожаат қилади? Албатта, у йиғин идорасининг эшигини қоқди. Аммо маҳалла раисининг доимий иш фаолиятини олиб бориши учун зарур шарт-шароит етарли бўлмасачи? Ёки муқим жойи, ўз биноси бўлмасачи?

Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларига етарли иш шароитини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, улар-



2020 йилнинг 10 декабригача пойтахт метрополитенининг барча вестибюллари босқичма-босқич очилади.

КИЧИК БИР ВАТАН ТИНЧЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИГА МАСЪУЛДИР



нинг моддий-техник таъминоти яхшиланмоқда. Жумладан, 9 та маҳалла биноси янгидан қурилиб, 1 таси реконструкция қилинди. Яна 5 таси жорий таъмирланиб, 97 та бино фуқаролар йиғинлари балансига ўтказилди. Шунингдек, 33 та фуқаролар йиғинининг коммунал тўловлардан қарийб 54 млн. сўм қарздорлиги қоплаб берилди. Бундан ташқари, 14 та фуқаролар йиғини компьютер, 24 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Сайхунобод туманидаги мавжуд 19 та маҳалла фуқаролар йиғинлари 2020 йил январь ойига қадар умумтаълим мактаблари ҳамда фаолияти тугатилган қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритиб келаётган эди. Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида мавжуд 19 та маҳалланинг барчасида туман маҳаллий бюджет даромадларининг орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан замонавий шароитларга эга бўлган «Маҳалла маркази» биноларининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Маҳалла маркази» биноларининг 7 таси, яъни «Иттифоқ», «Фаровон», «Гулбулоқ»,



«Нурли йўл», «Гулистон», «Олғабос» ва «Ўрикзор» маҳаллаларидаги «Маҳалла маркази» бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Қолган 12 та «Маҳалла маркази» бинолари 2021 йилнинг биринчи чорагида тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

«Маҳалла маркази» биноларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарлари учун алоҳида хизмат хонаси ҳамда маҳалла учун кутубхона, ёшларни компью-

тер саводхонлигига ўқитиш учун ўқув хоналари ва ҳовлисида спорт билан шуғулланиш учун спорт майдончаси ҳам мавжуд.

Яқинда Республика ишчи гуруҳи аъзолари ана шундай маҳаллалардан бири — Сирдарё туманидаги «Ҳикматли» маҳалласининг янги биноси очилишида иштирок этишди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъуллари ҳамда туман ҳокими иштирокида ҳаворанг лента қирқилиб, маҳалла биноси кўздан кечирилди.

Маҳалла раиси ҳамда унинг ўринбосарига Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалари топширилди. Замонавий қиёфага эга, янги бино Сирдарё тумани ҳокимлиги томонидан 50 млн. сўм ҳомийлик маблағлари, шунингдек, маҳалла фаолларининг ҳашар йўли билан қад ростлади.

Эътиборлиси, жойларда «маҳалла ва мактаб» ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида ушбу «Маҳалла маркази» биноларининг барчаси умумтаълим мактаблари ҳудудида барпо этилмоқда.

Рейтинг баҳолаш натижаси қандай бўлди?

Қачон маҳалла раиси юқори натижалар кўрсатиб ишлай олади?! Қачонки, фаолиятида шахсий намуна кўрсатган ҳолда, қатъий интизом, талабчанлик ва бағрикенглик тамойилларига риоя қилса, ўз ҳудудининг чинакам етакчисига айлана олади.

Фаолиятимизда ана шундай маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳодимларига етарли иш шароитини яратиш билан бирга, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяёмиз. Бу борада фуқаролар йиғинлари фаолиятини баҳолаш, уларни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самардорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом талаблари асосида барча маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти туман Халқ қабулхоналари билан

ҳамкорликда 11 та кўрсаткич асосида баҳоланди.

Рейтинг баҳолашнинг якуний натижаларига кўра, 224 та фуқаролар йиғинидан 49 таси (21,9 фоиз)нинг фаолияти «намунали», 75 та (33,5 фоиз) маҳалла фаолияти «яхши», 80 та (35,7 фоиз) йиғин фаолияти «қониқарли» баҳоланган бўлса, 20 та (8,9 фоиз) маҳалла фаолияти «қониқарсиз» баҳоланди.

«Аёллар дафтари»: хотин-қизлар муаммосига ечим

Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида жорий йилнинг 8 октябр кун хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни шакллантириш вазифаси белгиланган эди. Бу борадаги ишлар Сирдарё вилоятида ҳам ушқоқлик билан олиб борилаётир. Албатта, бу ҳам соҳамиздаги янги бир иш амалиёти сифатида катта аҳамиятга эга.

Дастлаб «Аёллар дафтари»ни юритиш бўйича Ховос тумани ва Янгиер шаҳрида намуна тарзида ишчи гуруҳ фаолият олиб борди. «Аёллар дафтари» бўйича туманларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан 26551 та хонадонга уйма-уй қилиб, 21953 нафар аёлларнинг сўровнома бланкалари электрон базага киритилди.

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни кенг тарғиб қилиш ҳамда ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш борасида ҳар бир туман ва шаҳарларда маҳалла раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, ёшлар агентлиги етакчилари, ҳамкор ва мутасадди ташкилот ва идоралар, сектор раҳбарлари иштирокида ўқув-амалий семинарлар ўтказилиб, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантирилмоқда.

Шаҳар ва туманлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, ишлаш истагини билдирган 4525 нафар хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, «Аёллар дафтари»га киритилди. Уларнинг 30 нафари олий, 1951 нафари ўрта махсус ва 2544 нафари ўрта маълумотга эга.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, 9 та тоифа бўйича таҳлил этилди. Натижада ишсиз бўлган ва камбағал оила рўйхатига киритилган аёллар сони 865 нафарни, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакили бўлган ишсиз аёллар 1800 нафарни, боқувчисини йўқотган аёллар 509 нафарни, турмуш ўртоғи билан ажрашган аёллар 416 нафарни, ёлғиз аёллар 279 нафарни, ногиронлиги бўлган аёллар 243 нафарни, ногиронлиги бўлган фарзанди бор аёллар 230 нафарни, нотинч оила вакили бўлган аёллар 111 нафарни, узоқ

муддатдан қайтиб келган аёллар 72 нафарни ташкил этмоқда.

85 нафар хотин-қиз уйли бўлди

Дарҳақиқат, хотин-қизларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамларнинг тури ва миқдори вақт ўтган сари ортиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, вилоятимиздаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 85 нафар хотин-қизга янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилатган арзон уй-жойларнинг 10 фоиз миқдоридан бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Ана шу тоифадаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 90 нафар хотин-қизга тикув машиналари етказиб берилди. Яна 6 та чорва моллари оғир-ижтимоий вазиятда яшовчи хотин-қизларга ажратилди. 214 нафар хотин-қизга 360 млн. 860 минг сўм маблағ йўналтирилиб, моддий ёрдамлар (дори-дармон, даволаниш, кийим ҳамда коммунал тўловлар) кўрсатилди. Уй-жойини таъмирлаш мақсадида 102 нафар хотин-қизга 1 млрд. 44 млн. сўм маблағ берилди.

Бундан ташқари, 2020-2021 ўқув йилидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича жорий йил учун 828 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор хотин-қизларга олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар берилди. Уларнинг 49 нафари олий таълим муассасаларида грант асосида ўқиш имкониятини қўлга киритди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган 370 нафар аёл Хотин-қизларни касбга ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича курслар ва марказларда ўқитилиб, сертификатлар билан тақдирланди. Бундан ташқари, 580 нафар хотин-қизни қисқа курсли касбга ўқитиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла – Ватан ичра кичик бир ватан. Шу боис маҳалла раислари ўша ҳудуднинг ободлиги, тинчлиги, фаровонлигига масъул шахс ҳисобланади. Қолаверса, уларнинг зиммасида оилалардаги нотинчликни барта-раф этиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабардор бўлиш, ҳудудлардаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш каби бир қатор залворли вазифалар турибди. Бундай машаққатли вазифаларни сидқидилдан бажараётган барча маҳалла фаолларига миннатдорлик билдираёмиз.



**Bloomberg: Ўзбекистоннинг қимматли
қоғозларига қизиқиш ошди.**

“ФАОЛИЯТИМИЗГА ҲАҚИҚИЙ

Бугун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларга муносиб ҳаракат қилиб, айти пайтда амалга ошираётган ишларимиз келажагимизни белгилаб беришини унутмаслигимиз зарур. Бунда, айниқса, маҳалла институтининг ўрни беқиёс. Негаки, ҳар бир масала маҳалладан чиқмай ҳал этилса, жамиятда катта муаммолар келиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам юртимизда маҳаллаларга катта эътибор қаратилиб, барча шарт-шароит яратиб берилляпти.

«Бир болага етти маҳалла — ота-она»

Ечимини кутаётган масалалар маҳалладан ташқарига чиқмаслиги учун, аввало, ўша ҳудуд фаоллари етарлича малака ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши шарт. Шу билан бирга, ҳар биримиз фуқаролик бурчимизни адо этишимиз, бошқаларга ўрнак бўлиб, фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратмоғимиз зарур. Бу борада Сурхондарё вилоятида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳар бир маҳаллада «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва вилоят ҳамда туман (шаҳар)ларда 15 нафардан иборат таркибда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашилари» ташкил этилган бўлиб, улар томонидан бугунги кунгача бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан жами 18 минг 694 нафар ижтимоий фаол, обрўли ва ташаббускор нуронийлар рўйхатга шакллантирилиб, уларнинг барчаси маҳаллаларда истиқомат қилаётган 4 минг 705 та кам таъминланган, 12 минг 874 та боқувчисини йўқотган, 364 та нотинч оилалар, 2 минг 858 нафар ичкиликка ружу қўйган, 454 нафар диний оқимга мойил бўлган шахс-



ларга бириктирилди.

Шунингдек, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили бўйича вилоят бошқармаси ходимлари туманларга, туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари эса фуқаролар йиғинларига куратор сифатида бириктирилиб, йиғинларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бунда вилоятдан туманларга бириктирилган ходимлар ҳар ҳафтанинг жума-шанба кунлари ҳудудларга юборилиб, фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар ва олдимишга қўйилган вазифалар бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Эҳтимол, бу каби ишлар ким учундир арзимас, ҳатто айтиш ҳам жоиз бўлмаган юмуш бўлиб кўринар. Аммо аждоқларимиз «Бир болага етти маҳалла — ота-она» деган нақлга амал қилиб яшаганини ва бу қадрият кейинги йилларда унут бўлиб бораётганини ҳисобга олсак, бугунимиз учун нақадар аҳамиятга эга тадбир эканини англаш мушкул бўлмайди. Зеро, бугун ёшларни, низоли оилалар муаммосини ҳал этиш орқали маҳаллалар тинчлигига, юрт фаровонлигига эришиш мумкин.

Аёллар бандлиги — асосий масала

Бунинг учун, албатта, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг вақтини самарали ишларга йўналтириш биз, мутасаддиларнинг олдимиш-

даги вазифадир. Шунинг ҳам айтиш мумкинки, бугун вилоятимизда бу борада ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, жорий йилда 27 минг 262 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Шундан 5 минг 874 нафари бўш иш ўринларига, 19 минг 760 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 470 нафари шахсий томорқасидан фойдаланиш учун субсидия ажратилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган 148 нафар хотин-қизга субсидия ажратилиб, 1 минг 252 нафари касбга тайёрланиб, малакаси оширилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда 104 минг 617 та ишсизлар рўйхатга олинган бўлиб, тўққиз ойда 62 минг 123 нафар ишсиз фуқаро (30 минг 747 нафар аёллар, 26 минг 261 нафар ёшлар)нинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 4 минг 912 та лойиҳа амалга оширилиб, 11 минг 501 та янги иш ўринлари яратилди.

Албатта, тайинли иши бор хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини осон топиб кетади. Шунга қарамадан айрим юртдошларимизнинг ножоиз ҳаракатлари сабаб муниса аёлларимиз жабр кўриб қолаётган вазиятлар ҳам, афсуски, учраб турибди. Масалан, 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жами 947 хотин-қизлар мурожаат қилган. Шундан 345 нафари ҳуқуқий, 428 нафари психологик, 45 нафари тиббий ёрдам кўрсатилган, 129 нафарини қўллаб-қувватлаш борасида масъул ташкилотлар жалб этилган.

Бу каби рақамлар ҳар биримизни, айниқса, маҳалла фаолларини жиддий ўйлантирмоғи зарур. Албатта, бизга мурожаат қилган хотин-қизларга имкон даражасида кўмак бераймиз. Аммо дардини ташқарига чиқара олмайдиган, кимгадир дардини айтишдан андиша қиладиган аёлларимизнинг тақдири ҳақида маҳалла раислари



Абдусалом ХЎЖАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

ўйлаши, уларнинг бугунги ҳолатидан тўла хабардор бўлиши шарт. Тизимдаги ходимлар орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларида айнан шу жиҳатлар инобатга олинмоқда.

Кредит ўзини оқляптими?

Иш ўринларини яратишда энг самарали усул — тадбиркорликни ривожлантириш экани ҳеч кимга сир эмас. Тадбиркор нафақат ўзи ва оиласининг бандлигини таъминлайди, балки мамлакат тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўша олади. Шу боис кейинги йилларда тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ижтимоий дастурларга асосан, 2020 йилда жами 276,0 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида 339,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган саккиз ой давомида 123 фоиз натижага эришилди дегани.

Қолаверса, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича 10 минг 996 нафар фуқарога 263,7 млрд. сўм, «Yoshlar — kelajagimiz» дастури бўйича 150 нафар фуқарога 27,0 млрд. сўм, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 4 нафар фуқарога 0,82 млрд. сўм, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалардан 19 нафар фуқарога 0,419 млрд. сўм, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 58 нафар фуқарога 7,0 млрд. сўм, Хунармандчиликни ривожлантириш бўйича 1 минг 160 нафар фуқарога 37,2 млрд. сўм, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан 169 нафар фуқарога 4,0 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунинг барчаси халқимизнинг ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кўпайтириб, ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулот билан бойитишга хизмат қилади.



«Термиз халқаро савдо маркази» ташкил этилади.

БАҲОНИ ХАЛҚИМИЗ БЕРАДИ



Тадбиркорлик ҳақида гап кетганда, Сурхондарёнинг қулай иқлим шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самараси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Вилоятда 482 минг 938 та деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари мавжуд бўлиб, якуний хатлов натижасига кўра, уларнинг жами экин ер майдони 49 минг 472 гектарни ташкил этди. Ушбу экин майдонларидан жами 905,4 минг тонна жумладан, 345,9 минг тонна сабзавот, 60 минг тонна полиз, 105,8 минг тонна картошка, 3,8 минг тонна дуккакли, мойли экинлар 1,1 минг тонна ва 34,9 минг тонна бошқа турдаги маҳсулотлар ва 354 минг тонна тўқсонбости экинлари етиштирилиши режалаштирилган.

Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 97 нафар ёрдамга муҳтож оилаларнинг томорқаларини ҳайдаш, мевали дарахтлар, сабзавот уруғ кўчатларини етказиб беришда кўмаклашиш учун 75 нафар ташаббускор фермер хўжаликлари бириктирилган. Таъкидланганидек, бу ишларнинг ҳар бирини амалга оширишда бевосита маҳалла фаолларининг кўмагига таянамиз. Шундай экан, аввало, маҳаллаларга етарлича им-

коният яратилган бўлиши зарур.

Таъкидлаш керакки, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва унинг 15 та шаҳар ва туман бўлимлари тўлақонли фаолият олиб бориши учун барча зарур шарт-шароитлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ҳамда жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозирги кунда янгидан ташкил этилган Бандихон тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига янги бино қуриш учун маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Лекин ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифаларимиз ҳам кўп. Масалан, вилоятимиздаги 721 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари ҳамда жиҳозлар билан таъминлангани ҳолати хатловдан ўтказилиб, хатлов натижасига кўра, ҳақиқатда 535 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга экани аниқланган. Айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биноси йўқлиги сабаб мактаб, коллеж ва тиббиёт, корхона ва ташкилотлар биноларида фаолият олиб бораёти. Айни пайтда ушбу маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бино билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз. Ана шу каби

ишларимиз самараси ўлароқ, 2020 йилнинг 8 оyi давомиди 2 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси таъмирланди, 1 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, ҳомийларнинг 350 млн. сўмлик маблағи йўналтирилди.

Бундан ташқари, 3 млрд. 630 млн.сўм маблағ ҳомийлар томонидан сарфланиб, 13 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари янгидан қурилди. Йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 28 та маҳаллага компьютер жамланмаси ва 21 та йиғинга 95 млн. 300 минг. сўмлик мебель жамланмаси олиб берилди.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 10 бандининг ижросини таъминлаш мақсадида 3 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ 2020-2022 йилга қадар жами 213 та маҳалла фуқаролар йиғинлари комплексларини қуриш режалаштирилган бўлса, шундан 2020 йил жами 80 та лойиҳадан 51 таси давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилади. Ҳозирда

17 та ҳудудда қурилиш ишлари олиб бориляпти, 29 та маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисмидан қуриш кўзда тутилган маҳаллалардан 9 тасида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бугунги кунга келиб 2020 йил дастурга тушган 26 тасида қурилиш ишлари олиб борилаётган бўлса, шундан 6 та маҳалланинг биноси янгидан қуриб фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, вилоятимизда 24 та маҳалланинг биносини қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Умуман олганда, бугун маҳалла фаоллари учун барча имкониятни яратиб беришга жиддий киришганмиз. Бу, ўз навбатида, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан халқимизни рози қилишга қаратилган амалий ишлар олиб бориляпти. Албатта, биз бу билан барча ишни кўнгилдагидай адо этдик, деб даво қилмоқчи эмасмиз. Илло, фаолиятимизга баҳони халқимиз беради. Бугун эса ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда, олдинга қўйилган вазифаларнинг барчасини адо этишга киришганмиз.

ХАБАР

Республика идораларо ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 12-14 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди.

Қайси туманларда жиноятчилик кўрсаткичи юқори

Ўрганишлар якуни бўйича вилоят ҳокимлигида йиғилиш ўтказилди. «Обод маҳалла — хавфсиз маҳалла» тамойили асосида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар айтиб ўтилди.

Шунингдек, ҳудудлар бўйича масъулларнинг ҳисоботи тингланди. Маҳаллаларда «жиноятчиликни жиловлаш» борасида камчиликка йўл қўйилаётган ҳудудларда ички ишлар органлари, маҳалла,

Миллий гвардия ва бошқа тегишли идора ва ташкилотларнинг жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича вазифаларига доир тақдироти намойиш этилди.

Шунингдек, маҳалла ва бозор ҳудудларида қайд этилган жиноятларнинг асл сабаблари ва уларни келтириб чиқарган омиллари муҳокама қилинди. Бу борада жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган Денов, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида вазиятни ижобий томонга ўзгартириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Келгусида аёллар, уюшмаган ёшлар томонидан, маст ҳолатда жиноят содир этилишининг олдини олиш, нотинч оилаларда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича масъул идора ва ташкилотлар ҳамда жойлардаги 4 та сектор раҳбарларига жорий йил якунига қадар ҳамда 2021 йилнинг 1 чораги мобайнида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда аҳоли билан ишлашда энг қуйи тизим ҳисобланган маҳаллада-

ги вазият таҳлил қилинди. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўшимча патруль йўналишларини ташкил этиш, уларнинг мол-мулкига қаратилган жиноий тажовузларнинг олдини олиш, хонадонларни кўриқловга олиш, видеокузатув мосламалари сонини кўпайтириш каби қатор вазифалар белгиланди.

Муҳокама давомиди кўриб чиқилган муаммоли масалалардан келиб чиқиб, вилоятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳуқуқтартибот идораларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича «Сурхондарё тажрибаси»ни амалиётга татбиқ этиш юзасидан топшириқлар берилди.

ИЖТИМОЙ МУҲИТ БАРҚАРОР БЎЛСА,



Моддий таъминот эътиборда

– Ишлаш учун барча шарт-шароит етарли бўлса, фаолиятда унумдорлик таъминланади. Ўзи бир ташкилот биносида ижарада ўтирган, компьютер учун мактабга, тадбир ўтказиш учун маданият уйига югурган маҳалла фаолидан ижобий натижа талаб қилиш мантиққа ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун вилоятимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини яхшилаш доим кун тартибимиздаги масалалардан бири бўлиб келган.

Жорий йил 147 та маҳаллага янги бинолар қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 105 тасини давлат-хусусий шерикчилик асосида бунёд этилиши керак эди. Шу кунга қадар 90 та йиғинда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, 34 та маҳалла комплекслари ишга туширилди. Айни пайтда яна 56 та йиғин биносида ишлар давом этяпти.

Шунингдек, манзилли дастур асосида 11 та «Маҳалла маркази» қуриш режалаштирилган. Ҳозиргача Бекобод шаҳрида «Маҳалла маркази» қуриб битказилиб, ходимлар учун барча шароитлар яратиб берилди.

Бугунги шиддатли даврда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур эта олмаймиз. Нафақат дунё ва мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориш, балки ўзаро маълумотлар алмашишда ҳам глобал тармоқ имкониятлари бизга қулайлик яратади. Айни жиҳатлар инobatта олиниб, 67 та маҳалла фуқаролар йиғинлари интернет тармоғига уланди, кўплаб маҳаллаларимизга компьютер техникаси етказиб берилди.

Ажралишлар сони камайган, бироқ...

– Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Унинг мустаҳкамлигини таъминлашга, аввало, оила аъзолари, қолаверса, кўни-қўшнию маҳалла фаоллари бирдек масъул. Шу занжирнинг бир бўғинида сусткашлик бўлдики, тамом, риш-

Яхшими-ёмонми, 2020 йилнинг 11 ойи ўтди. Бу вақт оралиғида топганимизу, йўқотганимиз бўлди. Мамлакатимизда ҳам соҳалардаги ишларни жонлантириш, тизимлилик ва самарадорликни таъминлаш учун кўплаб қадамлар ташланди. Хўш, улар нечоғли ўзини оқлади? Бу саволга ўтаётган йилда мақом, тузилиш ва фаолият вазифалари жиҳатдан бутунлай ўзгарган маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш йўналиши мисолида жавоб изладик. Таҳлил аниқ бўлиши учун ўрганишларни ҳар бир ҳудуд мисолида амалга оширдик. Хўш, Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси нималарни уддалади? Қайси ўринларда камчиликларга йўл қўйди? Келгусидаги режалар қандай? Шу каби саволлар билан бошқарма бошлиғи Илҳомбой ХУДАЙБЕРГЕНОВ билан суҳбатлашдик.

талар нозиклашиб боради. Натижа эса фақат эр ва хотиннинггина эмас, фарзандларнинг-да келажига дахл қилади.

Таассуфки, ҳамкорликдаги ишларга қарамай, жорий йил 2339 та ажралишлар рўйхатга олинди. Тўғри, бу ўтган йилгидан 670 тага кам. Бироқ биргина оиланинг пароканда бўлиши катта йўқотиш эканини инobatта олсак, бу борадаги ишларни янада жонлантиришимиз шартлиги ойдинлашади.

Шу мақсадда шаҳар ва туман бўлимлари қoшида «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари» фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Марказларда турмуш қуриш арафасида турган ёшларни оила қуришга комплекс тайёрлаш юзасидан интерфаол тренинглари ўтказилади.

Амалиётда синондан ўтган тажриба кутилганидек натижа беради. Шу боис жорий йилда биронта ажралишлар бўлмаган. Ангрен шаҳридаги «Қатағон», «Гурум», Бекобод шаҳридаги «Цементчи», «Истиклол», Нурафшон шаҳридаги «Қумариқ», Бўка туманидаги «Новбод», «Гулистон» каби маҳаллаларнинг фаолият тажрибаси ўрганиляпти.

Ажралишлар сони ошган Чир-

чиқ шаҳридаги «Семурғ», «Тинчлик», Бўстонлик туманидаги «Намуна», Тошкент туманидаги «Мажнунтол», Пискент туманидаги «Бекобод» каби йиғинлар олди-га эса аниқ вазифалар қўйилди.

Бир маҳсулотга ихтисослашиш самара берди

– Ҳар бир ҳудуд ўзига хос иқлим, табиий унумдорлик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда айна жиҳатларга эътибор қаратиш, айниқса, муҳим.

«Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили»нинг йўлга қўйилиши негизда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш назарда тутилган. Тошкент вилоятида мазкур тизим асосида 246 та маҳаллани ихтисослаштириш режалаштирилган. Ҳозиргача ҳудуддаги 202 та маҳалла ихтисослаштирилиб, йил якунига қадар бу рақам яна 44 тага кўпаяди. Шунингдек, аҳолининг ўз томорқасидан мақсадли фойдаланишини таъминлаш, бу орқали оиланинг даромад манбаларини оширишга ҳам эътибор қаратилаётир. Уч



мингдан зиёд ёрдамга муҳтож ва томорқасига экиш имконияти бўлмаган хонадонларнинг томорқа ерлари ҳайдаб берилгани йўналишдаги ишлардан бир томчи, холос. Мевали ва манзарали дарахтлар, сабзавот уруғлари ва кўчатларини етказиб беришда ҳам тизимли ишланяпти.

Ишсизлик муаммоси ҳал этилади

– Ҳалқимиз «Бекорчидан эл безор, сўзидан кўнгил озар», деган пурмаъно матални топиб айтган. Чиндан ҳам, кўлида иши, хунари бўлмаган кишининг рўзғорида барака бўлмайди. Шу боис жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари орқали иш изловчи шахсларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Ҳамкорликдаги фаолиятимиз сабаб 26018 нафар аёл ва 19478 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бўш, захираланган ҳамда яратилган иш ўринлари мониторинги доимий равишда ўтказиб борилди.

Бугун меҳнат бозорида талаб тез ўзгармоқда. Янги касб ва мутахассисликлар кўпаймоқда, уларга эҳтиёж ҳам ортмоқда. Айни жиҳатларни инobatта олиб, ишсизларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлилигини кучайтириш мақсадида мутахассисликлар бўйича касбга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш машғулотлари ташкил этилди. Уларда 2186 нафар ишсиз фуқаро қайта ўқитилиб, ишга жойлаштирилди.

Сўзи ҳикмат, ҳаёти ибрат

– Кундалик ҳаётимизда бирон ишни бошлашдан аввал кексалар билан маслаҳатлашамиз. Уларнинг панду насиҳатларига қулоқ тутамиз. Боиси пиру бадавлатларнинг кўп йиллик тажрибаси қийин вазиятларда одилона йўл тутишимизга ёрдам беради.

Ҳудудимиздаги 1042 та маҳалла фаолиятида ҳам шу мезонга амал қилиняпти. Уларнинг ҳар бирида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари



Тошкентда таълим соҳасида Ўзбекистон-Афғонистон ҳамкорлиги тўғрисида меморандум имзоланди.

ФАРОВОНЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ



ташкил этилган. Эндиликда йиғинларимизда «Фахрийлар ибрати» кенгашлари ишини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Кенгаш таркибига ижтимоий фаол кексаларни жалб этиш мўлжалланган. Маҳаллаларимизда ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдамлар кўрсатиш, уй ишларида кўмаклашиш амаллари эса анъанага айланган.

Маҳаллаларда жиноят содир этишга мойил, профилактик ҳисобда турган, тарбияси оғир вояга етмаганлар, нотинч оилалар фарзандларига ижтимоий фаол кекса авлод вакиллари бириктириш натижасида ишлар самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Ёшларда ватанпарварлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ижтимоий бурч, жиноятга жазо муқаррарлигига ишонч туйғусини оширишга қаратилган «Маърифат соатлари» ҳам мунтазамлик касб этаётир.

Биргина Ангрен шаҳри маҳаллаларидаги мактабларда 95 нафар фаол нуроний «Кексалар маърифати» мавзусида маънавий-маърифий тадбирларга масъул этиб бириктирилган. Ҳар ойда бир марта маърифат соатларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати фаолиятини кучайтириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар мониторинги ҳам юритилляпти.

Янги тизим ҳаракатни бошлади

– Аҳоли билан самарали ишлашни яхшилаш мақсадида кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда. «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни юритиш шундай янгиликлардан бири бўлди. Виоляти-мизда дафтарларни тузиш бўйича 22 та туман ва шаҳарда штаблар ташкил этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва бўлимлари, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари ҳудудий ишчи гуруҳ билан уйма-

Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Унинг мустақамлигини таъминлашга, аввало, оила аъзолари, қолаверса, кўни-кўшнию маҳалла фаоллари бирдек масъул. Шу занжирнинг бир бўғинида сусткашлик бўлдимиз тамом, ришталар нозиклашиб боради. Натижа эса фақат эр ва хотиннинггина эмас, фарзандларнинг-да келажагига дахл қилади.

уй юриб, анкета сўровномалари ўтказилди. Шу асосда 18-30 ёшгача бўлган ёшларнинг, 30 ёшдан юқори аёлларнинг анкета сўровномалари маълумотлари электрон базаси шакллантирилмоқда.

Жиноятлар таҳлили қандай?

– Ҳудудда ижтимоий муҳит барқарор бўлса, кишининг уйи, фарзандлари, молу мулкидан кўнгли тўқ бўлади. Ишга, ўқишга хотиржам бориб келади. Акси бўлса, на юришида, на ётишида саранжомлик бўлмайди.

Шунинг учун «Менинг маҳаллам жиноятдан холи ҳудуд», «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак» эзгу маслаги ҳар бир маҳаллада амалий ҳаракатга айланган. 2020 йилнинг 10 ойи якуни бўйича 418 та маҳаллада жиноятчилик ҳолати

кузатилган, 610 тасида эса умуман жиноят содир этилмаган.

Жорий йил Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва Миллий гвардиянинг «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан, «маҳалла ҳудудида содир этиладиган» жиноятлар туркумига ўзгартиришлар киритилган. Шу асосдаги ўрганишларда умумий 5165 та жиноят рўйхатга олинди. Улардан 922 таси маҳаллада аниқланган жиноятлар туркумига киради.

Олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар тоифаси қисқартирилиб, манзилли профилактик ишлар кучайтирилишига қарамасдан айрим маҳаллаларда жиноятлар салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу мазкур ҳудудларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан далолат беради.

Иш билганга балли!

– Тадбиркорлик билан машғул киши даромад кўриш баробарида янги иш ўринлари ҳам яратади. Аввалига оила аъзоларининг, кейинчалик кўни-кўшнларининг бандлигини таъминлайди. Шу боис фуқаролар йиғинларида оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Чунончи, жорий йилда маҳаллалар томонидан 216 нафар фуқаронинг имтиёзли

кредит олишига тавсия берилди. Улардан 58 нафарига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 4043 нафар аёл ўз бизнесини йўлга қўйди.

Дилларга нур улашган саховат

– Бугун оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оналарга арзон уй-жойлар берилляпти. Бу меҳр ва муруватнинг, ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Виоляти-мизда шундай аёлларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида комиссиялар тузилган. Ҳозиргача 70 нафар хотин-қизнинг ҳужжатлари белгиланган тартибда ўрганилиб тасдиқланган ва намунали лойиҳалар асосидаги уй-жойлар билан таъминлаш учун тавсия этилган. Шу кунга қадар 123 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга беғараз уй-жойлар берилди.

Шунингдек, 4185 нафар оғир ижтимоий шароитда яшовчи хотин-қизларга иккинчи экин экиш учун ер майдонлари ажратиб берилди. «Темир дафтар»га киритилган аёлларга тикув машиналари ва маиший техника воситалари етказиб берилди. Соғлигини тиклаш учун ёрдамлар кўрсатилди.

Сирасини айтганда, Тошкент виоляти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан талай ишлар қилинган, яхши натижаларга эришилган. Йўл қўйилган камчиликлардан эса тегишли ҳулосалар чиқарилган.

Ўйлаймизки, навбатдаги фаолият сарҳисобларида бундан ҳам яхши натижаю ютуқларни қаламга оламиз. Фаолиятга масъулият, ишга талабчанлик ва вазибалар ижросидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнини эса кузатишда давом этамиз.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



Электр энергияси учун олдиндан пул тўланадиган бўлади.

«АНГРЕН ШАКАР» МЧЖ нега инқирозга юз тутди?



Янги корхона фойдаланишга топширилса, маҳаллий маҳсулот турлари кўпайиб, қанчадан-қанча одам иш билан таъминланади, ички бозорда нархнаво арзонлашади. Аммо катта қувват билан ишлаб турган, ўз маҳсулотини аҳоли дастурхонига дуппа-дуруст тақдим этиб келаётган, минглаб инсонларнинг ризқ-насиба маконига айланган корхона ёпилиб, инқирозга учраса-чи?

Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб яқин йилларда ўз фаолиятини бошлаган Хоразм ва Ангрэн шакар заводларида ишлаб чиқариш жараёни «таққа» тўхтади. Германия, Австрия, Швеция, Италия каби ривожланган давлатлар технологияси ўрнатилган ҳар иккала корхонага сукунат чўқди. Сутқасига 1000 тонна шакар ишлаб чиқараётган «Ангрэншакар» МЧЖнинг юзлаб ишчилари учун бу жуда қимматга тушди. Ишсизлик орқасидан даромадсизлик келмоқда. Нима бўлган ўзи?

Корхона ўзгаришларга дош бера олмади(ми?)

Катта қувват билан ишлаб турган тадбиркорлик субъектлари даврий ўзгаришларга дош бера олаётгани, масаланинг бу жиҳати янада муҳим.

— Стратегик маҳсулот — шакар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод МДХда ягона ҳисобланар эди, — дейди «Ангрэншакар» МЧЖ собиқ раҳбари Рустам Акбархўжаев. — Хоразм шакар заводидан фарқли ўларок, корхона тўлиқ автоматлаштирилган. Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи икки хил тоифадаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ташқаридан фақат газ олинган, буғ ва электр энергияси корхона трубагенератори орқали етказиб берилган. Шакар хомашёси қайта ишлашдан тортиб, уни қоплаш жараёнига одам иштирокисиз, яъни автоматлаштирилган тизим билан бошқарилади.

Коронавирус пандемияси иқтисодий тармоқлари ишига салбий таъсир кўрсатди. Жорий йил апрелида «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони имзолангач, йил охирига қадар юртимизга четдан



олиб келинадиган озиқ-овқат хиллари, жумладан, шакарга божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкаси белгиланди. Бугунга келиб импорт қилинаётган шакарга берилган имтиёз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни бозордан осонгина сиқиб чиқаришга шароит яратмоқда.

Россия, Украина шакари Ўзбекистонга олиб келинар экан, у тўғридан-тўғри тадбиркорга арзон улгуржи нархда ўтказилади. Корхонамиз эса ўз маҳсулотини тадбиркорга сота олмайди, савдо биржаси орқали бир талай расмиятчилик жараёнидан ўтгачина, у савдо дўконларига чиқарилади. Шу боис «Ангрэншакар» МЧЖ пандемия давридаги қатъий талабларга мослаша олмай, июль ойидаёқ ўз иш фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Аммо биз ички имкониятларни ишга солган ҳолда, меҳнат бозоридан ўз ўрнини топа олмаётган 150 кишини ноябрь ойига қадар компенсация пули билан таъминладик.

Шакар монополияси керакми?

Тўғри, Президент фармони импорт товарларнинг юртимизга келтирилиши учун анча енгиллик яратди. Аммо бу имтиёз фақат бизда яратилганини, Россия, Украина шакарини республикамиз бозорига чиқаришга қадар бўлган йўл харажатлари ва бошқа тўловлар борлигини ҳисобга олсак, нима учун бундай жараёни «бошдан кечирмайдиган» Ўзбекистон маҳсулоти у билан рақобатлашгиси келмай, ўзини четга тортмоқда?

— Имтиёзни ўз монополиясига «қалқон» қилиб олган ишлаб чиқариш корхоналари вазиятни чигаллаштирадими, бундан фожиаясамаслиги керак, — дейди иқтисод фанлари номзоди Хуршид Асатуллаев. — Президент фармонидан кўзланган мақсад — ички бозорда мўл-кўлликни таъминлаш, озиқ-овқат етишмовчилигининг

олдини олиш, ички бозорда рақобат муҳитини яратишдан иборат. Импорт товарга имтиёз берилиши аслида маҳаллий маҳсулотлар, жумладан, шакарнинг ишлаб чиқарилиши, истеъмолда ўз ўрни ва қийматини топиб олиши, рақобатбардошлиги ва нарх-навосига заррача таъсир кўрсатмаслиги керак. Афуски, шу вақтгача ички бозорда монополия ўрнатиб келган айрим корхоналар бундай рақобатга дош беролмаяпти.

Ташвишланишга ҳожат йўқ

Юзага келган вазият Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан тезкор ва зарурий чора-тадбирлар белгиланишини тақозо этмоқда. «Ангрэншакар» тадбиркорлик субъектининг Оҳангарон шаҳрида жойлашгани кўпроқ ана шу ҳудуд фуқаролари ўртасида ишсизлик муаммосини келтириб чиқарган. Хўш, уларнинг иш билан таъминланишига қандай ечим топилади?

— Ушбу корхонада дастлаб 500 нафар фуқаромиз ишларди, — дейди Оҳангарон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Миршохид Мирюнусов. — У ўз фаолиятига нуқта қўйиши билан туман ҳокимлигига иш сўраб келувчилар сони ошмоқда. Аммо ташвишланишга ҳожат йўқ. Ҳудуднинг ўзига хос географик жойлашуви, ресурс ва имкониятларига мос равишда 300 дан ошиқ янги лойиҳани молиялаштириш мўлжалланмоқда. Бунга мувофиқ, 10 мингта янги иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Шубҳасиз, шакар корхонаси ёпилиши туфайли ишсиз қолган тумандошларимиз ҳам ўз ихтисослиги ва малакасига кўра иш билан таъминланади.

Шакарқамиш нега ўзимизда етиштирилмайди?

Дунё мамлакатлари орасида Ҳиндистон шакар ишлаб чиқа-

риш бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бунга мазкур давлатда 50 миллиондан зиёд шакарқамиш етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари замин яратади. Ўз фаолиятини тўхтатган «Ангрэншакар» МЧЖга хомашё Бразилиядан келтирилган. Республикамиз иқлим шароити шакарқамиш етиштиришга мос эмасми?

— Ниҳол қадасак, кўркам даҳлатга айланадиган юртимизда катта-катта қандлавлари плантацияларини вужудга келтириш мумкин, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматов. — Иккинчи жаҳон уруши даврида Россия, Украина, Беларусь каби давлатларнинг ҳозиргидек катта қувват билан ишламаган шакар заводлари Ўзбекистонга кўчирилиб, қандлавлари ҳам ўзимизда етиштирилган. Ангрэн ва Хоразм шакар корхоналарини хомашё билан таъминлаш учун қарийб 80-100 минг гектарлик ер майдони керак. Қандлавлари мартда экилиб, октябрь ойида йиғиштириб олинадиган сабзавотдир. Сув танқислиги, ушбу экин экилган майдонда 2-3 йил бошқа сабзавот тури экиб бўлмаслиги, катта партидаги ҳосилни эса тезкорлик билан қайта ишлаш кераклиги нуқтаи назаридан қарасак, анчагина муаммолар бор. Агар қандлавлари зудлик билан қайта ишланмаса, унинг сифатига путур етади. Шакар ишлаб чиқариладиган корхонага эса мунтазам равишда етказиб бериладиган янги маҳсулот керак.

Статистик маълумотларга кўра, шакар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, уларнинг базасида 40 минг тонна маҳсулот сақланмоқда. Бу ички бозорда шакар олди-сотдиси анча вақтгача давом этишини таъминлайди. Гапнинг индаллоси, импорт товар қаторида маҳаллий маҳсулот савдо-сотиғига ҳам кенг имконият яратилиши керак. Демак, мутахассислар юзага келган вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиши, ҳар иккала маҳаллий корхона ишини қайта тиклаш чора-тадбирларини белгилаши зарур.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



3 ойлик бепул «Мехатроника — робототехника» онлайн ўқув курси ташкил этилмоқда.

26 та

Хоҳ уй, хоҳ мактаб, хоҳ шифохона, хоҳ кўприк бўлсин, нураган ёки эскирган ҳолатда бўлса, бу ерни, шубҳасиз, ҳамма четлаб ўтади. Сабаби аён: омонат турган эски объект қулаб тушса, ҳаёти хавф остида қолишини ким ҳам истайди? Айниқса, бир манзилни иккинчисига боғлайдиган кўприк қалтис ҳолатда бўлса, фожа рўй бермайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига зид

Кўприк, одатда, сув оқадиган ёки йўловчига хавф туғдирадиган серқатнов жойга қурилади. Узоқ йилларга мўлжаллаб қурилган мустаҳкам кўприк вақт ўтиши билан турли сабабларга кўра, таҳлика уйғотадиган бир ҳолатга келиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Дарё ва сойда тош, қум, шағал каби табиий қурилиш хомашёси бор, — дейди Транспорт вазирлиги ҳузурдаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси масъул ходими Комилжон Шамсиддинов. — Худудларда олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари натижасида ўзбошимчилик билан кўприк атрофидан тонналаб тош, қум, шағал қовлаб олинган. Инспекциямиз ходимлари томонидан автомобиль йўлларидаги катта кўприклар ҳолати ўрганилганда, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент ва Андижон вилоятларида 26 та кўприкнинг устун қисми унга таянч бўла олмай қолиши яққол сезилди.

Қайд қилинган манзилларда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомо-



чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, умумфойдаланишда бўлган йирик кўприклар «Кўприкқурилиштрест» ДУК тасарруфидан Автомобиль йўллари қўмитаси ихтиёрига ўтказилди, — дейди қўмита бошқарма бошлиғи ўринбосари Илхом Ҳожиёв. — Турли даврларда бунёд этилган кўприкларни қуришда сув оқими, максимал сарфи, унга пастликдан бўладиган таъсир ҳисобга олинган. Кўприклардан фойдаланиш бўйича, афсуски, назорат сусайтириб юборилган. Унинг остидаги табиий бойлик катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, тегишли маҳаллий ҳокимлик масъуллари вақти-вақти билан ҳар бир кўприкни диагностика қилишга бош-қош бўлиши керак. 2021 йилги давлат дастурига энг аянчли ва хавфли ҳолатда турган кўприкларни киритиш режалаштирилмоқда.

билъ йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 26-бандига кўра, дарё устига қурилган кўприкдан ўзан бўйлаб юқорига ва пастга қараб 2,5 км.гача бўлган масофада қум ва тош қазиб олиш учун карьер барпо этиш мумкин эмаслиги унутилган. Юзага келган ачинарли ҳолатни бартараф этиш юзасидан Автомобиль йўллари қўмитаси зудлик билан чора-тадбир белгилаши зарур.

Нима учун назорат сусайтириб юборилган?

Республика аҳамиятига эга автомобиль йўллари равон, текис ва хавфсиз бўлиши керак. Айниқса, дарё устида қурилган кўприк барча талабларга жавоб беришидан ташқари, мутасадди ташкилотлар томонидан унинг эксплуатацияси доимий равишда назорат қилиб турилмаса, сунъий иншоотга путур етади.

— Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш

50 йиллик кўприк бугунги «юк»ни кўтара олмайди

Қурилиш объекти қайси типда бўлмасин, унинг лойиҳа-сметасида сарфланадиган маблағ, хомашё ва бошқа ўлчамлари акс эттирилади. Ҳар қанча пишиқ-пухта, мустаҳкам қурилса-да, йиллар ўтиши ва эксплуатация қилиниши натижасида бино ва иншоотларга путур етади. Агар фойдаланишда бўлган объектлар прогноз қилинса, шубҳасиз, узоқ ўтмишда қурилганлари кўримсиз ва яроқсиз ҳолатга келиб қолгани, замон талабларига жавоб бермаслиги ойдинлашади.

— Вилоятимиз автомобиль йўлларида 551 та кўприк мавжуд, — дейди Самарқанд вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акбар Мирзаев. — 1970 йилларда қурилган кўприклар ўша давр талабига мувофиқ 7-8 тоннагача юк ташийдиган машина учун мўлжалланган бўлиб, орадан 50

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидан 7000 дан ортиқ кўприк мавжуд бўлиб, бу рақамга ички йўлларда бир вақтлар собиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ёки турли ташкилотлар, аҳоли томонидан қурилган кичик кўприклар киритилмаган.

йил ўтгач, яроқсиз ҳолатга келган. Бунга турли табиий офатлар қаторида 15-20 тонна юк билан ўтадиган автомобиллар ҳаракати ҳам сабаб бўлмоқда. Қолаверса, аҳоли томонидан дарё ўзанларидан қум, тош, шағал қовлаб олишга эҳтиёж кескин ошиб кетди. Аммо кўприкни ўз балансида ушлаб турган маҳаллий ҳокимликлар бундай ўзбошимчиликка йўл қўймаслиги керак. Бошқармамиз томонидан мавжуд кўприклар ҳолати вақти-вақти билан диагностика қилиб борилмоқда. Бунга 12 та масъул ташкилот эксперти жалб қилиниб, энг ачинарли вазиятдаги объектни биринчи галда ҳимоялаш бўйича чора-тадбир белгиланади. Айни пайтда Қорадарё кўпригини капитал реконструкция қилиш учун 25 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Катта трассадаги йўлда ҳар куни юзлаб автомашиналар ҳаракатланади. Агар йўлда дарё ёки сой учраса, барча талабларга жавоб берадиган кўприк хизматига эҳтиёж туғилади. Бундан икки йил муқаддам «Урганч — Чолиш» йўлининг 10-километридаги кўприк жуда яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли юк автомобили оғирлигидан қулаб тушса-да, хайриятки, жабрланганлар бўлмаган. Кўнгилсиз ҳодиса яна содир бўлмаслиги учун мутасадди ташкилотлар аянчли ҳолатда турган кўприкларни тезкорлик билан таъмирлаши лозим.

Хулқар ҚУЗМЕТОВА
«Mahalla»



Ўзбекистон делегацияси «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумида иштирок этади.

МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚИ қачон тўлиқ таъминланади?

Бугун минглаб ватандошларимиз Россия Федерациясида меҳнат мигранти сифатида фаолият юритмоқда. Улар расмий ва норасмий тарзда ўз фаолиятини олиб боришмоқда. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деганларидек, бунинг асл маъносини мигрантларчалик ҳеч ким англаб етмаса керак.

Маълумотларга кўра, мамлакатимиздан чет элга ишлаш учун кетганлар айни дамда 1 млн. 740 минг нафар кишини ташкил этмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали кетганлар 60 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 34 мингдан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Улар орасида турли даражадаги маълумот ва кўникмага эга бўлганлар бор. Хўш, меҳнат мигрантлари учун квоталар қай даражада? Улар учун қандай қулайликлар яратилмоқда?

— Президентимизнинг тегишли фармони билан хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий қилинмоқда, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошқарма бошлиғи Азим Аҳмадов. — Айтиш керакки, тизим тўлиқ меҳнат мигрантларини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган кам таъминланган оилалар аъзолари вақтинчалик ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётганда микроқарзлар бериш тартиби жорий этилади. Микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш (шу жумладан, йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатга берилади.

Яна бир масала — айни пайтда

хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис келгуси йил бошидан ташкил-лаштирилган ҳолда хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш — ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларига тенглаштирилади. Ушбу шахсларга ўзини ўзи банд қилганлар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади. Бунда улар Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин, бу БҲМнинг 50 фоизи ҳажмида (111 минг 500 сўм) белгиланган.

Россияда квота қисқартириладими?

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида Россияда меҳнат мигрантлари учун квоталар қисқартирилиши ҳақида маълумотлар берилди. Хўш, бу нима дегани? Унинг ҳамюртларимизга таъсири қандай бўлади?

— ОАВда Россия Федерацияси ҳукуматининг 2020 йил 6 ноябрдаги фармойиши меҳнат мигрантлари учун квоталарнинг қисқариши маъносидан нотўғри талқин



ФАКТ:

Жорий йилнинг ўн ойи давомида Ўзбекистонга 4,88 млрд. АҚШ доллари ҳажмида пул ўтказмалари амалга оширилди.

қилинмоқда, — дейди А.Аҳмадов. — Аввало, таъкидлаш жоизки, Россия Бош вазири томонидан қабул қилинган мазкур квоталар меҳнат мигрантларига эмас, балки чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Россияда вақтинча яшаш учун бериладиган рухсатномаларга тааллуқли, яъни квотанинг патент олишга таъсири йўқ.

Мазкур фармойишга кўра, 2021 йилда чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Россияда вақтинча яшаш учун жами 39 минг 325 та, шу жумладан, ҳудудлар кесимида рухсатнома бериш белгиланган. Россия иқти-



ДАРВОҚЕ...

Халқаро миграция ташкилоти маълумотида кўра, халқаро мигрантларнинг умумий сони дунё бўйлаб қарийб 272 миллион кишини ташкил этиб, уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Бу кўрсаткич жаҳон аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил этади.

содиётига хорижий ишчи кучини жалб қилиш параметрлари эса соҳа ва ҳудудлар кесимида ҳукуматнинг алоҳида қарори билан белгиланади. 2021 йил учун хорижий ишчи кучини жалб қилиш параметрлари ҳали белгиланмаган.

Меҳнат мигрантлари ҳимоя қилинадими?

Айтиш керакки, бундай юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Айниқса, улар иш берувчи компанияларни топиш, талаб қилинадиган ишчи кучига мутахассислиги бўйича талаб, тил билиш ва ўша давлатдаги меҳнат қонунчилигини ўрганиш каби муаммоларга энг кўп дуч келмоқда.

— Россияда нима учун меҳнат муҳожирларининг аксарияти ноқонуний равишда иш топяпти? — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги директори ўринбосари Давлатназар Матрасулов. — Чунки қонуний мигрантлар патент олишга пул сарфлайдилар ва иш бошлагандан сўнг улар тегишли хизматлар учун ҳам ҳақ тўлайдилар. Бундан ташқари, пул ўтказмалари ва Ўзбекистонда иш стаж

билан боғлиқ харажатлар ҳам мавжуд. Юқоридаги вазирлар туфайли ноқонуний мигрантлар сони кўпаяди. Аммо ноқонуний мигрантлар ҳар тарафлама жабр кўриши тайин. Чунки ҳар қандай давлатнинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Россия Ички

ишлар вазирлигининг маълумотида кўра, ҳозирда 600 минг ўзбекистонлик ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтмасдан бўлиб тургани ва депортация, яъни мамлакатга кириш тақиқини олишдан қочиб юргани келтирилмоқда. Бир неча йил давомида 421 минг фуқаро Ўзбекистонга чиқариб юборилган ва энди улар Россияга кириш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир фуқаро қонуний йўл билан бориши муҳим. Шундагина давлат муҳожирларнинг ҳуқуқларини юз фоиз ҳимоя қилишга кафолат беради. Масалан, охириги икки йилда биз фуқароларимизнинг 823 минг

АҚШ доллари миқдоридagi ойлик иш ҳақлари ва товон пулларининг тўлаб берилишига эришдик.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонаси очилади ҳамда ушбу ваколатхонада патентни тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматлари кўрсатилади. Ўзбекистон фуқароларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида чет давлатлардаги адвокатлик ташкилотлари билан битимлар тузилади.

Яна бир муҳим жиҳат — хорижда мураккаб молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, маблағларсиз қолган 10 мингга яқин фуқарога 446 минг сўм (40 доллар) миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича онлайн платформа яратилиб, Россия Федерациясида «Call-марказ» ташкил этилади.

Демак, эндиликда янги тизим асосида хорижга ишга кетган мигрантлар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилади. Солиқ имтиёзлари, пенсия ҳисобланиши, микроқарзлар берилиши, ҳуқуқий тарафдан давлат ҳимоясига олиниши мигрантлар фаолиятини рағбатлантиради. Бу эса минглаб юртдошларимиз оилалари даромадли бўлади, муҳими, Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясини ҳис этади деганидир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Россиянинг «Миграция маркази»
Ўзбекистонда ваколатхонасини очади.

Нотариал соҳадаги КОРРУПЦИЯНИ қандай йўқ қилиш мумкин?

Барча соҳаларда бўлгани сингари айрим ҳолларда нотариуслар фаолиятида ҳам коррупция ҳолатлари учраб туради. Нотариал хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлиги паст даражадалиги, бюрократик тўсиқ ва ғовлар мавжудлиги, кадрларни тайинлашда шаффофликнинг пастлиги, нотариуслар фаолиятини самарали назорат қилиш тизими яратилмагани ана шундай ҳолатларни келтириб чиқаради. Хўш, тизимда коррупцияни йўқ қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Автоматлаштирилган тизимга ўтилган

— Коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасида бир қатор ишлар амалга

оширилди, — дейди

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилмурод Умаров.

— Биринчидан, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ва



электрон нотариал архивни шакллантириб бориш учун «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими яратилди. Бу орқали барча нотариал ҳаракатларни онлайн тарзда мониторинг қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларни тасдиқловчи SMS-хабарлар юбориш ва идоралараро электрон ахборот алмашиш имкониятлари яратилди. Нотариатнинг «фаол модели» жорий этилди. Бунда нотариус комплекс хизмат кўрсатувчи орган сифатида барча ҳужжатларни ўзи йиғмоқда. Натижада фуқароларнинг идорамайдора «справка» йиғиб юришига чек қўйилди. «E-notarius.uz» махсус портали эса жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, муружаат қилувчилар ўзларига керакли бир неча хизмат турларидан фойдаланиши мумкин.

Эндиликда нотариус хизматлари учун давлат божи, пуллик хизмат ва бошқа тўловлар электрон тизим орқали автоматик равишда шакллантирилади, яъни бу жараёнда инсон омили иштирок этмайди. Бу орқали мижоз SMS-хабар ёрдамида тўлаган пулининг қонуний миқдорини яна бир мар-



та текшириш имконига эга бўлади. Агар ортиқча тўлов ундирилгани аниқланса, мижоз шу заҳоти Адлия вазирлигининг «1008» ишонч телефонида кўнғироқ қилиши ва бу ҳақида шикоят қолдириши ёки нотариуснинг ўзига тафовут сабаби юзасидан савол бериши мумкин. «SMS-хабар» электрон тизимининг амалиётга жорий қилиниши нотариал идораларда коррупцион ҳолатлар бартараф этилишига сезиларли таъсир қилиб, нотариуслар томонидан ортиқча пул ундириш имкониятини кескин чеклаб келмоқда.

Расмийлаштириш учун қанча вақт кетади?

Ҳисоб-китобларга кўра, оддий ва мураккаблигига қараб, нотариал ҳаракатни расмийлаштириш ўртача 10 дақиқадан 1 соатгача вақт мобайнида амалга оширилади. Лекин мерос, судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш ва медиация келишуви каби айрим ҳаракатларни расмийлаштиришда нотариус қонунчиликда белгиланган муддатларга риоя қилиши шарт. Бу муддат меросда 6 ойдан кўпга ҳам чўзилиши мумкин.

— Бугунги кунда фуқаролар ҳужжат расмийлаштириш учун нотариусга фақат паспорт ва мулк эгалигини тасдиқловчи ордер ёки гувоҳномани тақдим этса етарли, — дейди Ўзбекистон Нотариал палатаси раиси Дилшод Ашуров. — Қолган ҳужжатларни нотариуснинг ўзи тегишли идоралардан ахборот тизими орқали электрон шаклда олади. Кўп ҳужжат ва маълумотномалар «Нотариус» ахборот тизимида автоматик тарзда олинishi вақтни янада қисқартиради.

Маълумки, нотариуснинг асосий вазифаси — расмийлаштирилаётган нотариал ҳаракат бўйича келгусида ҳеч қандай низо

келиб чиқмаслиги ҳамда жараёнда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдан иборат. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда нотариуслар ушбу вазифасини тез бажариши билан бирга, нотариал ҳаракатнинг қонунийлигини таъминлаши зарур.

— Жорий йилнинг 1 майидан 663 нафар илгари давлат нотариуси бўлиб ишлаган нотариуслар хусусий секторда иш бошлагани рақобат муҳитини вужудга келтирди ва нотариал ҳаракатни расмийлаштириш вақтини деярли уч баробар тезлашига олиб келди, — дейди Д.Ашуров. — Лекин интернетдаги ёки бошқа идоралар ахборот тизимларидаги узил-шиллар, баъзан эса идораларнинг электрон базаларидаги хатоликлар ёки ҳужжатлардаги камчиликлар нотариусга боғлиқ бўлмаган ҳолда вақт чўзилишига сабаб бўлмоқда. Карантин даврида санитария-гигиена талабларига риоя қилинган ҳолда идорага келувчи фуқаролар ўртасида ижтимоий масофани сақлаш учун нотариуслар томонидан аввал ҳужжат олиб қолиниб, тайёр бўлгандан кейин фуқароларни чақириб нотариал ҳаракатни расмийлаштирилаётгани ҳам вақтнинг қисман чўзилишига олиб келмоқда.

Ўтган қисқа даврда нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда қонунбузилишига йўл қўйгани учун 149 нафар нотариус лицензиясининг амал қилиши 15 кундан 6 ойгача тўхтатилган. Нотариал палатага нотариуслар касб этикаси қоидаларига риоя этмаётгани тўғрисида келиб тушган 54 та муружаатнинг 40 таси ўз тасдиғини топган. Аҳолига нотариал хизмат-

ДАРВОҚЕ...

Очик ахборот тизимига жойлаштирилган нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган юридик ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатнинг қоғоз шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлади. Фуқаро тегишли давлат органи ёки мансабдор шахсга мазкур ҳужжатларнинг қоғоз шаклини тақдим этиш мажбуриятдан озод этилади. Ҳужжатларнинг хос рақами орқали очик ахборот тизимида уларни текшириш мумкин.

лар кўрсатиш сифатини ўрганиш мақсадида аутсорсинг асосида жалб қилинган фирма томонидан ўтказилган 125 та «Сирли мижоз» тадбирларида айрим нотариал идораларда аҳолига шароитлар яратилмагани, кутиш жойлари ва ўриндиқлар етарли эмаслиги, касса хизмати ташкил этилмагани, нотариал ҳаракат иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмаслиги, ходимларнинг муомала маданияти қониқарсизлиги каби кўплаб хато ва камчиликлар аниқланган. Натижада 30 нафар нотариус фаолияти «қониқарсиз» деб баҳоланган.

Албатта, юқоридаги каби ўзгаришлар билан турли оворатгарчилик, сарсонгарчилик ва коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатларнинг олди олинади. Бундан ташқари, фуқаро шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларида фойдаланилади. Ҳар бир ҳужжатга такрорланмайдиган рақам бериш имконияти мавжуд. Тўлов автоматик тарзда ҳисобланади. Энг муҳими, фуқароларни нотариус касбий мажбуриятларини бузиши натижасида етказиладиган зарардан муҳофаза қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тартиби белгиланган. Бир сўз билан айтганда, барча қилинаётган ишлар соҳадаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоеванинг мактаб ва боғчаларда жинсий тарбия дарсларини ташкил қилиш тўғрисидаги гаплари жамиятимизда қарама-қарши фикрларни уйғотди. Айримлар бу менталитетимиз ва динимизга мутлақо мос келмаслигини таъкидласа, бошқалар тўғри ва миллий хусусиятимиздан келиб чиқиб, ташкиллаштириладиган бундай тарбия кўплаб муаммоларнинг олдини олиши мумкинлигини айтиб ўтди. Мавзу юзасидан мутахассис ва жамоатчилик фикри билан қизиқдик.



БОЛАЛАРГА ЖИНСИЙ ТАРБИЯ КЕРАКМИ?

Сенат раиси нима демоқчи эди?

Кўпчилик ёшларнинг жинсий тарбиясига интернет, ижтимоий тармоқлар ва ҳатто ўзбек тилидаги айрим телеканаллар орқали узатилаётган ахборотлар ҳам зарarli таъсир ўтказётгани, бунга яна расмий дарсларнинг қўшилиши вазиятни янада издан чиқишига сабаб бўлишини таъкидлашди. Бу фикрга қарши бўлиб, жинсий тарбия мактабларда тушунтирилиши керак, деганлар эса айнан юқоридаги омилларнинг таъсири ортиб бораётгани учун унга қарама-қарши дарслар қўйилиши шарт деб ҳисоблайди.

— Гинеколог масаласида қизлар кўринмаслиги керак, деган стереотиплар бор, — дейди **Танзила Норбоева**. — Жинсий тарбия масаласи биз учун ёпиқ мавзу ҳисобланади. Ҳеч ким гапириши мумкин эмас. Деярли кўп

Бу масалада ғарб давлатлари таълим дастурлари бизга мос келмаслиги кундек равшан. Демак, зарур бўлса, динимиз ва менталитетимизга мос услублар ишлаб чиқиши керак.

оилаларда, ҳаттоки ота-она ҳам фарзандларига шу нарсаларни гапирмайди. Бу нотўғри. Жинсий тарбияни ёш болаликдан олиб бориш керак. Мактабгача таълимда ёшга мос қилиб, ўзининг доирасида, юқори синфларда ва олий таълим муассасаларида қизлар ва ўғил болаларни оилага тайёрлаш, репродуктив саломатлик, туғиш, сақланиш, қариндош-уруғчилик никоҳлари тўғрисида очикдан-

очик маълумотларни беришимиз керак. Ўқув дастурларини шу даражада нозиклик билан, билим билан тайёрлашимиз керакки, ўғил бола, қиз болага керакли билимни беришимиз лозим. Биз ёпганимиз сари интернет очик. Интернетда ёмон нарсаларни ўрганиш мумкин. Бу салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ундан кўра, дўст бўлиб, дугона бўлиб, ота, ака-ука бўлиб, маълумот берганимиз фойдалироқ деб ўйлайман.

Бизни лайлак ташлаб кетганми?

Психологлар эса айнан юқоридаги сабаблар — интернет ва телевидениенинг кенг тарқалиши, буни назорат қилишнинг имкони йўқлиги боис ҳам болалар тармоқда дуч келиши муқаррар бўлган саволларга тайёр бўлмоғи лозим.

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда дунёда жинсий тарбия билан боғлиқ қатор муаммолар бўй кўрсатаётгани рост, — дейди **психолог Хулкар Абдуллаева**. — Масалан, БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили эрта ҳомиладорлик сабаб 7 миллион нафар қиз ҳаётдан кўз юмади. Бундан ташқари, психологик ва жисмоний тайёр бўлмаган вояга етмаганларнинг жинсий ҳаёт бошлаш ҳолатлари ҳам кескин кўпайган. Шунингдек, жинс тушунчасини турлича талқин қилишга уринишлар, «рангли» гуруҳларнинг вужудга келаётгани ҳам бор гап. Буларнинг бари тарбиянинг нотўғри берилгани, нотўғри йўналиш танлангани билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобланади.

Зеро, 14-15 ёшли ўсмир қиз ёки йигитни «сени лайлак ташлаб кетган», деган изоҳ қониқтирмайди. Бу мавзудаги суҳбатлардан қочиш эса ўсмирнинг жавобни интернетдан излашига сабаб бўлиши муқаррар. Психологик нуқтаи назардан, инсон бир ярим, икки

ёшидан жинсини англай бошлайди. Уч ёшида жинсини ажратади. Жинсий тарбия шу даврдан бошлаб шаклланади. Бу гапни тўғридан-тўғри қабул қилмаслик керак. Масалан, қиз болаларга кўғирчоқ совға қилиш, у билан «хола-хола» ўйнаш ҳам жинсий тарбия ҳисобланади. Агар боғчада ўғлингизга кўғирчоқ бериб овунтиришга уринишса, бу сизнинг ғазабингизни кўзғатиши аниқ. Шу сабаб мактабгача таълим соҳасидаги ўғил болалар ва қиз болалар учун алоҳида дастурлар, тўғрақлар мавжуд бўлади. Бу эса жинсий тарбиянинг унсурлари ҳисобланади. Бундай тарбиясиз таълимнинг бўлиши мумкин эмас. Бу тарбия ҳар бир оилада ҳам мавжуд. Ва бўлиши шарт.

Хориж тажрибаси қандай?

Кўплаб хорижий давлатларда жинсий тарбия дарслари бор. Бу, айниқса, ривожланган демократик давлатларда кўп учрайди. Масалан, Данияда ҳам шу тажриба синаб кўрилган. Натижада 2015 йилдан буён бу мамлакатда бирорта ҳам 15 ёшли ўсмир қизларда ҳомиладорлик қайд этилмаган, 16 ёшли қизларнинг фақатгина икки нафари ҳомиладор бўлиб қолган. Жинсий зўравонлик эса мамлакатни деярли тарк этган, фақатгина ишхоналарда аёлларга тегажоклик ҳолати кузатилиб келинмоқда. Аёллар соғлигига эътибор бўйича ҳам мамлакат энг юқори ўринларда туради.

Аммо бу масалада ғарб давлатлари таълим дастурлари бизга мос келмаслиги кундек равшан. Демак, зарур бўлса, динимиз ва менталитетимизга мос услублар ишлаб чиқиши керак.

Жамоатчилик нима дейди?

Жамоатчилик вакиллари бу шаклдаги дарслар мактабларда аввал ҳам, ҳозир ҳам борлигини

таъкидлашмоқда. Масалан, одам анатомияси дарсларида ўқитувчилар қизларга алоҳида, йигитларга алоҳида дарс ўтишади. Бу ўринда қиз болаларга аёл, ўғил болаларга эркак ўқитувчи дарс берганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Аммо дарс жорий қилинган билан уни қалтис мавзуларни нозик тушунтира оладиган ўқитувчилар ўтиши шарт.

— Қатор сабабларга кўра, оммавий дарсларда ўтиладиган жинсий тарбия самара бермайди, — дейди **журналист Шарофиддин Тўлаганов**. — Фақат болаларнинг юзи очилди, холос. Жинсий тарбия яқка тартибда берилади. Қизларга тарбияни она бериши керак. Шу ўринда «ўғил болаларга ота жинсий тарбия бериши керак», деган фикрларга ҳам шахсан мен кўшилмайман. Масалан, бизнинг қишлоқда ҳеч бир ота ўғлига жинсий тарбия берганини билмайман. Шу сабабли болаларнинг юзини очадиган тарбияни мактабда бериб бўлмайди. Умуман, мактаб таълим берадиган даргоҳ, тарбия оиладан бошланади. Мактабга тарбия маскани, дея алоҳида урғу бериб бўлмайди. Мактабда эса интизомни кучайтириш керак. Темир интизом жорий қилиниши шарт. Мактабда таълим ўлда-жўлда бўлган бир пайтда жинсий тарбия дарсини ҳам киритиб, таълимни ҳам, тарбияни ҳам издан чиқариш, керак эмас.

Бизнингча ҳам, нафақат бир инсон, балки бутун бир халқ, миллат, мамлакат тақдири билан боғлиқ бу ўта нозик ва қалтис масалада шошмашошарлик ярамайди. Акс ҳолда қош қўяман, деб, кўз чиқариш ҳам ҳеч гап эмас. Хўш, бу борада сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Саида ИБОДИНОВА,
журналист.



Ҳукумат қарори билан «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг фаолияти янада такомиллаштирилади.

«Яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга пичоқ қинидан» деган мақол бор халқимизда. Бунинг замирида кенг маъно, мазмун яширин. Инсонни яхшиларга ёндаш қилгувчи ҳам, ёмондан йироқлаш-тиргувчи ҳам аслида тилдир. Шу боис ундан чиқаётган ҳар бир сўзга эҳтиёт бўлиш керак. Баъзан биргина сўз ҳам фожиага сабаб бўлиши мумкин. Алишер Маҳкамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан ҳам айнан шундай бўлди.



ҚОТИЛЛИККА САБАБ МЕРОС МАШМАШАСИМИ?

Габриель Гарсиа Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси»да ака-ука Пабло ва Педро Викариолар Сантьяго Насарни ўлдириш учун жазм қилишади. Асарни ўқиганлар бунинг яхши билади. Ҳатто бу ҳақида ҳаммага айтиб, «кимдир бизни бу жиноятдан қайтарарми-кан», деб умид қилади. Бироқ асарда одамлар шунчалик лоқайд эдиларки, уларнинг бирортаси ака-укаларни тўхтатиб қолиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаган. Оғиз жуфтлаб «бу ишни қилма», демайди. Оқибатда эса ошкора қотиллик юз беради.

Эҳтимол, Алишерни ҳам йўлдан қайтарадиган бир зот бўлганида, бу жиноятга қўл урмасди. Ғурурига тегадиган гап-сўзлар айтилмаганида, икки инсоннинг қотили бўлмасмиди?!

Мерос талашиб...

Алишер 2018 йилдан бери укаси Азамат билан мерос талашади. Ота-онасидан қолган уй-жойнинг бузиладиган худуд рўйхатига тушиши, ўрнига берилган ерни укасининг сотиб юбориши ва бузиб ташланган уйдан қолган қурилиш материаллари ўзаро низонинг асосий сабаби.

Жиноят содир этилган тунда Алишер спиртли ичимлик таъсирида бўлади ва укаси билан яна гаплашиб олиш учун унинг хонадонига боради. Азаматнинг турмуш ўртоғи Сайёра қайнақасининг чақирувига жавоб бериш учун олдида чиқади. Келинининг муомаласи, айтган сўзлари ғурурига теккан Алишер жаҳл устида ўзини бошқара олмай қолади. Натияжада келини билан бирга, жиянлари Дилнавоз ва Дилнозага ҳам пичоқ билан оғир тан жароҳати етказди. Олган жароҳатлари оқибатида Сайёра ва Дилнавоз воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади.



Фожиа қандай содир бўлди?

– 2016 йил март ойида ишлаш мақсадида Қозоғистон Республикасига кетдим ва 2019 йил май ойида қайтиб келдим, – дейди **А.Маҳкамов айбини қисман тан олиб.** – Азамат Маҳкамов кенжа укам бўлади. Ота-онадан мерос қолган ҳовли-жой 2018 йилда бузилишга тушиб, туман ҳокимининг қарори чиқди. Ҳокимият томонидан компенсация пули ҳамда 5 сотих ер майдони ажратилди. Пул ва ер укам А.Маҳкамовга берилгани ҳақида эшитдим. Шу сабабли у билан гаплашмоқчи бўлдим. Отамнинг васиятига кўра, уй-жойнинг ярми сингилларимга ва акам Азим Маҳкамовга тегишли эди. Бунинг укамга тушунтирмоқчи эдим, бироқ укамдан меросни талаб қилганимда, у ва келиним турли ташкилотларга мурожаат қилиб, меросдан улуш беришни хошлашмади. Турли баҳоналар қилиб, меросдан улуш беришни орқага чўзиб келишди. Бу ҳам етмагандек 5 сотих ерни сотиб юборишди.

Ўша куни кечги пайт кўшним Д.Исмоилов билан спиртли ичимлик истеъмол қилдим. Кейин молга пўчоқларни тўғраб бериш учун ишлатадиган пичоқни чўнтагимга солиб олганимни билмай ҳам қолибман. Ширакайф бўлганлигим учун укамнинг олдида бориш ва яна бир бор гаплашиб кўриш фикри туғилди. Уйи узоқ эмасди, шу боис пиёда укамниқига қараб

йўл олдим. Уйининг кириш дарвозаси йўқ эди. Ҳовлига шағал тўкилганди. Мен ўша шағал уюми олдида бориб, укамни чақирдим. Уйдан укам эмас, келиним Сайёра чиқди. У чиқиши биланоқ, «Эримда нима ишинг бор?», дея бақириб, ҳурматсизлик қилди. Келинимнинг менсима қилган муомаласидан ғазабланиб, ўзимни бошқара олмай қолдим ва ортимга бурилдим. Уни шағал устига итариб юбордим. Сайёранинг йиқилганини кўриб, жиянларим Дилнавоз билан Дилнозалар югуриб келди. Онасини итариб юборганим учун Дилнавоз менга қўл кўтарди. Бундан жаҳлим чиқиб, чўнтагимдаги пичоқни чиқардим ва уларга ҳамла қилдим.

Битмас жароҳат...

Маст ҳолда, боз устига, жаҳл билан содир этилган жиноятдан пушаймон Алишер вақтни ортга қайтара олмайди. «Қани энди бормаганимда, қани энди ўзимни бошқара олганимда, эҳтимол улар тирик бўларди», дея ўзини айблашдан нарига ўта олмайди. Энг ачинарлиси, бир қизнинг кўз ўнгида онаси ва опаси ҳаётдан кўз юмди. Ҳали вояга етмаган Дилноза учун бу мудҳиш воқеа фақат тан жароҳати билан из қолдирмади. Танадаги жароҳат битади, аммо қалбида, юрагининг туб-тубида қолган жароҳат асло битмайди.

– Онамнинг бўйнидан қон оқиб ерда ётарди, – дейди **судда жабрланувчи сифатида иштирок этган Дилноза Азаматова ўз кўрсатмасида.** – Амаким кейин опамга ташланди. Опамни ҳимоя қилмоқчи бўлиб, уларга яқинлашганимда менга ҳам пичоқ билан ҳамла қилдилар...

Амакиси томонидан пичоқлан-

ган Дилнозанинг ҳаёти ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли сақлаб қолинди.

Суд ҳукми

Суднинг қора курсисига ўтирган ҳар бир жиноятчига жазо муқаррар. Жамиятда содир этилган ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Адолат, албатта, қарор топади. Гарчи пушаймон бўлса-да, билиб-билмай қилса-да, бир инсоннинг жонига қасд қилиш оғир жиноятдир. Алишернинг пушаймонлиги икки инсонни ортга қайтара олмайди, қизга эса онасини. Дилноза етимлик аламини тотигга маҳкум.

Олиб борилган тергов натижаси ва хулосасига кўра, суд томонидан мазкур жиноят иши кўриб чиқилди. Алишер Маҳкамовга содир этган жинояти учун 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Унинг куч-ғайратга тўлган ёш умри энди темир панжара ортида ўтадиган бўлди.

Хулоса ўрнида

Эртами-кечми, ҳар бир инсон йўқлик сари юз тутиши табиий ҳол. Шунинг учун инсонлар кўзи очиклигида мерос масаласини ҳал қилишга ўргангани маъқул. Балки бу ҳолат бизга «ўғай» кўриниб, дилимизга ғашлик солар, аммо бу ота-она вафот этгандан кейин мерос талашиб уришгандан, яқинларига ҳам маънан, ҳам жисмонан жароҳат етказгандан кўра яхшироқ эмасми?

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади, орзу-ниятлари бўлади. Уларнинг рўёбга чиқиши учун меҳнат қилиш, машаққат чекиш, қийинчиликларни енгиш баробарида ширин сўзли, хушфел бўлиш ҳам муҳимдир. Бу яхши ниятли инсонларга хос фазилатдир. Зеро, ана шундай маданиятли инсонлар ўз умрини беҳуда совурмайди.

Ақром АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди катта консультанти.



Янги таҳрирдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Санъат йўли инсондан иқтидор билан бирга, меҳнат ва сабрни талаб қилади. Мана шу синовлардан омон чиққан, тобланган кишигина бу даргоҳда ўз ўрни ва овозига, энг муҳими, мухлисларига эга бўлади. Бугунги суҳбатдошимиз Ўлмас ОЛЛАБЕРГАНОВ ҳам мана шундай босқичлардан муваффақиятли ўта олган иқтидор соҳибидир.

— Ўзбек санъатининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида тўхталсангиз.

— Бу жуда катта мавзу. Ўзбек санъати мустақкам асосга эга. Лекин собиқ иттифоқ даврида миллий санъатимиз ҳам бироз эътиборсиз қолгани бор гап. Шу сабабми, ўша давр ёш авлоди миллий муסיқамиздан бебаҳра ўсди. Мустақилликдан кейин барча соҳалар каби миллий санъатимиз ривож учун ҳам катта ишлар қилинди. Ўзбек маданияти ва санъати деганда неча минг йиллик тарих, қанча санъат дарғаларининг неча минг йиллик тарихга эга узоқ ўтмиши қад ростлайди. Шу боис, маданият ва санъатга эътибор, бу — ажодлар ёди ва буюк келажакка бўлган эътибор десам, хато қилмаган бўламан.

— Сизнингча, санъатимизни янада ривожлантириш учун нима қилиш керак?

— Бунинг учун болани ёшликдан санъатга ошно қилиб тарбиялаш керак. Айнан бугун мана шу йўлдан борилмоқда. Яъни боғча, мактабларданок муסיқий билим бериб борилмоқда. Бу бўйича алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикаимиз бўйича болалар муסיқа ва санъат мактаблари ташкил этилиб, иқтидорли ёшлар ушбу даргоҳларда билимини боитмоқда. Умуман, муסיқа ёшлар тарбиясида жуда муҳим ўрин тутди. Шу маънода Президентимизнинг беш муҳим ташаббусларининг биринчисиди ҳам муסיқага алоҳида ўрин ажратилган.

«... аксарият мухлислар санъатни тушунмайди»

— Шоу-бизнес ва муסיқа санъати бир-бирига қанчалар боғлиқ? Аксарият ёш хонандалар санъатни шоу-бизнес деб қарашади. Бу нечоғли тўғри?

— Шоу-бизнесни санъатга умуман алоқаси йўқ. Бу дарёнинг икки қирғоғи. Афсуски, санъатни пул билан ўлчаш, моддий бойлик манбаси деб қараш оддий ҳолга айланиб қолди.

Санъатдаги мана шундай салбий ҳолатларни кўрганимда ҳафсалам йўқолиб, руҳий чекиниш юзага келади. Миллий қадриятларимиз, санъатимизни, меросимизни юзага чиқаришга жон куйдираман. Қизиқишсин, ўргансин, шунга арзийди! Битта «қочирим» ва ноламиз ўрнини ҳеч қайси бошқа миллат санъати тўлдиролмайди. Мана қаранг, рубоб, тор, ёки танбур ва дутор... Ҳозир кўпчилик фарқига бормайди, нималигиниям билмайди. 10 йиллар аввал 15 тача талаба уйимга келди. Қўлимга танбур олиб, бу муסיқа сози қандай соз, деб сўрадим. Биронтаси билмади. Биласизми, бу уларнинг айби эмас. Керак бўлса, боғчадан шуни ўргатиш керак. Мана шундай ёшлар шоу-бизнесни ҳам санъат деб қабул қилади-да. Бунга уларни айблаш керак эмас. Биз айбдоримиз, мутахассислар айбдор.

— Устозлар ҳақида фикрларингиз. Сизни шу даражага

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўлмас Оллаберганов 1971 йил 25 июль куни Бухоро вилояти Когон шаҳрида таваллуд топган. Бошланғич билимни шаҳардаги 5-мактабда олган. Сўнг 4-синфдан муסיқа ва санъат мактабидида халқ чолғуларидан қашқар рубоби бўйича ўқиган. Профессионалликка илк қадамни Бухородаги муסיқа билим юртида ўқиш билан қўйган. Билим юртини тамомлагач, 1990 йил Тошкент давлат консерваториясига имтиёзли қабул қилинади. Илк ижодини 1995 йилда Фузулий ғазали билан куйланган «Қурбон ўлам» кўшиғи билан бошлайди. Шунингдек, унинг «Паризод», «Кутаман», «Лола», «Хоразм лазгиси» каби кўшиқлари хит бўлган.

етишингизда устозларнинг кўмаги ва ёрдами қай даражада бўлган?

— Биринчи устозим раҳматли онам бўладилар. У киши мени санъатга кириб келишимда катта роль ўйнаган. Кейинчалик муסיқа мактабига ҳам онамнинг маслаҳатлари билан кирганман.

— Кун келиб ўзбек эстрадасида фақат жонли ижрода кўшиқлар айтилиши талаб қилинса, маъқуллармидингиз?

— Жуда ҳам яхши бўларди! Фақат бу ҳар бир инсоннинг, ижодкорнинг ўз қарашига боғлиқ. Аслида ижодкор ўз имконияти-

га қараб, фонограммами, жонли ижро қилишга ҳақли, деб ўйлайман. Чунки санъаткор ҳам иссиқ жон, инсон. Йил 12 ой жонли ижро қила олмаслиги мумкин. Бугун фонограмманинг кўпайиб кетишига фақат хонандаларгина сабабчи эмас, истеъмолчилар ҳам сабабчи, назаримда. Истеъмолчилар шунга рози бўлишяпти ва катта қилиб, «фонограмма» деб қўйса ҳам, оқиб келишяпти. Аслида шу даражага етишимиз керакки, ҳеч ким танимайдиган хонанда, «Истиқлол» санъат саройида «жонли ижро»да концерт берса зал тўлиб кетиши керак. Яъни мухлислар шу даражада жонли ижрога ўз муносабатини ўзгартиришлари керак. Афсуски, бизда аксарият мухлислар санъатни тушунмайди. Ўзбек муסיқа санъатини ҳис қилмайди. Аччиқ бўлса-да, буни тан олиш керак.

— Ўзингизни ўзбек эстрадаси вакили деб ҳисоблайсизми ёки классик йўналишдаги хонанда?

— Мен кўпроқ мумтоз кўшиқларни севиб тинглайман ва ижро этаман. Лекин эстрада йўналишида ҳам яратган кўшиқларим кўп. Мен учун ҳар иккиси қадрли.

— Танқидга муносабатингиз қандай?

— Танқидни тўғри қабул қиламан. Санъатим бўйича ўринли танқид бўлса, уни тўғрилашга ҳаракат қиламан.

— Мухлисларга тилангиз?

— Барча юртдошларимизга тинчлик-омонлик тилайман. Маҳалла ходимларининг заҳматли меҳнатларида куч-қувват ёр бўлсин!

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.



Ўзбек фильми халқаро кинофестивалда Гран-при ғолиби бўлди.

Кичик ёшдаги баъзи болалар сўз талаффузига қийналиб, уни бўлиб-бўлиб, яъни «о-о-о-л-ма», «н-о-о-н», «ў-ў-й-й-ин-ч-о-оқ» тарзида чўзиб айтади. Ота-она бундан ташвишланиб, мутахассис шифокорга мурожаат қилади. Бола нутқидаги нуқсонни тузатишнинг анча-мунча усуллари бор, аммо эътиборсизлик қилинса, нутқий норасолик у вояга етганида ҳам сақланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бу нуқсоннинг илмий атамаси логоневроз, оддий тилдаги таърифи эса дудуқланишдир.

Л А В Д а Ж
Т Ц М К С А Ф б К г м Б



ДУДУҚЛАНИШНИ

даволаса бўладими?



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Республикамізда 745 мингдан зиёдроқ инсонга логоневроз ташхиси қўйилган бўлиб, шундан 447 минг нафари мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар улушига тўғри келади.

2 соатлик сукунат бир кунга чўзилиб кетса...

Логоневрознинг биринчи белгилари 3-4 ёшда билиниб, бола узун сўз ва гап тузишда дудуқлана бошлайди. Нутқ тўлқинсимон кечиби, кейинчалик оддий сўзлар талаффузи ҳам қийинлашади. Ўз нутқида тўғри келмайдиган харф-товуш — «э», «и» қўшилса, ён-атрофдагилар ажабланади. Бола бирдан гапирмай жим бўлиб қолади. Бу сукунат икки соатдан бир кунгача чўзилиб кетиши мумкин бўлиб, шундан кейингина у дудуқланиб гапиришга киришади. Сўзнинг биринчи бўғини ёки бутун сўзларни гап тузиш олдидан қайтариш, сўз ёки гап ўртасида тасодифан тўхтаб қолиш кичкинтойни тенгқурлари олдида хижолатга қўйиб, уялишига сабабчи бўлади.

Айрим ота-оналар бола нутқидаги бу каби ҳолатларга бефарқ бўлиб, ўзи тузалиб кетади, дея уни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Агар нутқий бузилиш сезилган заҳоти мутахассисга мурожаат қилинса, бемор нутқини ижобий томонга ўзгартириш осонроқ кечади ва у нуқсонсиз вояга етади. Катта ёшдаги кишиларда дудуқланиш кузатилса, билингки, уни кичик ёш даврида даволатишга ҳафсала қилинмаган.

Дудуқландиган йигит армияга олинадими?

Логоневрозга учраган инсонлар ер юзининг барча минтақаларида топилади. Нутқий нуқсоннинг қайси тури — енгил, ўрта, оғир бўлмасин, одамни руҳан мағлуб этади. Унда уялиш, қисиниб-қимтиниш, омма орасидан ўзини олиб қочиш одатий ҳаёт тарзига айланади. Агар логоневроз касаллигининг клиник белгилари яққол сақланиб қолган бўлса, барча давлатлардаги сингари республикамізда ҳам армия ёшлига етган йигитларни ҳарбий хизматга олиш жиддий муаммо туғдиради.

Агар логоневроз ташхиси

қўйилган ёшлар ҳарбий хизматга олинса, у мулоқот қилишга, топшириқни адо этишга, муҳим хабарни тезкорлик билан етказишга қийналади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Ватанимизнинг муудофаа қудратида асосий куч ҳисобланган эр йигитларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишига замин яратилиши керак.

Мураккаб, аммо даволаш мумкин

Логоневроз белгилари кузатилдими, ҳеч бир ота-она дилбандига эътиборсиз қарамаслиги лозим. Ривожланаётган организмдаги нуқсонни барта раф этишга психоневрология ва логопедия фани мутахассислари ҳамкорлиги талаб қилинади. Тиббий жиҳатдан касалликка ташхис қўйилгач, беморга даволовчи бадантарбия, талаффузни яхшилашга ёрдам берадиган нафас машқлари, уқалаш муолажаси тавсия қилинади.

Логопедия фани нутқ фаолияти отогенезини ўрганади ва бунга доир ишлаб чиқилган машқлар мажмуасини тақдим этади. Амалиётда логопедик машғулот ота-она ва мутахассис келишувига мувофиқ, ҳафтасига 3-4 маротаба, 30 дақиқадан 2 соатгача кўпайтириб борилади. Логопед бола нутқини тўғрилашга мўлжалланган педагогик-тиббий воситалардан ўз ўрнида фойдаланиб борса, бир йилга бормай у равон сўзлайдиган даражага эришади. Агар логоневроз касаллиги ёши катта кишиларда давом этаётган бўлса, уни коррекция қилиш янада қийин кечади. Бунга узоқ муддат ва сабр-тоқат талаб этилади.

Раҳматилло ҚУРБОНОВ,
психоневролог.

Дудуқланиш сўз ва товушлар раволиги, талаффуз ритмидаги ўзгариш билан намоён бўладиган нутқий бузилишдир. Талаффуз бошланишидан олдин паузани узайтириш билан боғлиқ қийинчилик қандай рўй беради? Бузилиш нутқ функциясини таъминловчи тил, юмшоқ танглай, лаб мушаклари спастик қисқаришига асосланиб, спазмлар мияда мос келадиган марказларнинг ҳаддан ташқари нутқий ва ҳиссий кўзғалиши туфайли юзага келади. Натижада артикуляцион, овозли ёки нафас қисқариши кузатилиб, бу сўзловчининг ўз фикрини равон ва ритмик тарзда ифода этишига тўсқинлик қилади.

Логоневроз, асосан, 2-4 ва 5-7 ёшли болаларда 10 фоизгача учраши тасдиқланган. Ўғил болаларда қизларга қараганда кўпроқ кайд қилинмоқда.

Нутқий бузилиш нега кузатилади?

Бу савол дудуқланиб гапирадиган фарзанди бор ота-оналарни кўп ўйлантиради. Бола илк ёш давридаги юқумли касаллик билан оғриган бўлса, нимадан дир қаттиқ кўрқса, оила муҳитида унга дағал муомала қилинса, калтакланса, бу унинг нутқида салбий таъсир қилади. Яшаш шароитида соғлиқни ёмонлаштирувчи ўзгариш бўлса, ота-она томонидан доимий равишда болага китоб ўқиш, шеър ёки матн ёдлаш, такрорлаш талаб қилинаверса, бу ҳам нутқий бузилишга олиб келади. Баъзида эса

тили кечроқ чиққан 3-4 ёшдаги кичкинтойлар бирданига «булбулгўё» бўлиб кетса ҳам дудуқланиши мумкин.

Касалликнинг нечта тури бор?

Тиббиётда аксарият касалликлар бир нечта турга бўлинади. Логоневроз сиртдан қараганда, битта касаллик бўлса-да, унинг иккита тури аниқланган. Шунга яраша келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари ва даволаш усуллари билан ҳам қисман фарқланиши маълум.

Невротик логоневроз руҳий жароҳат ёки муомалага иккинчи тилни эрта киритиш орқали ривожланиб, функционал характерга эга, бош мия жароҳатланмагани учун коррекция қилинса, қисқа муддатда осон тузалади. Логоневрознинг бу тури 2-6 ёшли болаларда кузатилиб, тасодифан бошланади. Аввал умуман сўзламай қўйган бола кейинчалик гапирса, дудуқланиб қолади. Унда нотинчлик пайдо бўлиб, иштаҳаси сусаяди, кайфияти ва уйқуси тез-тез бузилади.

Неврозсимон логоневроз эса онанинг илк ҳомиладорлик даврини оғир бошқоронғилик билан ўтказишига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Туғуруқ жараёнида чақалоқ бош мияси руҳий-жисмоний шикастланса, бу унинг нафақат нутқи, балки бутун аъзоларига салбий таъсир кўрсатади. Уни тузатиш қийин кечади. Бир умрга дудуқ бўлиб қолган болалар ҳам йўқ эмас.



Тошкент давлат стоматология институтида
финландиялик профессор-ўқитувчилар иш бошлади.

БОЛАНИ БЕШИККА БЕЛАШ

унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадими?

Болани бешикда улгайтириш қадимдан қолган анъаналаримиздан бири. Баъзида шифокорлар бола саломатлигидаги жиддий ўзгаришларни ҳисобга олиб, бешикка белашни тавсия этишмайди. Аммо кундалик ҳаётда «Ҳамма болам бешикда катта бўлган, туппа-тузук, докторларинг айтаверади-да», дея қаршилик билдирадиган қайноналар ҳам йўқ эмас. Аммо бешикдан нотўғри фойдаланиш, яъни соатлаб болани унга боғлаб қўйиш, мунтазам тебратиш боланинг саломатлигига таъсир кўратмасмикан? Бола суякларининг ривожланиш босқичларида қандай аломатлар пайдо бўлиши мумкин?

Қандай касалликлар келиб чиқиши мумкин?

Инсоннинг соғлом бўлишида вужуддаги ҳар бир аъзонинг ўз ўрни бор. Айниқса, суякларимиз бақувват ва мустақам бўлса, нафақат жисмоний тетиклик, руҳий салоҳият ҳам ошиб бораверади. Болани бешикка ётқизишдан олдин унинг вужуди сиқиб йўргакланади, қўллари боғланади, оёқлари ҳам бир-бирига жуда яқин қилиб ўралади. Бу жуда нотўғри. Бола вужуди айна ўсиб-ривожланган даврда бундай ўраб-чирмаб қўйиш соғлиғига жиддий салбий таъсир қилади.

Бундан ташқари, баъзи оналар уй-рўзғор ишлари билан бандлигини рўқач қилиб, болани бешикда узоқ вақт қолдиради. Натижада жадал ўсадиган даврда бола организми эркин ҳаракат қилишдан мосуво бўлиши, кейинчалик соғлиғига, айниқса, таянч-ҳаракат тизимларининг рисоладагидек ривожланишига таъсир ўтказмай қолмайди. Шу боис она болани йўргаклашда оёқлар орасини катта очиб, қўллари бўш қўйиши, гавда бемалол ҳаракатланиши учун шароит яратиши мақсадга мувофиқдир.

Боланинг узлуксиз, узоқ вақт бешикда ётиши зарарли. Кун бўйи бешикда ётиш натижасида, айниқса, қиш ва куз ойларида бола терисига ёруғликнинг тушиши камаяди. Бу эса терида Д витамини синтез бўлишига тўсқинлик қилади ва рахит касаллигини келтириб чиқаради. Бу касаллик натижасида бола организмда кальций алмашинуви бузилиб,



суяклар юмшоқлашади, бошнинг энса қисми текисланади. Суяклар қийшиқ ўсиши кузатилади. Болани бир томонга қаратиб эмизиш туфайли кўпинча бирламчи бўйин қийшиқлиги келиб чиқади.

Сумак гигиеник талабларга риоя этилмаган ҳолатларда ишлатилганда, ташқи жинсий аъзоларда контакт дерматитлар келтириб чиқариши мумкин. Баъзан чақалоқларнинг ўзи ҳам суяклари оғригандан бешикка белаш билан чинқираб йиғлаши мумкин. Бундай ҳолатда аҳамиятли бўлиш керак. Баъзан бош соҳасида муаммо бўлса, бола бешикда ётса ҳам, уни мунтазам тебратса ҳам безовта бўлиши мумкин. Бешикка белаш чаноқ (бўкса) бўғимида дисплазия аниқланган ва дисплазия билан даволанаётган болаларда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, қиз болаларда бўкса бўғимининг оғир даражадаги артрозларини келтириб чиқариши ва ногиронликка сабаб бўлиши мумкин. Шундай касаллиги бўлган болаларни бешикка белашда эҳтиёт бўлиш керак.

Ўз вақтида кўрикдан ўтказиш керак

Бола бир ёшга тўлгунга қадар, албатта, ортопед кўригидан ўтказиб турилиши лозим. Бу хусусида оилавий шифокорлар тавсия этиб, назорат қилиб боради. Чунки боланинг ривожланиши суяк ўсиши, қўл ва оёқларининг ривожланиш босқичларини билиш муҳим. Кўпчилик боласидаги нуқсонларни юриб кетганидан кейин сезиб қолади. Худди шундай дисплазия касаллиги бўкса бўғими шаклланишида юзага келадиган нуқсондир. Агар чақалоқда шундай нуқсон бўлса, туғруқ мажмуасидаёқ ортопед кўриги жараёнида аниқланади.

Бундай болаларнинг парвариши ва ривожланишини алоҳида

назорат қилишда патронаж ҳамширанинг ўрни муҳим. Хусусан, болани йўргаклашда оёқларининг орасини кенг қилиб очиб қўйиш керак. Шунда сон бошчаси чаноқ косачасига тўла кириши таъминланади ва бўғимнинг тўғри шаклланишига имкон яратилади. Қолаверса, болани ўз вақтида ортопед кўригидан ўтказиш, белгиланган муолажаларни вақтида олиб, касалликни бартараф этиш лозим. Акс ҳолда нуқсон туфайли бўғимлар нотўғри шаклланиб, кейинчалик жиддий касалликлар юзага келиши мумкин. Бундай болаларни бешикка йўргаклаш мутлақо мумкин эмас.

Ташхис қўйиш муҳим...

Кейинги йилларда травматология ва ортопедия соҳаси ривожини янги босқичга кўтарилди, диагностика ва даволаш борасида муҳим янгиликлар амалиётга кириб келди. Эндопротезлаш, кўкрак қафаси деформациялари, сколиоз, артроскопик операциялар, блокловчи остеосинтез операциялар бунга мисолдир. Диагностика соҳасида компьютер тамограф, магнит резонанс тамограф, рақамли рентген, электрон подометрия, рентген денситометрия, бўғимларни УЗИ текшируви каби замонавий технологиялар татбиқ этилган. Буларнинг барчаси беморларга ўз вақтида ташхис қўйиш билан бирга, самарали даволаш учун қилинган чора-тадбирлардир.

Вақтида ташхис қўйилиб, даволаш ўз вақтида бажарилса, шунча

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Бешик хусусида зарур тавсиялар

- Бешикни қаттиқ ерга эмас, кўрпача устига қўйиб тебратиш керак.
- Бешикда бола фақат ухлайдиган пайти ётгани маъқул.
- Бешикни офтоб тушадиган жойга қўйиш ёки гўдакни маълум пайтларда офтобга олиб чиқиш лозим.
- Бешикни оҳиста тебратиш керак.
- Чақалоқни бир ёшгача ёки ўзи мустақил юрадиган бўлгунча бешикка белаш тавсия этилади.
- Бешик юзини сунъий матодан тикилган қалин пардалар билан ёпиш қатъиян ман этилади.
- Бешикни иситиш ускуналари ёнига қўймаслик керак. Куруқ ҳавода ион таркиби бузилиб, болага ноқулайлик туғдиради ва кўп йиғлашига сабаб бўлади.
- Вақти-вақти билан бешик пардаларини очиб, кўрпачаларини шамоллатиб туриш керак.

тез натижага эришиш мумкин. Биринчи галда оилада ота-она бунга бефарқлик қилмаслиги керак. Агар шифокор кўригидан ўтказиш кечиктирилса, баъзан даволаш учун ойлаб, ҳаттоки, йиллаб вақт сарфланади. Тўғри, медицина ривожланган. Аммо қачонки, ўз вақтида беморга муолажа қўлланилсагина фойдаси ҳам самарали бўлади. Бешикка боғлаш билан бирга, боланинг саломатлигини ҳам назорат қилиб бориш муҳим. Шундагина келгусида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Муроджон ИРИСМЕТОВ,
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори.

 Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлашнинг янги модели жорий этилади.

Ислом дини тинчлик, инсонлар ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ҳурмат ва инсоний фазилатларга даъват этувчи диндир.

Динимиз таълимотида ер юзини обод қилиш, яхши ишларни амалга ошириш, Аллоҳ берган неъматларидан фойдаланиб шукрона келтириш улкан савобларга сабаб бўлувчи солиҳ амаллар ҳисобланади. Аксинча ер юзида фиску фасод қилиш, бировнинг молига-жонига қасд қилиш, қолаверса, ўз жонига қасд қилиш каби ишлар қораланиб, улар оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади.

ХАЁТ

бир мартаба бериладиган энг қадрли омонатдир



дирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир. Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай қилса, Биз уни дўзахга киритажамиз. Бу Аллоҳ учун осон бўлган ишдир» («Нисо» сураси, 29-30-оят).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: «Аллоҳ таоло ҳадиси кудсийда марҳамат қилурки: «**Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим**». Яна ҳадисда: «Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ўша нарса билан азобланади», – деганлар (Муттафақун алайҳ).

Минг афсуски...

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда баъзи инсонларда ҳаётнинг муаммоларига сабру матонат етишмай ўз жонларига қасд қилаётганларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Буни Аллоҳ берган ҳаётига ношукрлик оқибати деб баҳолашдан ўзга чора йўқ. Бундай мудҳиш ҳолатлар нафақат ислом

таълимоти, балки Аллоҳ таолонинг қазои қадарига ҳам туғён қилиш, унга қарши бориш демақдир. Ўзини ўзи ўлдириш нақадар оғир гуноҳ эканини шундан ҳам билиш мумкинки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бундай ишни қилган кишига жаноза намозини ўқимаганлар. Шунга кўра, исломий манбаларда ўзини ўзи ўлдирган кишига масжид имом-хатиблари жаноза намози ўқиши дуруст эмас, дейилган.

Ҳар биримиз ёшлар тарбиясида эътиборли бўлиб, уларни миллий, диний қадриятларимизга амал қилган ҳолда таълим-тарбия берсак, юқоридаги номаъқул ишларни қилиб ота-онасининг юзини ерга қаратиб кетадиган эмас, жисмонан, руҳан тетик ва маънан соғлом, етук фарзандларни вояга етказган бўлардик. Шундагина бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга озгина бўлса ҳам ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Зайнилобиддинхон
ҚУДРАТОВ,
Пискент тумани бош
имом-хатиби.**

Ўз жонига қасд қилган одамни Аллоҳ таоло кечирмайди

Ислом динининг асослари бўлмиш Куръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида инсоннинг ҳаётига ноҳақ тажовуз этиш, ўзини ўзи ўлдириш, бировнинг моли, ор-номусига зарар етказиш қатъиян ман этилади. Ҳаёт инсон учун бир мартаба бериладиган энг қадрли омонатдир. Шунингдек, у Аллоҳ таоло томонидан инсонларга берилган имконият ва масъулиятдир. Аллоҳ таоло одамларга шундай имко-

ният ва масъулиятни берган экан, инсон бу неъматни қадрламоғи, бунинг учун шукроналар қилмоғи лозим. Қолаверса, Аллоҳ таоло берган шундай даражага мос ҳолда яшамоқлик лозим бўлади. Уни суистеъмол қилиб, ўз жонига қасд қилган одамни Аллоҳ таоло кечирмайди.

Одамзот бундай неъматларни асраб-авайлаб қадрлаши, унга хиёнат қилмаслиги керак, акс ҳолда энг оғир жиноятга қўл урган, ўзи эса катта гуноҳ орттирган бўлади. Куръони каримда инсон ўзининг яшаш ҳуқуқига тажовуз қилишидан ман этилган, Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай дейди: «Ўзингизни ўзингиз ўл-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хатнани тоқ ёшда қилиш керакми?

– Ўғлим ҳозир 4 ёш. Шукунларда хатна қилдирмоқчи эдик. Лекин айримлар жуфт ёшда хатна қилиб бўлмайди, тоқ ёшда қилиш керак, дейишяпти. Шу тўғрими?
**Ҳайитмурод АБРАХМАТОВ,
Қашқадарё вилояти.**

**Муҳаммад Айюб ҲОМИДОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси матбуот хизмати раҳбари:**

– Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларининг тарқ қилмайдиган одатига айланганлиги яхши иш. Хатнада закарнинг уч қисмини қоплаб турган юмшоқ тери кесилди. Ўша терини арабчада «қалафа» дейилади. Ҳанафий мазҳаби бўйича боланинг ҳолига қараб хатнани кўтарадиган бўлганда қилинади. Етти кунлик болани хатна қилиш шарт эмас. Шунингдек, заифлиги

учун хатнага чидай олмайдиганлар ҳам хатна қилинмайди. Хатна қилинмаган одам вафот этса, у ҳам хатна қилинмайди. Хатна (суннат) ҳолида туғилган шахс хатна қилиниши лозим бўлган жойида баъзи бир тери бўлса, олиб ташланади. Хатначининг айби ила хатна қилинган шахсга талафот этса, товон тўланади. Хатна муносабати ила маросим қилиш шариятда бордир. Уламолар орасида бола туғилганига етти кун ўтгандан бошлаб хатна қилинса бўлаверади, деганлари ҳам бор. Баъзилар етти ёшдан ўн ёшгача хатна қилинса, яхши бўлади, деганлар. Аммо хатнани тоқ ёшда қилиш шарт этилмаган. Бола балоғатга етгунича хатна қилигани маъқул. Ҳатто чақалоқлигида қилинса ҳам бўлади (бавл қилишда бирор муаммо туғилса, одатда шундай қилинади). Хуллас, болани хатна қилиш учун 1 ёки 3 ёшга тўлиш шарт эмас, шароитга қараб қилинаверади.

БИЛИБ ҚҲЙИНГ!

Чақалоқлар бир ёшга тўлгунча сочи олинмайдими?



– Бизда бир одат бор, чақалоқнинг ёши бир ёшга тўлмагунча сочини олдиришмайди. Бир ёшдан кейин сочи олинади. Бу одатга динимиз нима дейди?

**Ботир ТУРСУНОВ,
Самарқанд вилояти.**

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Туғилган бола ўғил ёки қиз эканидан қатъи назар, етти кунлик бўлганда сочини олдириш ва сочининг вазни миқдорида кумуш (ёки унинг қийматини) садақа қилиш Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўргатган суннатлардан ва ислом шиорларидан ҳисобланади.

Абу Амр ибн Абдулбарр раҳимахуллоҳ: «Ақиқа вақтида боланинг сочини олишни уламолар мустаҳаб санаганлар,» деб айтган.

Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар: «**Ҳар бир бола ақиқаси билан гаровлангандир. Еттинчи кунда унинг номидан жонлиқ сўйилади. Ўша кунда исм қўйилади ва сочи олинади**» (Имом Аҳмад, Термизий, Насоий ва Абу Довудлар ривояти).

Шунга кўра, бир йилгача чақалоқнинг сочини олмаслик Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ эмас. Шаръий қоидага кўра, агар урф-одатлар шаръиат кўрсатмаларига хилоф бўлса, уни тарқ қилинади. Валлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво ҳайъати.**



**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»
фахрий унвони таъсис этилмоқда.**

ИЛМСИЗ ФАТВО

«Набий (с.а.в.): «Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади. Кимки тўғрилиқ бошқа тарафда эканини билиб туриб, ўз биродарига бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади», деганлар» (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида икки муҳим масалани баён қилмоқдалар: биринчиси — илмсиз кишининг фатво бериши мумкин эмаслиги, иккинчиси — билиб туриб, бировга нотўғри йўл кўрсатиш хиёнат экани.

Гуноҳи кимнинг бўлишида?


Бир мусулмон одам қилмоқчи бўлган иши шариатга мувофиқ бўлишини хохлади, дейлик. Аммо уни қандай қилса, тўғри бўлишини билмай, бир кишидан ўша ишнинг ҳукмини сўради. Чунки ўша одам бу ҳукми билса керак, деб ўйлади. Аслида ўша фатво сўралган одам фатво беришга қодир бўлма-са, мазкур ишнинг ҳукмини аниқ ва ишончли равишда билмаса, «билмайман» деб айтиши керак эди. Энди савол туғилади: фатво сўралган одам ўзича тахмин билан нотўғри жавоб берсаю, сўраган одам соф ният билан Аллоҳ динининг ҳукми шу экан, деб, ҳалиги нотўғри ишни қилса, нима бўлади?

«Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади».

Демак, нотўғри ишнинг содир бўлишига ўша илмсиз равишда фатво берган киши сабабчи бўлади. Агар у нотўғри фатво бермаганида, ҳалиги одам бошқа биладиган одамдан сўраб, ишнинг тўғри ҳолда амалга оширган бўлар эди. Нотўғри фатвога ишониб, савоб ниятида нотўғри ишни қилган кишига эса гуноҳ бўлмайди. Аммо у киши фатвоининг нотўғри эканини билиши билан ўша ишни тўхтатиши, иккинчи бор ҳалиги жоҳил одамдан фатво сўрамаслиги лозим. Ўзи учун ишончли, тақводор, инсофли ва билимдон устоз топишига тўғри келади.

Яна бошқа бир киши келиб, бир одамдан маслаҳат сўради: «Фалон нарсани амалга оширишим учун қайси йўлни тутмоғим керак?». Сўралган одам ўша нарсани амалга ошириш учун қайси йўлни тутса яхши бўлишини билади. Аммо

гуноҳ ва хиёнатга йўл очади



ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

Ҳазрати Али (р.а.) Набий (с.а.в.)дан сўрадилар: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар менга бир масала рўбарў бўлса-ю, мен унинг ечимини Аллоҳнинг китобидан ҳам, Расулининг суннатидан ҳам тополмасам, унда қандай йўл тутай?» Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Фақиҳ ва обидлар билан маслаҳатлашинглар, бу ишда хос бир фикрни жорий қилманг» дедилар (Имом Табароний ривоятлари). * * *

Диндан беҳабар бўлатуриб, диний саволларга жавоб беришга журъат қилиш жуда катта хатар ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Фатвога журъатли бўлганларингиз дўзахга журъатли бўлганингиздир», деганлар (Имом Дорамий ривоятлари). * * *

Буюк муҳаддис олим Яҳё ибн Маъиндан сўрашди: «Мингта ҳадис билган одам фатво бериши мумкинми?». У зот: «Йўқ», — деди. «Икки мингта ҳадис билган одамчи?», — деб яна сўрашди. У зот: «Йўқ», — деди. «Беш мингта ҳадис ёдлаганчи?», — дейишганида: «Бу ҳам фатво беришга камлик қилади», — деган эканлар.

унга ишониб, йўл сўраган одамга билатуриб, бошқа, нотўғри йўлни кўрсатди. Бундай алдамчи одамни ким деб баҳолаш мумкин? Ушбу ҳадиси шарифда бундай кимсалар куйидагича баҳоланмоқда:

«Кимки ўз биродарига тўғрилиқ бошқа тарафда эканини билиб туриб, бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади».

Ҳадисдан қандай хулоса чиқармоқ керак?

Шу ўринда «ўз биродарига» деган иборатга эътибор берайлик. Бундан ўртада биродарлик алоқаси бор одамга нисбатан мазкур ишни қилиб бўлмаса-да, биродар бўлмаган кишиларга нисбатан қилаверса бўлар экан, деган тушунча келиб чиқмаслиги лозим. Ислом муомала бобида барча инсонларни бир-бирларига биродар деб билади. Ислом ҳукми бўйича ҳатто ғайридинларга ҳам ёлғон гапириб, уларни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда барча одамларнинг биродарлиги кўзда тутилмоқда.

Одатда ишончга, омонатга хиёнат қилган одам «хоин» дейилади. Бир одам иккинчисига ишониб, ундан бир ишни қандай қилай, деб сўраши омонатдир. Ўша сўралган одам ишонччи оқлаб, тўғри жавоб берса, омонатга хиёнат қилмаган бўлади. Агар билиб туриб, бошқа нарсани айтса, хиёнат қилган бўлади. Демак, бир одам қайси бир нарсани сўраса ҳам, билиб, аниқ жавоб бериши керак. Билмай туриб, жавоб бериш ҳам, билиб туриб, нотўғри жавоб бериш ҳам гуноҳ бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир масалани аниқ билмай туриб, фатво бериш мумкин эмаслиги.
2. Бир масалани билмай туриб, фатво берган одам гуноҳкор бўлиши.
3. Унинг нотўғрилигини бил-



Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф
(«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан).

май, ихлос билан нотўғри фатвога амал қилган одам гуноҳкор бўлмаслиги.

4. Сўралган масалани билган одам тўғри жавоб бериши зарурлиги.

5. Тўғри йўлни билиб туриб, бошқа йўлни кўрсатган одам хоин ва гуноҳкор экани.

«Намоз ўқимаса ҳам бўлаверар экан»

Энди ушбу ҳадиси шариф ҳукмини бугунги ҳаётимизга солиштириб кўрайлик. Билимсиз равишда фатво бераётганлар қанчалар кўп. «Намоз ўқимаса ҳам бўлаверар экан», «Ароқни ичиш эмас, маст бўлиб, кўчада тўполон қилиб юриш ҳаром экан» қабилдаги гапларни айтадиганлар ҳар қадамда учраб туради. Баъзи бир чаласаводлар эса икки-уч оғиз нарсани чала ёдлаб олиб, мусулмонларнинг ярмидан кўпини кофир ёки мушрикка, дунёдаги аксар нарсаларни ҳаромга чиқариб юбордилар. Икки томон ҳам Аллоҳдан кўрқмайди, охирагини ўйламайди.

Билиб туриб, тўғриси айтмайдиганлар ҳам оз эмас. Дунёнинг мансабини ўйлаб, бойларга ва зўравонларга яхши кўринаман деб, шариатнинг ҳукмини эмас, ўшаларнинг хоҳишини айтмаётганлар ҳам ҳаммага маълум. Бу икки ҳолат ҳам ўз эгалари ва мусулмонлар бошига кўпгина бало-офатлар ёғдириши турган гап. Бундай бало-офатлардан қутулиш учун ҳар ким ўз чегарасини билиши керак. Шаръий илмдан узоқ кимсалар инсоф қилиб, диний ишларга аралашмасликлари, фатво беришга ўтмасликлари фарз. Ким фатво бермоқчи бўлса, хато гапнинг гуноҳи ўз бўлишига тушишини ўйлаб қўймоғи лозим.

Шариат аҳкомларини биладиганлар эса Ислом таълимотларини, шариат ҳукмини тўғрилигича етказиши лозим. Агар тўғриси айтиш жонига таҳдид соладиган бўлса, унда жим турсин, тўғри нарсани билатуриб, тескарисини айтмасин. Бир оғиз сўзи билан қанчадан-қанча одамлар залолатга кетишига, гуноҳга ботишига сабабчи бўлмасин. Беш кунлик дунёнинг матоҳини деб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам охирагини куйдирмасин.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

тарихини биласизми?

Инсоният пайдо бўлибдики, жамиятнинг тарақиёт жараёни ҳеч тўхтаган эмас. Худудий бўлинган халқ, қабила, уруғ ва жамиятнинг бошқа кўринишида жамоаси бир-бири билан маълум бир йўналиш орқали алоқада бўлишган. Ана шундай боғланишлардан бири савдо йўли ҳисобланган.



Шарқ билан Ғарбни боғловчи савдо йўли тарихда «Буюк Ипак йўли» номини олган. Миллоддан олдинги минг йилликда пайдо бўлган бу йўлни илмий тилда «Ғарбий меридионал йўл» деб аталган. «Буюк Ипак йўли» атамаси эса немис олими К.Рихтгофеннинг ихтироси. Шарқдан, яъни Хитойдан Ғарбга (Византия) борадиган бу йўл савдо молларинигина эмас, балки маданиятни, урф-одатни ҳам олиб кирган.

Ипакнинг савдога қандай алоқаси бор?

Бу савдо йўли номида «ипак» иборасининг ишлатилиши ҳар бир ўқувчида: «Ипак нима? Ватани қаер? Савдога қандай алоқаси бор?» каби саволлар тугдиради. Тарихда ипакнинг ватани Хитой деб тан олинган. Аммо бу масалада олимлар орасида баҳслар бўлиб ту-

ради. Масалан, Ҳинд олими Мукержи гарчи Ҳиндистонда ипакнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида ишонарли маълумот бера олмасда, у ипак Хитойда пайдо бўлиб, бошқа ерларга тарқалди, деган фикрга қарши. У Ҳиндистоннинг тоғли туманларида ёввойи ипак қурти тут дарахтлари устида пилла қилишлари ҳақида хабар беради.

Хитойда ипак ва ипакчилик ҳақида ривоятлар кўп. Ана шу ривоятларга кўра, Хитойда ипакчилик миллоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган. Хитой императори Чин Чонг вақтида ипак ва ипак қурти, тут плантацияларини кенгайтириш алоҳида давлат эътиборида бўлган. Чунки бу соҳадан тушган даромад ниҳоятда катта эди.

Бошқа бир ривоятда миллоддан аввалги 2698 йили, яна бошқа бир ривоятда эса миллоддан аввалги 2600 йилда Хитой маликаси Си Линг Чи боғда, тут дарахтлари соясида чой ичиб ўтирган чоғида унинг пиёласига пилла тушиб, у иссиқ чойда юмшаб, толалари ёйилиб кетади. Малика пилла ипларини пиёладан олиб ташлашга қанча интилмасин, унинг узундан-узун толалари чувалиб бўлмагунча чойни ипак ипидан тозалай олмайди. Ривоятда айтилишича, пилла толасини олиш усули ана шу воқеадан сўнг маълум бўлди.

Хитой халқи пилла калавасини топиб олишни осмон худоси Си Линг Чига насиб этди, Си, бу – осмон худосининг назари тушган малика, деб илоҳийлаштирилди ва унга атаб ибодатхоналар қуради. Ҳозиргача Хитойда малика Сига атаб ҳар йили ипак байрами нишонланади.

Савдо ва дипломатик алоқалар ривожланган

Ипакнинг ватани Хитой эканлиги ҳақидаги ривоятлар археологик материаллар асосида ҳам тасдиқланган. Ипак етиштириш

кейинчалик Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жанубий қисмларида кенг тарқалган.

Хитой императорлари Ипак йўли орқали Ғарбда жойлашган мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар қилганлар. Улар ўз элчиларини катта совға-саломлар билан Қозоғистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия ва Кичик Осиё давлатларига юборган. Масалан, Хитой сайёҳи Ган Ин 97 йилда форс қўлтиғига бориб етган. Македониялик Май Тициан эса 100 йилда Ланчмодгача етиб борган.

От савдоси алоҳида аҳамият касб этган

Аммо Ўрта Осиёликлар ҳамда эронликлар Хитой билан Византия ёки Хитой билан Яқин Шарқ ўртасида бевосита савдо алоқаларининг тикланишида манфаатдор эмас эдилар. Чунки бу ҳаракатнинг «остида» жуда катта иқтисодий сиёсат ётар эди.

Ипак йўли учун кураш III асрдан бошланиб, Эрон ва Ўрта Осиё ўртасида ҳаёт-мамот кураши тусини олган. Бу эса баъзи бир давлатлар учун катта иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Лекин айрим давлатлар учун катта фойда келтириб, ўрта асрларда савдо йўллари бўйида шаҳарларнинг кенгайишига ва янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Ипак йўлида от савдоси алоҳида аҳамият касб этган. Ипакнинг баҳоси нақадар юқорига кўтарилса, отнинг баҳоси ҳам шундай кўтарилган. Савдо йўлида жойлашган шаҳарларда мол айрибошлаш яхши йўлга қўйилган. Ғарб ва Шарқ дунёси ўртасида фақат савдо эмас, балки хўжалик юритиш борасида янгиликлар, янги ихтиролар ҳар бир давлатга кириб борган.

Буюк Ипак йўли XX асрда маълум бир сабаблар туфайли аҳамиятини йўқотган бўлса, ҳозирги кунда уни қайта тиклаш ҳаракати бошланди.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори,
профессор.

«Retro-sahifa» «ЎЗБЕКИСТОН» МЕҲМОНХОНАСИ



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси Тошкентнинг энг машҳур меҳмонхоналаридан бири. У 1974 йилда шаҳарнинг қоқ марказида қурилган. Меҳмонхона ойналаридан Амир Темури хиёбони кўриниб туради.

Бино 17 қаватдан иборат бўлиб, жами 315 та хонаси мавжуд. Меҳмонхона ер қимирлашига чидамли бўлиши учун ярим айлана шаклида лойиҳалаштирилган. Меҳмонхонанинг архитектураси ўзида замонавий, европа услубларининг миллийлик билан уйғунлигини мужассамлаштиради. Бу ерда Европа стандартларига тўлиқ риоя этилган ҳолда, аммо шарқ анъаналарини унутмаган ҳолда хизматлар кўрсатилади.

Меҳмонхона мажмуасида 2 та 330 кв.м. кенгликдаги анжуманлар зали ҳамда 2 та 2020 кв.м. кенгликдаги 550 ўринга мўлжалланган банкет заллари мавжуд. Меҳмонхона мажмуаси Амир Темури метро бекатининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, халқаро аэропортгача 10 км., Шимолий вокзалгача 7 км. масофадир.

Вазирлик ва идораларда матбуот хизмати штат бирликлари сони оширилади.

РУС — ХИТОЙ

яқинлашуви АҚШ

сиёсатининг маҳсулими?



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Пентагон маъмурлари Хитой ва Россияга қарши туриш учун ҳарбий пактларни мустаҳкамлашга чорламоқда. Улар таъбирга кўра, АҚШ мудофаа стратегияси террорчиликка қарши эмас, балки Москва ва Пекинга қарши узоқ муддатли рақобатга қаратилган. Бу ўринда америкаликлар ассиметрик устунликка эга. Уларнинг бутун дунё бўйлаб шериклари бор, душманлари эса 10 тага етмайди.

Экспертлар Вашингтоннинг чакириғига Москва ва Пекин қандай жавоб қайтариши мумкинлигини муҳокама этишмоқда. Уларнинг муносабати ўзаро манфаатларга асосланган ҳарбий иттифоқ аломатлари касб этаётгани борасида фикрлар бор. Пентагоннинг янги ташаббуслари АҚШ билан альянсга «бир хилда фикрловчи демократик» давлатлар қўшилишини кўзда тутаяди. Яъни НАТО типидagi мавжуд бирлашмалар ёки Япония, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатлар олдида АҚШнинг мудофаа мажбурияти етарли эмас. Американинг жанговор машинасига Ҳиндистон ва Индонезия каби мамлакатларни жалб этиш лозим.

Улар билан, албатта, иш олиб борилмоқда. Индонезия, сўнгра Ҳиндистонда Пентагон собиқ раҳбари Марк Эспер меҳмон бўлиб улгурди. Бир нарса тушунарсизки, Индонезия демократик давлатлар рўйхатига киритилган. Ваҳоланки, халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Папуа ва Ғарбий Папуада оммавий норозиликлар куч билан бостирилгани ҳақида жар солмоқда. Осиёнинг бу қудратли давлатларидан ташқари, Пентагон Мальта, Мўғулистон ва Палау каби давлатларни ҳам ўз қаноти остига олмоқчи. Пентагон концепциясига кўра, Америкага шерикларнинг ўзи талпиняпти, Хитой эса иттифоқчиларни молиявий тузоқ ва босим ёрдамида эгалламоқда. Мисол сифатида Мьянма, Камбоджа ва Лаос каби заиф давлатларнинг номи келтирилади. Россиянинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидagi иттифоқчиларнинг ахволи ҳам у қадар яхши эмас.

Муаммолар йўқ эмас, бироқ ўзаро ҳамфикрлилик бор

Мана шундай бир мураккаб



вазиятда стратегик шериклар — Хитой ва Россия муносабатларини реал ҳарбий ҳамкорлик ёки виртуал ҳарбий альянс деб аташ мумкин. Бунинг исботи ўлароқ, биринчидан, Россиянинг Хитойга ракета ҳужумидан огоҳлантирувчи тизимни бериши, иккинчидан, ўтган йили Россияда «Марказ — 2019» ҳарбий ўқув машқларининг ўтказилишини келтириш мумкин. Хитой ва Россиянинг ракета ҳужумига жавоб қайтариш борасидаги биринчи қўшма машқлари 2016 йилда ўтказилди.

Энг асосийси, Москва Пекинга эксклюзив ноу-хауни топширдик, бу АҚШ ҳужумини қайтариши ва жавоб зарбаларининг имкониятини сақлаб қолишга имкон беради. Бу стратегик балансни сақлаб туришда ўта муҳим. Россия президенти Владимир Путин ҳам ракета ҳужумига қарши тизимни яратишда Хитойга ёрдам берилганини тасдиқлади. Бу ўзаро ишончдан далолат беради. Демакки, Москва фикрича, ҳеч қандай ҳолатда Хитой билан муносабатлар душманона бўлмайди.

Ҳамкорлик махсус хизматлар ўртасида ҳам, террорчиликка қарши кураш ва бошқа ҳиссиётли соҳаларда ривожланиб бормоқда. Сир эмас, рус — хитой яқинлашуви, бу — АҚШ сиёсатининг маҳсули. Ушбу яқинлашув 2014 йилда, АҚШ Россияга қарши санкция қабул қилганда, 2016 йилда Вашингтон Хитой билан савдо урушини бошлаганда рағбат тусини олди. Тўғри, Хитой ва Россия ўртасида қатор масалалар юзасидан тафовут сақланиб қолмоқда. Масалан, Хитойнинг қўшнилари билан боғлиқ худудий баҳсларни олайлик. Россия бу муаммоларни икки томонлама асосда, келишувлар йўли билан ечиш лозим, деб ҳисоблайди. Пекин Қримни Россиянинг бир қисми деб ҳисобламайди, Абхазия ва Жанубий Осетия мустақиллигини тан олмайди. Аммо улар икки томонлама муаммоларни келтириб

чиқармайди, ўзаро ҳамфикрлилик бор.

Қолаверса, Россия ва Хитой БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва ЖАР) имкониятидан фойдаланишга уриниб кўрадилар. Ўтган ҳафта Россия президенти раислигида видеоконференция шаклида саммит ўтказилди. 2006 йили бирлашма таъсис этилганида иштирокчи давлатлар жаҳон иқтисодиётининг драйверига айланишини кутгандилар. Мазкур вазифани фақат Хитой уддалади. Экспертлар наздида, Пекин ва Москва БРИКСнинг халқаро ролини оширишга уринар экан, гуруҳнинг Вашингтон томонидан бўладиган иқтисодий ва сиёсий босимига тўсиқ бўлишига умид қилаяпти.

Трамп кетар чоғида нимани кўзлаган?

Ҳозирги шароитда Вашингтон Хитойни рақиб, Россияни мухолиф, деб санайди. Оқ уйнинг ҳозирги хўжайини Пекинни жазоламоқчи, чунки Хитойда юзага келган пандемия унинг иккинчи муддатга сайланишига халал берган деб ҳисоблайди. «Қора рўйхат»га имкони борича кўпроқ Хитой давлат компаниялари ва амалдорларини киритишмоқчи. Амалдаги президентга яқин Америка администрациясининг катта ходимларининг айтишича, ўз лавозимидан кетишига 9 ҳафта қолган бир пайтда Трамп кескин сиёсий қарорлар қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Мақсад — Хитойга доир меросини бетонлаб ташлаш. Жозеф Байден маъмурияти учун Хитойга нисбатан курсни сиёсий жиҳатдан ўзгартиришни имконсиз қилиб қўйиш. Бу жиддий қадам.

Бундан ташқари, Трамп администрацияга Хитойга нисбатан қаттиққўл сиёсат юритиш қарашларига эга экспертларни бирмунча масъул лавозимларга ўтказиш ниятида. Миллий хавфсизлик кенгаши вакили Жон Эллиот вазиятни шундай ифодалайди: «Президент

Трампнинг тарихий қарорларини бекор қилиш АҚШнинг бўлғуси президентлари учун сиёсий ўзини ўлдириш билан тенг бўлади».

Шуни эслатиб ўтиш керакки, Трамп ва жамоасининг Хитойга қарши «салбча юриши» ғоявий шакланган қарашларга эга. Унинг жарчиси — Давлат котиби Майк Помпео. У Хитой Коммунистик партиясини авторитар, шафқатсиз ва инсон ҳуқуқларини топтайдиган марксча-ленинча монстр деб атади. Унинг айтишича: «Охир-оқибат Хитой халқи худдики Совет Иттифоқи халқи каби ўз мамлакатининг тарихий тақдирини хал қилади». Америкалик шарҳловчиларнинг ёзишича, Байден уларни жиддий қабул қилмас, бироқ Трампнинг мероси билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Янги президент қандай йўл тутаяди?

Трампнинг режалари Хитойни эмас, балки Россияни жазолаш чоралари кучайтирилган Обама президентлигининг охирига ҳафталарини эслатади. Масалан, АҚШдан россиялик дипломатлар сургун қилинган. Трамп ҳам худди шу йўлдан юради, фақат Хитойга қарши. Агар эпидемия юз бермаганида, унинг қайта сайланиш имконияти юқорироқ бўларди. Чунки 2020 йил бошида иқтисодий вазият жуда мақбул бўлган. Шунинг учун у АҚШ сиёсатида аксилхитой тенденциясини мустаҳкамлашга уринади. Бошқа томондан, Байден ҳам Шинжон, Гонгконг учун санкцияларни кучайтириши мумкин. Ахир, Демократик партия Трампни фақат савдо, иқтисодиёт ҳақида қайғуриб, ҳуқуқ мавзусига эътибор қилмасликда айблаган. Очиқ айтиш керак, Хитойни танқид қилиш, бу — республикачилар ва демократлар жўр бўлиб қуйлайдиган соҳа ҳисобланади.

Мана энди берилмаган имконият учун Байдендан ўч олиш имконияти пайдо бўлди. Бир вақтлар Трампнинг Россия билан муносабатларини яхшилаш интилишига демократлар тўсқинлик қилиб, уни хоинликда айблашгача боришди. Ана энди республикачилар Хитой масаласида айна ишга қўл уриши турган гап. Агар Байден муносабатларни яхшилаш сари қадам ташласа, у ҳолда республикачилар уни мамлакат манфаатларига хиёнат қилишда айблаш мумкин.



Хитой бозорига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган асални экспорти учун йўл очилди.

Спортга эътибор қаратилмапти, ривожланмапти, янги марралар забт этиляпти. Бироқ ҳануз барча спорт турлари бўйича мураббий топа олмаяпмиз. Шаҳар марказида-ку, исталган тур бўйича тўғаракни ҳам, мутахассисни ҳам топиш мумкин. Бироқ чекка ҳудудларда-чи?

Ҳаминқадар ташкил этилган тўғаракларда машғулот ўтаётган мураббийлар талабга жавоб берадими? Аслида бу саволни республикада фаолият юритаётган ҳар бир спорт соҳаси кадри учун қўлласа бўлади. Чунки бизда соҳа кадрларини тайёрлаш, малакаю маҳоратини ошириш масаласига деярли эътибор қаратилмаган.

Хўш нега? Бу нима билан боғлиқ? Ўзи спорт йўналишлари бўйича бизда кадрлар етарлими? Мавжуд мутахассислар соҳасини қай даражада яхши билади? Уларнинг салоҳияти бугунги кун талабларига жавоб берадими? Айни саволлар билан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг фан, спорт ва таълим муассасаларини илмий-методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Азиз ҲАСАНОВга мурожаат қилдик.



бошлиғи Азиз ҲАСАНОВга мурожаат қилдик.

Муаммолар йўқ эмас?

– Мустақиллик йилларида жаҳонга тез фурсатда танилиш, сиёсий майдонда Ўзбекистон номи ва мақомини мустаҳкамлаб олиш мақсадида олий спорт мусобақаларида натижадорликка эътибор кучайтирилди, – дейди Азиз Ҳасанов. – Мақсадга ҳам эришилди. Аввалига бу тўғри қарор эди, чунки бугун мамлакатимиз спорти жаҳонда ўз ўрнига эга. Бироқ спорт соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва илмий салоҳиятини ошириш масаласига эътибор сусайди. Шунинг учунми, ҳозир соҳанинг «локоматив»и йўқ. Уни тубдан ислоҳ қилишга эҳтиёж бор. Йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган



СОҲА КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

талабга жавоб берадими?



муаммолар ечимини кутяпти.

Чунончи, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, оммавий ва арзон спорт инвентарлари ҳамда тренежерларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Бу борада хусусий ва кичик бизнес секторларига имкониятлар яратиш, таълим муассасаларида мини-стадион, сузиш ҳавзалари ҳамда бошқа иншоотларни қуриб фойдаланишга топширишда ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш керак.

Спорт турлари бўйича мутахассислар етарли эмас. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 ноябрдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу каби муаммолар, спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб масалаларини ҳал этиш учун муҳим дастуриламал бўлди.

Янгилиги нимада?

– Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиали, шунингдек, Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқот-

лар институти ташкил этилади. Институт 2021 йил 1 январдан иш бошлаши белгиланди. Жорий йил 1 декабрдан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) фаолияти устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади. Университет ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритадиган Республика илмий-услубий кенгаши ҳам ташкил этилади.

Сифат кафолатланадими?

– Ҳужжат билан янги ташкил этилган филиаллар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилди. Бу муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрланиши, республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳамда очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга қўмаклашиши лозим.

Институт керак эди?

– Спортда илм-фанни ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлашни бугуннинг ўзи талаб қилмоқда. Янги ташкил этиладиган Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти айна мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Қарор билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг назарий ва илмий

методологик асосларини яратиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фундаментал илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, халқаро ҳамда маҳаллий илмий, амалий грант лойиҳаларини жалб этиш институтнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Эндиликда малакали спортчиларнинг ўқув машғулот йиғинларини ўтказиш даврида комплекс илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни кенг қўллаш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилади. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни халқаро мусобақаларга тайёрлашда илмий-методик жиҳатдан қўмаклашилади.

Боғчаю мактабда спорт ривожланади

– Бундан ташқари, спорт психологияси, диетологияси, реабилитацияси ва тиббиёти бўйича илмий-услубий тавсияномалар, ўқув-қўлланмалар, дарсликлар нашрга тайёрланади. Аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, самарали, илмий асосланган воситалар ва услубларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратилади. Спортчиларнинг функционал, биокимёвий, психодиагностика, биомеханик иш қобилиятини диагностика қилиш ва коррекциялаш тизими йўлга қўйилади. Республикадаги боғча, мактаб ва олий таълим муассасалари учун жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича таълим стандартлари ва фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, шу жумладан, аудио, видео ва электрон дарсликлар, онлайн дарслар ҳамда бошқа турдаги илмий-методик материаллар тайёрланади.

Сўнгги гап

Қарорда чиндан ҳам, соҳа ривожини таъминлашга қодир кадрлар тайёрлашнинг аниқ йўл-йўриғи кўрсатилган. Ҳамма гап унинг нечоғли амалиётга татбиқ этилишида қолган. Демак, вазифалар ижроси учун амалга ошириладиган ишларни кузатамиз. Қоғозда тизимли, рисоладагидек қайд этилган катта марралар забт этиладими ёки йўқ, бунга тез орада гувоҳ бўламиз. Боз устига, натижа учун белгиланган муддатлар узоқ эмас. Мавзуга эса яна қайтамыз.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.




Тошкент дунёнинг яшаш учун арзон шаҳарлар бешлигига кирди.

Султонга дарс берган қул

Аёз исмли бир қул тақдир бўлиб, Султон Маҳмуднинг хизматкори бўлибди. Султон қулининг одоб-ахлоқини кўриб, уни яхши кўриб қолибди. Шунчалик ишончини қозонибдики, бутун салтанатнинг хазинабони этиб тайинланиб, саройнинг барча хазинабойликлари унга топшириладиган бўлибди.

Бу ҳолатни кўрган саройдагиларнинг баъзилари унга ҳасад қилишибди. Ҳасад ва кибрлари туфайли «шундай оддий бир қулга бунчалик катта мавқе берилиши»ни ва ўзларининг шу даражада ҳам обрўлари йўқлигини сингдира олмадилар. Ҳолат шундай давом этгач, Султонга ҳар куни, ҳар хил баҳона билан Аёздан шикоят қила бошлашибди. Унинг обрўини тушириш учун қўлларидан келган ҳамма йўлни синаб кўришибди.

Кунларнинг бирида Султоннинг ҳузурида бир сарой аёни иккинчисига: «Қул Аёз хазинага тез-тез қатнайди деган бўлиб қолди, биласанми? Менимча, у гавҳарларимизни ўғирлаб юрибди. Бунга аминман», дебди.



Буни эшитган Султон қулоқларига ишонмай: «Ҳақиқатан ҳам, шундаймикан, шундай бўлса ўз кўзим билан кўрайин» деб, хазина хонаси деворига кичкинагина тешикча тешдирибди. Шундай қилиб, ичкарида бўлаётган нарсаларни томоша қилишни бошлабди.

Кеч тушибди, қул секин сарой хазинасига бориб, эшикни ҳам билдирмасдан ёпиб ичкарига кирибди. Султон қулнинг сандиқ

олдига яқинлашганини кўрибди. У ерда яшириб қўйгани кичкинагина бир тугун экан. Тугунни ўпиб, пешонасига суртиб уни очибди. Ичидан қуллик пайти кийган эскитуски кийими чиқибди. Уни кийиб ойнанинг олдига ўтибди.

Ўзига ўзи: «Авваллари шу кийимни кийиб юрганинда ким эканлигини эслайсанми?» — деб сўрабди. — Ҳеч ким... Бор-йўғи сотиладиган қул эдинг, холос. Аллоҳ сенга Султоннинг қўли билан,

лойиқ бўлмасанг ҳам Ўз раҳматидан шундай неъматларини лутф қилди. Асло қаердан келганини унутма! Чунки мол-мулк инсоннинг ақлини олади, унутишга мажбурлайди. Шундай экан, сен ҳам сендан камроқ неъматга эга бўлганларга паст назар билан қараб, кибрланма! Буни асло унутма, эй Аёз! — деб сандиқни ёпиб, қулфлабди ва секингина эшикдан чиқибди.

Хазинадан чиқар-чиқмас, Султон билан юзма-юз келибди. Шунда Султон Аёзга қараб туриб, кўзидан дона-дона ёш оқа бошлабди. Султон гапиришга ҳам қийналиб, томоғига нимадир тикилгандай бўлиб ўзини мажбурлаб бўлса ҳам қулига шундай дебди:

— Бугунга қадар бойликларимнинг хазинабони эдинг. Энди... Қалбимизнинг ҳам хазинабонига айландинг. Менга, ҳақиқий Султоним олдида ҳеч ким эканлигимни ва унга қандай муносабатда бўлишим кераклигини ўргатдинг...

Манба: Жалолиддин Румий.
«Маснавий»
Турк тилидан
Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ
таржимаси.

Она дуоси

Бир ёстиққа бош қўйган инсони автоҳалокатга учраб, ҳаётдан кўз юмганида тўрт фарзанднинг онаси эди. Болалари ҳали мактабда ўқирди. Уч қиз ва бир ўғилни ёлғиз она катта қилди.

Кеча-кундуз ишлаб, «фарзандларим ўксинмасин, бировдан кам бўлмасин», дея тиним билмади. Ойлар йилларга уланди, болалар вояга етди. Бири тижорат қила бошлади, иккинчиси олий таълим муассасасига ўқишга кирди. Бошқалари хунар ўрганди.

Тўнғич қизи каттагина бизнесни йўлга қўйди, оила қурди, аммо онасига ёрдам берай демади. Иккита нон кўтариб келишни ҳам билмасди. «Майли, тиниб-тинчиб юрса бўлгани», дея она ўксинмади. Фарзандини ўйлайдиган меҳрибон, муштипар она қизини дуо қилишдан чарчамасди. Лекин савдо-сотиқ қилиб, пул топиб, бойлик тўплагану онасининг ҳолидан хабар олмас қизга оналик бахти насиб этмади.

Ўртанча қиз олий маълумотли бўлди, лицейда математикадан дарс берди. Отаси каби ўқитувчилик қилди. Икки фарзандга она, бир инсонга вафодор рафиқа, онасига меҳрибон фарзанд... Йиллар уни ҳам синадими, турмуш ўртоғи ҳаётни эрта тарк этди. Фарзандлари билан ота уйига қайтди. Ёнида суянгувчи онаси, фарзандлари борлиги учун асло ўксинмади. Оила юкини ўз гарданига олди, барчани таъминлашга уринди. Синглисини узатди, укасини уйлантирди.



Кенжа қиз оила қурди, аммо унинг ҳам ҳаёти ўхшамади. Қайнонанинг қайишгани, оиладаги нотинчлик сабаб туғилишга улгурмаган эгиз фарзандлари нобуд бўлди.

Шунда ҳам қайнонага инсоф битмади. Зўравонлик ва таҳқирланишдан чарчаган қиз ажралишга қарор қилди. Қизининг бу ҳолини кўрган онанинг қалби вайрон бўлди, ич-ичидан куйди-ю, «сабр ва дуо қилган инсонга Аллоҳ бахт беради», дея овутиди.

Ёлғиз ўғил оила қургач, алоҳида яшай бошлади. Оиласи, фарзандлари билан бўлиб онаси ҳақида унутди. Билмасдики, она хаста. Йиллар эмас, ғамлар уни қаритди гўё. Шифокорлар танасига ўсимта тарқаб кетганини айтишди. Умид йўқ... Сўнги кунларини яшаётган хокисор, муштипар она қўлини дуога очди. Фарзандларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинч ва бахтли ҳаёт тилаб қўлини юзига қўйди.

Беҳзод УРУНОВ.

«Наушник»

Нигора турмуш ўртоғини янги телефон олиб бермагунча қўймади. Ниҳоят, замонавий телефонли бўлди-ю, уй юмушларини четга суриб, вақтини смартфонда ўтказишга одатланди.



Ишини бажарар-бажармас қулоқчинини тақиб, гоҳ мусиқа тинглар, гоҳ дугоналари билан ғийбатлашарди. Орада ижтимоий тармоқларни ҳам хафа қилмас, виртуал дугоналари билан «кимўзарга» ўйнагандек мақтанишдан

чарчамасди. Эҳтимол ўшанда бу митти матоҳ кун келиб фалокатга сабаб бўлишини билганида эди, бунчалик боғланиб қолмаган бўлармиди.

Ўша куни Назокат одатдагидек тонгни телефонни қўлга олиш билан бошлади, унинг ҳамроҳи наушник ҳам ўз жойида, эгасининг хизматида. Мусиқа тинглаб, қўшиқ хиргойи қилиб вақт ўтганини сезмай қолди, оқибатда ишига кеч қоладиган бўлди.

Шошилганича йўлга чиқаркан, ҳали мактабга ҳам бормайдиган ўғли Алишер телефон сабаб хархаша қилди. Ҳатто, қайнонасининг «буни қандай кўндираман, ўзингизнинг телефонингизни қолдириб, меникини олиб кета қолинг», деганига ҳам кўнмади. Эшикдан чиқиши билан «наушник»ни тақиб, овозини баландатди.

Шунчалик берилиб мусиқа тинглаганидан темир йўлдан ўтаётганида атрофга қарашни унутди, поезд баланд овозда чалган сигнални ҳам эшитмади. «Наушник»нинг бир бўлаги ерга тушди... Гўёки тонгда телефон эмас, онасини ҳалокатдан қутқариб қолиш учун хархаша қилган Алишер етим қолди...

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

ТАЪЛИМ

Боғчалар қачон очилади?

— Пандемия давом этаётган бўлса-да, мактаблар, ОТМлар фаолиятига рухсат берилди. Айрим ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари ҳам очилди. Бироқ туманимизда ҳануз боғчалар фаолиятига рухсат берилмаган. Хўш, улар қачон очилади?

Нодира АСАДОВА,
Тошкент шаҳри.



Мавлуда АСҚАРХЎЖАЕВА,
Мактабгача таълим ва-
зирлиги матбуот хизмати
раҳбари:

— Мактабгача таълим муассасалари 2020 йил ноябрь ойининг охирига қадар очилади. Иш фаолиятини бошлаш ва болаларни қабул қилиш ҳуқуқи фақат СЭС-дан рухсат олган мактабгача таълим муассасаларига берилади. Лекин қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган, ходимлари орасида коронавирус аниқланган МТМлар фаолияти тикланмайди.

Жумладан, Сирдарё вилоятида йил охирига қадар 20 та МТМ ёпиқлигича қолади. Тошкент вилоятида 104 та МТМ олиб борилаётган таъмирлаш ишлари сабабли очилмайди. 4 та МТМ яроқсиз ҳолатга келиб қолган, 2021 йилда улар инвестиция дастурига тавсия этилган. Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларидаги 26 та МТМ Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» раҳбариятининг қарорига биноан, ишламайди. Тошкент шаҳрида жами 80 та МТМ таъмирланмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЙ

«Хориждаги қариндошимнинг пенсиясини олсам бўладими?»

— Тоғам пенсияга чиққан, ҳозир Россияга даволанишга кетган. У кишининг пенсиясини ишончнома орқали олишим мумкинми?



Норкул ПИРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти.

Абдурашид ИСМОИЛОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, хорижда бўлган фуқаро Ўзбекистон Республикасига кела олмаган пайтида пенсия ишончнома орқали тўланиши мумкин. Бунда фуқарога Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан 3 хил мазмундаги асос бўлган маълумотнома (фуқаро соғлиғи туфайли Ўзбекистон Республикасига келолмаслиги, истиқомат қилиб турган республикада пенсия ёки нафақа тайинланмаганлиги ва доимий рўйхатда турмаслиги тўғрисида) берилади.

Ушбу маълумотномалар берилгандан кейин пенсия тикланиб, 12 ойдан ошмаган муддатга тўлаб берилиши мумкин. Қонунчиликда мазкур маълумотномалар орқали пенсия тайинлаш назарда тутилмаган. Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинимасида сақланади.

МОЛИЯ

Давлат корхонасининг қарзи қандай қарз?

— Нима учун давлат компанияларининг ташқи қарзи хусусий сектор қарзи сифатида белгиланган? Бу давлат қарзи эмасми?

Нодир АСҚАРОВ,
Тошкент шаҳри.



Отабек ТОЖИДДИНОВ,
Марказий Банк департаменти директори ўринбосари:

— Давлат томонидан жалб этилган қарзлар ҳисоби Молия вазирлиги томонидан юритилади ва Марказий банкка тақдим этилади. Агар давлат корхонаси ташқи қарз жалб қилган ва ушбу қарз бўйича Ҳукумат қафолат берган бўлса, ушбу қарз давлат қарзи эмас, хусусий сектор қарзи дея баҳоланади. Шу боис биз уни тегишли тармоқ ёки секторда кўрсатишимиз лозим. Қачонки, ушбу корхона тўлов қобилиятини йўқотса, бу қарз реал сектор таркибидан олиб, давлат қарзи ҳисобига олинади.

Эслатиб ўтадим, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига, яъни 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи 27,6 млрд. долларни ташкил этмоқда. Бунда 10,1 млрд. доллар — хусусий сектор ҳиссасига, 17,5 млрд. доллар — давлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

КОММУНАЛ

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қанча?

— Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан тураржойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ берилади. Айтинг-чи, бу норма қандай белгиланади?

Носирбек АЛИЕВ,
Самарқанд вилояти.



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Бунда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси вилоят ҳокимликлари томонидан 1 киши ҳисобига 16 квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса — 23 квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча майдон бир хона тарзида ёки 18 квадрат метрли умумий майдон миқдоридан берилади. Айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқароларга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича, шунингдек, бажараётган иш шароитлари ва хусусиятига кўра, қўшимча майдон зарур бўлган фуқароларга бундай майдон миқдори кўпайтирилиши мумкин.

САЛОМАТЛИК

Нега COVID-19 статистикаси турлича?

Давлатимиз раҳбари 17 ноябрда ўтказилган видео-селекторда COVID-19 билан касалланганлар учун ажратилган уринларда ҳозирда 6570 нафар бемор даволанаётгани айтиб ўтилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бераётган статистикада эса бу рақам шу кунга 2123 нафарни ташкил этди. Хўш, қайси рақамга ишонайлик?

Нурилло РАҲМАТОВ,
Қашқадарё вилояти.

Фурқат САНАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги матбуот хизмати
раҳбари:

— Видеоселекторда кўрсатилган 6570 нафар бемор орасида ўткир респиратор касалликлари, коронавирусга гумон қилинган ва оғир турдаги пневмония, шунингдек, вирус тасдиқланмаган беморлар ҳам бор. Коронавирус билан боғлиқ статистикага эса фақат махсус лаборатор тиббий текширувлар орқали касаллиги тасдиқланган беморларгина киритилади.

Касалликнинг айрим симптомлари мавжуд бўлиб, касаллик гумон қилинган, лекин инфекция тасдиқланмаган, шунингдек, пневмонияга чалинган ёки унга ҳам гумон қилинган беморлар, табиийки, коронавирус билан боғлиқ умумий расмий статистикада ҳисобга олинмайди. Аммо Саралаш ва тақсимлаш марказларида бундай беморлар ҳам стационар шароитда даволанишлари учун зарур шароитлар муҳайё қилинган.

Касаллик тасдиқланса, улар дарҳол расмий статистикада қайд этилади ва юқумли касалликлар шифохоналарига йўналтирилади. Шунинг учун коронавирус тасдиқланмаган, лекин бошқа касалликлардан даволанаётган беморлар ҳам жуда кўп. Шуларнинг ҳисобига шифохоналардаги беморлар сони коронавирусдан даволанаётган беморларнинг вазирлик эълон қилаётган расмий миқдоридан фарқли эканини кўриш мумкин.

